

ВАТАНЛАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 20 февраль, жума № 8 (2291). Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 20 февраля, 2009 год № 8 (2291). Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишиган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу — цена договорная

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН ЁШЛАР УЧУН ИШГА ЖОЙЛАШИШ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШ БЎЙИЧА ҚАТОРИМТИ-ЁЗЛАР ТИЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ. ҲОЗИРГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА АРМИЯ САФЛАРИДА МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАҚТАБИНИ ЎТАГАН, ЖАНГОВАР ҲАМДА СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИҚДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН 22 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЁШЛАРИМИЗ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган йиғилишидан асосий мақсад — мамлакатимизда 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича амалга оширилган ишларга якун ясаш ҳамда 2009 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Авваламбор, шунинг айтиши керакки, жорий йилда ўз олдимишга қўйган янги вазифаларини мураккаб бир вазиятда, яъни, дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати ўта кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози билан боғлиқ бир шароитда амалга оширишга тўғри келди.

Маълумки, 2008 йилда бошланган бу инқироз ҳозирги вақтда кўпгаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора кенг ва чуқур қамраб олмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмоиллашувига олиб келмоқда, бир сўз билан айтганда, бу инқироз кўп жиҳатдан оқибатини олдиндан билиб бўлмайдиган даражада жиддий тус олмоқда.

Иқтисодий таъсирнинг жаҳон ҳўжаллик ва иқтисодий-молиявий тизимига интeгpациялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, жаҳон молиявий инқирози, аввало унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳеч қандай зарурати бўлмас керак, деб ўйлайман.

Бундай таъсир, авваламбор, умуман дунё бозоридидаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетиши ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар на улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намойиш бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодий таъсирнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимишга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўпгаб муаммоларни туғдирмоқда.

Мухтасар айтганда, ўтган йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун гоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодий таъсирнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг

ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришида 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Иқтисодийнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш — 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташини ҳажми — 10,2 фоиз, савдо соҳаси — 7,2 фоизга ўсди. Қишлоқ ҳўжалигида 4,5 фоиз ўсишга эришилди, 3 миллион 410 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна бугдой ештирилди.

Давлат бюджети орнини билан бажарилиди, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорда профицитга эришилди. Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.

Шу ўринда мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.


2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодий бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натijaда ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Жорий 2009 йилни оладиган бўлсак, ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида — ва шунга мос равишда ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳам — 1,4 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичларини 7-9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланмоқда.

Ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмоиллашуви қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланиши 21,4 фоизга ошди, айни вақтда товарлар ва хизматлар экспорт 28,7 фоизга ортди. Натijaда ташқи савдо балансида ижобий салдо ҳамин севиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодий таъсирнинг барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайлида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот саломатининг барқарор ўсиш тенденцияси ва

(Давоми 2-бетда).



Бизнинг айтишича ИСЛОМ КАРИМОВ суратга олган.

Тобланар, ҳаёт мактабида ўғлонларимиз!

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 февраль куни Оқсаройда АҚШ қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.

— Ташрифингизни Ўзбекистон — АҚШ муносабатларидаги муҳим воқеа деб ҳисоблаймиз. Чунки бу АҚШ янги маъмурияти вакилининг илк ташрифидир, — деди Ислом Каримов. — Ушбу учрашув ҳамкорликка доир масалалар ва минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон барча мамлакатлар билан тенглик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида, икки томонлама манфаатдорлик нуқтан назаридан ҳамкорлик қилиш тарафдоридир. АҚШ билан мавжуд ҳамкорлик ҳам Ўзбекистон манфаатларига тўла жавоб беради.

Д.Петреус самимий қабул учун Президентимизга

миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги нафақат икки мамлакат манфаатларига, балки таҳдидларнинг олдини олиш ва баргараф этини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, наркотрафикка, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ШУ СОНДА

- Ўғлонлар отланди, жанговар сафга 7
- Уяли телефон қуёш батареясида ишлайди 16
- Аскар куч-қуввати 300 фоизга ошиши мумкин 11
- Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий қўшин тузишини орзу қилганди 21

6 ВДОХНОВЛЯЯСЯ ДОКЛАДОМ ПРЕЗИДЕНТА

ЭКОНОМИКА
УЗБЕКИСТАНА-2008:
ТЕМПЫ ВЫСОКИЕ,
УСПЕХИ СТАБИЛЬНЫЕ

8 ЧАҚИРУВ—2009

БЕЛ БОҒЛАШДИ
ВАТАН
ҲИМОЯСИГА

17 СЕНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИНГ,
ЎЗБЕКИСТОН!

ИСМИНИНГ
СИФАТИ
ЖИСМИГА КЎЧГАН

22 СПОРТ

ЗИМНИЯ
ОЛИМПИАДА
СРЕДИ КУРСАНТОВ

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

(Давом. Боши 1-бетда).

хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушнинг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айни вақтда Ўзбекистон учун аънанавий экспорт хомашё бўлган пахта толасининг бу бордаги улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 12 фоизга тушди.

Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибидан юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушнинг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодий таъминнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда бундай ўзгариш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Негатив деганди, бугунги кунда экспорт асосан хомашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридан нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғлиқ қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодий тизимдан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда.

Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида кўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодий тизимнинг тубдан таркибий ўзгариши ва диверсификация қилиши, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиши, техника ва технология янгилаш дастурларини амалга ошириши, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қудай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодий ривожлантириш учун барча молиявий маъналар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга nisbatан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди. Ҳаётда ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техника қайта жиҳозлашга йўналтирилганини таъкидлаш даркор.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодий тизимига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига nisbatан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди.

Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодий тизимга жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юқини камайтириш ва ҳўжалик юртуғуви субъектларининг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сисмати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан икки йил аввал ташкил этилган, бугунги кунда 3

миллиард 200 миллион АҚШ долларида ортиқ ниҳом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истиқболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Утган икки йил мобайнида ўнлаб йирик sanoat ва инфратузилма ишюотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларида зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат sanoatда 145 та, қурилиш материаллари sanoatда 118 та, энгил ва тўқимачилик sanoatда 65 та, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефть-кимё sanoatда 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

2008 йилда ишга туширилган ва ҳозирги кунда қуриладиган йирик ишлаб чиқариш ишюотлари қаторида Фарғона vodiysининг электр энергияси билан мунтазам таъминлаш имконини берадиган, узунлиги 165 километрик Янги Ангрэн иссиқлик электр станцияси – «Ўзбекистон» юқори қучланиш электр узатиш линияси барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сирдарё иссиқлик электр станциясини «Сўғдиёна» қучлантириш станцияси билан боғлайдиган, Гўзур-Сурхон юқори қучланиш электр узатиш линиялари ва Тошкент шаҳри электр таъминоти объекти лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, ўтган йили 2 минг 600 километрдан ортиқ ичимлик суви ҳамда 825 километрдан зиёд табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Ижтимоий соҳа объектиларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14 минг 700 ўқувчи 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спортини ишюоти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди.

Ўтган йилда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада ошириш принципларини муҳим аҳамиятга эга эканини инobatта олиб, фермер ҳўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди.

Дастлаб зарар қўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат ҳўжаликларини тутатиш негизида ташкил этилган хусусий фермер ҳўжаликларини бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўлишга – қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди.

Ҳозирги вақтда фермер ҳўжаликларини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер ҳўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодий таъминоти тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади. Қишлоқ ҳўжалик техникасининг лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган аниқ шундай эътибор ва амалий ёрдам туғайли 2008 йилда фермер ҳўжаликларининг пахта етиштиришдаги

улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер ҳўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Фаолият юритаётган аксарият фермер ҳўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер ҳўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсиқлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер ҳўжаликларини ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда қўриб ишлаш, даромадларини оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер ҳўжаликларини фаолиятини таъкидлий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг қўллаш, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер ҳўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер ҳўжаликларини учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 барбардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабаботчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 барбар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам барқарор ривожланди. Ҳўжалик юртуғуви субъектларининг солиқ юқини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди. Натижада сўнгги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сонини 1,9 барбар кўпайди ва 2008 йили қарийб 400 мингтаини ташкил этди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу sanoat тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. **Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.**

Шу муносабат билан аҳолининг иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиши, қишлоқ жойларда чорвачиликнинг ривожлантириш рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йил мобайнида юртимизда 661 мингта яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрни тутади. 2008 йили алоҳида, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, манший техника ва автомобилларини таъмирлаш соҳалари анча юқори суруятлар билан ривожланди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида йилга ўртача 50⁶ фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди.

Айни пайтда қишлоқ аҳолисини кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада – бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас.

Такрор ва такрор қилиш айтимоқчиман – биз ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперация асосида барпо этиладиган касаначиликнинг ривожлантиришга қандай катта аҳамият бераётганимиз барчанга маълум. Бу борада мамлакатимизда иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилган.

Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Айни вақтда касаначилик фуқароларини, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чеklangан бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Яъни, бундай ишлар орқали биз одамларни банд қилиш билан бирга, яна бир муҳим мақсадга – уларни маънавий қўллаб-қувватлашга, «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган широнимининг амалий тасдиғини таъминлашга эришган бўламиз.

Тасаввур қилинг, биргина 2008 йилда касаначилик томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар, шу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди.

Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг яна бир муҳим йўналишини шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларига қорамол боқиш билан шуғулланган кишилар сонини кўпайтиришдан иборат. Қайд этиш керакки, бу масалада муайян ижобий натижалар кўлга киритилди. Мамлакатимизда қорамолларни аҳолига ва фермер ҳўжаликларига кимодчи савдолари орқали сотиш, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмининг ошириш, озуқа билан таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилган. Чорвачиликнинг ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили кимодчи савдоларида 20 минг 300 бош қорамол сотилди. 2009 йилда яна 24 минг 600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилмоқда. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этди.

Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул ситир ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан ҳозирга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди. Натижада 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларига қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сонини 1 миллион 100 мингдан кўпроғини ташкил этди. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат қўрағисига берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарида иш стажини тегишли тартибда қайд этилди.

Жаҳон иқтисодий инқирози кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этганини, ўйлайманки, барчанга яхши тушунасиз. Шу нуқтан назардан банк-молия тизимини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қисқичча тўхталиб ўтмоқчиман.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давом. Боши 1-бетда).

Давлат раҳбарининг маърузасида мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва макронийсиқдорлик барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодий таркибининг тубдан ўзгариши, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича узоқ муддатли масалаларни ҳал этишда ижобий натижалар таъминланаётгани алоҳида таъкидланди.

2008 йил якулида бўйича республика ялпи ички маҳсулоти 9 фоизга, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 4,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга, хизматлар ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичдан ортиқ бўлмади.

Фаол инвестиция сисмати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 71,2 фоизга ўсишини таъминлади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини изчил ошириш ҳисобига sanoat маҳсулотининг кўпгина турлари бўйича импортга боғлиқлик қисқартрилди ёки умуман импорт қилинмади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликнинг изчил ривожлантириш давом этмоқда. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 48,2 фоизга-

ча, хизматлар соҳасининг салмоғи 45,3 фоизгача ўсди.

Ташқи савдон тармоқлар ва минтақалар бўйича диверсификациялаш таъминланмоқда, ўсиб бораётган Осиё бозори билан савдо айланмаси кўпаймоқда. Ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо 1,8 баравар кўпайди.

Банк-молия тизими фаол ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда, банкларнинг жами капитали 2007 йилга таққослаганда 40 фоизга кўпайди. Бир йил ичида аҳолининг банклардаги омонатлари 65,3 фоизга кўпайганини аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига ишончли мустаҳкам эканлигига ёрқин мисол бўлади.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёшларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларини турар жой ва манший шарт-шароитини яхшилаш, ёшларнинг таълим сифатини ошириш бўйича умумий суммаси 1363,5 млрд сўмлик чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий кризиси юзага келганлиги сабабли дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий тизимини мустаҳкамлашнинг ўзини хос сновдан ўтказган 2008 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ютуқлар Ўзбекистон ташланган ривожланиш модели тўғрилигини, республика иқтисодий таркибдорлигини ва унинг банк-молия тизими ишончлигини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистоннинг мустаҳкам макронийсиқдорий позицияси, иқтисодий тизимини таъминлайдиган аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун етарли ресурслар мавжудлиги 2008 йилнинг охирида республикага ташриф бу-

юрган Халқаро валюта жамғармасининг миссияси томонидан юқори баҳоланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг оқибатларини мамлакат иқтисодий тизимини баргараф этиш мақсадида республикада қабул қилинган Кризисга қарши дастур доирасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий тизимнинг базавий тармоқлари корхоналарини, биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий-кредит ва солиқ имтиёзлари бериш, банк секторининг капиталлашувини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани айниқса қишлоқ жойларда ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича тизимли ва аниқ йўналтирилган ишлар шулар жумласидандир.

Мамлакат Президенти ўз маърузасида мавжуд ҳал этилмаган муаммоларга алоҳида эътиборни қаратди ҳамда 2009 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини бажариш бўйича дастурий вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Кун тартибиданги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимлари сўзга чиқди. Кун тартибиданги масалаларни муҳокама қилиш якулилари бўйича республика ҳукумати мажлисида 2009 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).

Вазирлар Маҳкамаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг иктымий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан тақдирларни ишлаб чиқиши ва Олий Мажлиста киритишни тезлаштириши зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазибалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини мейморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва куриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш лозим.

Худудларнинг мейморий-лоийҳавий курилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлим, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва иктымий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

Бу вазибаларни бажариш учун яқинда махсус «Қишлоқ-қурилиш-лоийҳа» лойиҳа-тадқиқот институтини ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлангани тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдига аниқ ва равшан вазибалар қўйиш керакки, жорий йилнинг ўзигаёқ биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Табийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларга тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари «Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан биргаликда маҳаллий хомашдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пишиқ гишт, том ёпиш, пардозлаш ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган материалларни ишлаб чиқариш бўйича минигтехнологияларни жорий этиш, мавжуд норузда конларини қайта тиклаш ҳамда реконструкция қилишга доир махсус дастурларни ишлаб чиқиши лозим.

Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйлари, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган иктымий объектлар тармоғига — бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спортини иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими — ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор таққидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканини унутмаслигимиз даркор.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Марказий банк маънафаддор тузилмалар билан биргаликда яқин вақт ичида Вазирлар Маҳкамасига мазкур банк фаолиятини ташкил этиш юзасидан тақлиф киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари туманларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва иктымий инфратузилма объектларини қуриш бўйича ихтисослашган хусусий пудратчи корхоналарни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш масаласини кўриб чиқсин.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазибаси — қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазиба кенг миқдосда қўйилмоқда — яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламада фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хомаш базасини ташкил этиш зарур.

Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг қўлайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳаминша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига икки ой муддатда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, ҳар бир туман шароитидан келиб чиқиб, 2009-2011 йилларда қишлоқ жойларда қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, уларни хомаш база-

си билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазибаси топирилсин.

Тўртинчидан, 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурини кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига — яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳолини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларини тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув ҳўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омил сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазиба бўлиб қолади.

Бизнинг иктымий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилётганини яна бир бор такрорлашнинг ҳожаги йўқ, деб ўйлайман. Фақат эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш бора-сида энг қўлай ва мақбул воситага айлантиради.

Жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазибаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурини кичик бизнесни ривожлантириш рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институтуал ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Илгирчилик кредит жағғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёزلарнинг амал қилиш муддати узайтирилади, айланма маблағларни тўлдирish учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилади.

Жорий йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилади, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилади. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юрtingчи субъектларини оладиган дивидендларнинг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилади.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурини 2009 йилда хўжалик юрtingчи субъектларини текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Айни пайтда жойларда вазибада ўтирган амалдорлар хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ўрнига, кичик бўлса-да, ўз иши, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган одамларга турли йўллар билан тўққонлик қилаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Ўз бизнесини ташкил этиш ёки кенгайтиришнинг истаган тадбиркорлар қурилишга руҳант олиш, кадастр орқали расмийлаштириш учун ойлаб югураётганига, лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, бинолар ижараси учун асоссиз равишда катта миқдорда пул тўлаётганига қандай чидаш мумкин? Бундай ҳолатларга прокуратура органлари қандай қараяпти?

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш бўйича мейморий-лоийҳалаштириш вазибаларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларининг экспертиза қийматини камайтириш, кичик бизнес учун экологик экспертизанинг соддалаштирилган тартибининг жорий этиш ва уни амалга ошириш учун тарифларни пайсгайириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўзда тутилган қарор лойиҳасини тақдим этсин.

Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек, давлат мулки бўлган иншоотлар учун ижара ҳақи тўлаш бўйича тарифларни камайтириш масаласини ҳам кўриб чиқиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, бутун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нима халақит бераётганини яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ва ушбу таҳлил асосида аниқ қарорлар қабул қилиш даркор.

Айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимизни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қисқа вақт ичида 2007-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг ижросини таҳлил қилиб, белгиланган вазибаларнинг бажарилмаслиги билан боғлиқ сабабларни ўрганиб чиқсин ва зарур ҳолатларда тегишли ўзгаришлар киритсин.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта қўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омил сифатида жадал ривож-

лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазиба вазиба тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўққонлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Навбатдаги энг муҳим устувор вазиба — бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омил сифатида ишлаб чиқариш ва иктымий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат.

Ҳаёт муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу устувор вазибага алоҳида эътибор қаратишни истардим. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қўлай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг бой минерал-хомаш ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтирилади.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шарти ва омилдир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, иктымий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, иктымий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг қўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Замонавий ишлаб чиқариш ва иктымий инфратузилмани жадал ривожлантириш таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида «2009 йилда ишлаб чиқариш ва иктымий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» махсус дастур қабул қилиниши ва унинг бажарилиши кескин назоратга олинди.

Биз транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўлларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бутунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда.

Шунингдек, Дастур доirasидаги ишлар қўшини мамлакатлар чегараларидан ўтмасдан, юкларни маънафаддор узлуксиз етказиш, йўловчилар ташиниш учун шароит яратмоқда, ҳудудимиз орқали ўтадиган юклар трайгининг сезиларли даражада қўлайтиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Бейнов — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналиши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро — Олот ва Самарқанд — Ғузур йўлларининг стратегик участкаларини қуриш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш қўламини кенгайтириш вазибаси қўйилмоқда.

Темир йўл тармоқларини қуришни давом эттириш ҳам биз учун катта аҳамият касб этади. Жорий йилда янги Тошгузар — Бойсуи — Қумқўрган темир йўл линиясида ободонлаштириш ишларини ниҳоятга етказиш зарур.

Деҳқонobod қалин ўнгитлари заводининг қайта ишлаш комплексига олиб борадиган янги темир йўл тармоғини барпо этиш, Жигзах — Янгитер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўл линияси ва Янгитер — Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўл линияси қурилиши юзасидан кўзда тутилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор — Корейнинг «Корейн Эйр» компанияси бошқарувида бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимида катта истиқболлар очилади.

Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қишлоқлараро транспорт-экспедиция узел сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади.

Иктымий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришнинг тубдан яхшилан, шунинг ҳисобидан қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари бизнинг режаларимизда алоҳида ўрин эгаллашни даркор.

Кўзда тутилган чора-тадбирлар доirasида 2009 йилда узунлиги 2 миң километрдан ортиқ ичимлик суви ва қарий 700 километрлик табиий

газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суволатирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари қўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда турар-жой фонди объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни калити билан топириш шарти асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қуриш ташкилотларини тузиш назарда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини бундай хусусий ташкилотларни шакллантириш, уларни иш билан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш лозим.

Шу мақсадда турар-жой фондини, унинг идоравий мансублигидан қатъи назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскирган уй-жойларни, кўпқаватли уйларидаги бўш турган хоналарни, жумладан, ётоқхона ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш учун тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш керак. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунда мазкур биноларни маҳаллий ҳокимият идоралари тасаруфига беришни кўзда тутиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича конкрет дастурлар ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши пудрат ишларини бажариш учун қўшимча равишда ўн миңгадан ишчиларни жалб қилиш, одамларимизнинг уй-жой шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юрtingчи субъектларининг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазиба бўлиб қолади.

Шуни таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириш турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассасалари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиш, ўз илгом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим.

Бутунги кунда банкларда омонатларнинг қўлайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига инималар тўққонлик қилаётганини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўриш керак. Бу ўринда гап аҳоли ва хўжалик юрtingчи субъектларининг бўш маблағларини банк секторига жалб қилишда таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратилиши қўлайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтириш ҳақида бормоқда.

Банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазибалари юклангани сабабли уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим.

Биринчи навбатда, бу борада инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялаштириш ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизматларини мустаҳкамлаш зарур.

Тижорат банклари ва уларнинг тегишли бўлимлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш шунинг кўрсаткичи, уларнинг акариятни амалдаги қонунчилигимизни ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизмининг тартиб даражада билмайдми. Шу сабабли ҳам банклар ҳали-бери инвестиция жараёларининг фаол иштирокчиларига, инвестиция лойиҳаларини ҳамда ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларини жорий этишда корхоналар ва кичик бизнес субъектларининг ҳақиқий ҳамкорларига айлана олмаётганини афеусланиб таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига аҳоли ва хўжалик юрtingчи субъектларининг бўш маблағларини депозитларга жалб қилишни янада рағбатлантиришга доир аниқ тақлифлар киритсин.

Қадрли дўстлар!

Ишончим комилки, биз ишлаб чиққан Инқирозга қарши чоралар дастурини кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради.

Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзинининг мустаҳкам ўринини эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазибаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади.

Ана шу эъти мақсадларга эришни йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва ютуқлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2009 йил 13 февраль

2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этади, 2008 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, таркибий қайта ўзгаришларни, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни, унинг етакчи, энг аввало, экспортга йўналтирилган тармоқларини ривожлантиришнинг самардорлиги ва мувозанатлашганлигига 2008 йилда юзга келган жаҳон иқтисодий кризис ва унинг оқибатлари салбий таъсир этмоқда.

Шунга қарамай, 2008 йилда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари мувозанатлашганлиги сақлаб қолинди. Утган йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 17,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноздан кўрсаткичдан юқори бўлмади, ва 7,8 фоизни ташкил қилди.

Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 71,2 фоизга ўсишини таъминлади. 423 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида 90 та техник модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Ташқи савдон тармоқлар ва минтақалар бўйича диверсификациялаш таъминланмоқда, ўсиб бораётган Осиё бозори билан савдо айланмаси кўпаймоқда. Экспорт ҳажми 28,7 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида иккитарафли сальдо 1,8 баравар кўпайди.

Бозор инфратузилмаси фаол ривожланмоқда. Банкларнинг жами капиталли 2007 йилга нисбатан 40 фоизга, кредит қўйилмалари 33,4 фоизга, аҳолининг банк депозитларидаги маблағлари эса 65,3 фоизга ўсди. Суғурта хизматлари ҳажми 25,6 фоизга кўпайди.

Аҳоли бандлиги ва турмуш даражасида сифат ўзгаришларини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касба-чиликни илгир ривожлантириш давом этмоқда. Кичик бизнес саноат ишлаб чиқариш ҳажми 21,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 2007 йилдаги 45,7 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга, ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуғи эса тегишли равишда 42,5 фоиздан 45,3 фоизга ўсди. Утган йилда қарийб 661 мингта, шу жумладан касба-чилик ҳисобига 97,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳоли реал даромадларининг 23 фоизга ўсиши таъминланди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларнинг турар-жой ва маншар шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларнинг таълим сифатини ошириш бўйича умумий суммаси 1363,5 млрд. сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, саноат маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг муҳим омил сифатида маҳаллий хомашё асосида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича айрим тармоқларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмагани, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирish, шунингдек, уларни экспортга етакчи беришни кўпайтириш ишлари суёт ташкил этилган.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт коммуникациялари ва йўл қурилишини янада ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш масалалари жиҳатидан янги беришни талаб қилади.

2. Қуйидагилар 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий кризис оқибатларининг олдини олиш ва баргараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, бунинг биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омил сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омил сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидagi депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида, республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш яқунларини тақдидий таҳлил қилишлар ва 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда зарур молиявий ва моддий маблағларнинг манбаларини, шунингдек, муддатларини, масъул бажарувчиларни ва уларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат қилиш механизмни белгилаган ҳолда 2009 йилда маҳсулотларнинг талаб катта бўлган турларини ишлаб чиқаришни кўшимча равишда кўпайтириш учун мавжуд ресурслар ва имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланишни таъминлаган аниқ чора-тадбирлар комплексини тасдиқлашлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган прогнозларига эришиш бўйича 2009 йил иқтисодий дастурининг бажарилишини, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг оқибатларини баргараф этиш ва уларга барҳам бериш юзасидан қўриладиган чора-тадбирларнинг самардорлигини ҳар чоракда кўриб чиқиш.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплексини (Р.С.Азиев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов) манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда 2009-2014 йилларда замонавий инновация технологияларини жорий этишга, рақобатбардошлигини тубдан оширишга ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш таъминловчи энг муҳим устувор лойиҳаларни амалга оширишнинг узоқ муддатли дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни бир ой муддат-

да тугалласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Мазкур Дастур параметрлари яна бир бор аниқлаштирилсин ва Дастур барча ижрочилар, айниқса, хорижий иштирокчилар билан узили-кесил келишилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

тежамкорликнинг қатъий режимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича;

озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, ички бозорни улар билан ишончли тўлдирishни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларини амалга оширишни аниқ ташкил этиш ва уларни бажаришнинг тизимли мониторингини таъминлашлар.

Ийрик саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш чора-тадбирларининг ҳамда озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш дастуриларининг бажарилиши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р.Шономатов ва Н.М.Ханов, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмухамедов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси (Назаров), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов) жорий йилнинг 10 мартингача бўлган муддатда:

иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари ўсиши динамикасини, энергия сарфи юқори бўлган ускуналарни фойдаланишдан чиқариш, энергияни кам сарфлайдиган ва энергия жиҳатидан самарали замонавий асбоб-ускуналар ҳамда технологиялар жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш йўқотишлари ва энергия сарфини камайтиришни, энергиянинг ноаъанавий ва тикланадиган манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантириш ҳисобига олган ҳолда мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг назарда тутилган 2009-2013 йилларда электр энергетикасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

магистрал ва маҳаллий тармоқлар бўйича узатишда электр энергияси нобудгарчилигини камайтириш учун электр энергетикаси корхоналарининг тармоқ хўжалигини модернизация қилиш, вилоятларда аҳоли, ишлаб чиқариш объекти ва хизматлар соҳаси объектиларини электр энергияси билан кафолатли, узлуksиз таъминлаш учун зонал кичик станциялар ташкил этишни назарда тутилган 2009-2015 йиллар даврида энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

2009 йилда ийрик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, 2010-2012 йилларда – шаҳарларнинг бошқа истеъмолчилари томонидан ва 2012-2015 йилларда – қишлоқ истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмол қилишнинг ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳаларни киритилишини таъминлашлар.

7. Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р.Шономатов ва У.У.Розуқулов «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси (Назаров), «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси (Юсупов), «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (Избосаров), Навоий кон-металлургия комбинати (Санақулов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) билан биргаликда жорий йилнинг 1 июлгача бўлган муддатда маҳаллийлаштириладиган машинасозлик асбоб-ускуналарни, шу жумладан, нефть-газ ишларини амалга ошириш

учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги хомашёсини ва минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши хорижий аналоглар, мини-технологиялар асосида кичик корхоналар учун инструментал асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, асбоб-ускуналар, машина ва агрегатлар ишлаб чиқаришни тубдан кенгайтириш бўйича таклифлар тақдим этсинлар.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров), Марказий банк (Муллажонова) ва «Ўзстандарт» агентлиги (Абдувалиев) билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган 2009 йилда импорт қилиш кўрсаткичларига тузатиш киритиш юзасидан таклифлар киритсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) хўжалик бошқаруви органилари ва корхоналар томонидан Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тузилган контрактларнинг бажарилиши, шунингдек, унга маҳаллийлаштирилган маҳсулот қўйилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин, натижалари ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқилсин.

8. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни, энг аввало, енгил ва озиқ-овқат саноатидаги корхоналарни муфассал ўрганиб чиқиш ҳамда банкрот корхоналарни таркибий ўзгариш, уларни тижорат банкларига сотиш билан боғлиқ зарур қарорлар қабул қилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўзлари бошчилик қиладиган ҳудудий комиссиялар орқали Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органилари, хўжалик, жамоат тузилмалари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг аниқ ҳиссасига баҳо берган ҳолда Дастур тадбирларининг ижроси юзасидан қатъий мониторинг олиб борилишини ва уларнинг сўзсиз бажарилишини ташкил этишни таъминлашлар.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) икки ой муддатда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес учун имтиёзлар ва рабатлар кенгайтирилишини ҳамда янги имтиёзлар ва рабатлар берилишини, умуман, қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, фермерлик харақатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақоми мустаҳкамлашини назарда тутилган қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилишини таъминлашлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов, «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), «Ерегодезкадастр» давлат қўмитаси (Арабов) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), «Ўзмонтажмахсукурилиш» уюшмаси (Шодиев) билан биргаликда:

минтақаларнинг иқлим, демография ва бошқа шароитларини ҳисобга олиб, ҳудудларни архитектуравий режалаштирилган ҳолда қуришнинг бош режалари, қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий инфратузилма объектларининг бирхиллаштирилган намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқилишини;

бир ой муддатда – «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишни, шу жумладан, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдирishни таъминлашлар, бунда институт жорий йилнинг ўзидеёқ янги бош режалар ва намунавий лойиҳалар ишлаб чиқишни назарда тутишлар; жорий йилнинг 20 мартингача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Рес-

публикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда – йиғма, композицион ва майда блок-ли конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлашлар.

12. Марказий банк (Муллажонова), Молия вазирлиги (Гуськова), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига минтақавий бўлимлар тармоғига эга бўлган, қишлоқ қурилиш бўйича ихтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари икки ой муддатда:

«Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, пишиқ ғишт, томга ёпиладиган материаллар, безак ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш бўйича мини-технологияларни жорий этиш, нурда материалларнинг ишлаб турган класини тиклаш ва реконструкция қилиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқсинлар;

намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объекти қуриш бўйича туманларда хусусий ихтисослаштирилган пудрат корхоналари ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқсинлар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўмаклашсинлар;

ҳар бир туман бўйича 2009-2011 йилларда қишлоқда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, уларни хомашё базаси билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда қабул қилсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда қишлоқ жойлардаги инфратузилмани тақдидий бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқсинлар, бунда қишлоқ жойларда аҳолининг бандлигини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишни назарда тутишлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов) «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов) билан биргаликда:

жорий йилнинг 1 майгача бўлган муддатда – 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастурига мувофиқ 2009 йилда амалга ошириш назарда тутилган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва сифатли экспертизадан ўтказилишини таъминлашлар;

бажариладиган мелiorатив ишларнинг сифати ва ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) манфаатдор вазирликлар ва идораларини жалб этган ҳолда, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, унда архитектуравий режалаштириш тошхоналарини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини камайтиришни, кичик бизнес учун экологик экспертизанинг соддалаштирилган тартиботини жорий этиш ва уни амалга ошириш тарифларини камайтиришни, шунингдек, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тарифларини ва давлат мулки бўлган биноларни ижарага бериш тўловларини камайтириш чора-тадбирларини назарда тутишлар.

(Давлат 6-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 5-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров), Адлия вазирлиги (Мухитдинов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тadbиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қўни ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, рухсатномалар олишда, тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда:

2007-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини танқидий ўрганиб чиқсинлар, қўйилган вазифалар бажарилмаганлиги сабабларини аниқласинлар ва зарур бўлган ҳолларда тегишли тузатишлар киритсинлар;

хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурларини тубдан қай-

та қўриб чиқсинлар ва одамларнинг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашнинг ва қишлоқ турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар, бунда кўрсатилаётган хизматларнинг турларини кўпайтириш учун хусусий секторга зарур бўлган шарт-шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берсинлар.

17. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Парпиев), тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳри бўйича 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Дастурда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, шу жумладан, йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича қурилиш ишларини бажаришга кенг жалб этиш; кичик бизнес ва хусусий тadbиркор-

ликни, хизматлар ва сервис соҳасини, чорвачилик ва касаначиликни ривожлантириш, Бандликка қўмақлашиш жамғармаси ва тижорат банкларининг маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш, бунда иш билан банд бўлмаган аҳолининг юқори даражаси кузатилаётган туманлар ва шаҳарларга, шунингдек, ўрта махсус касб-хўнаў ўқув юртлири битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти асосида турар-жой фонди объектларини режалаштириш, дизайнини ишлаб чиқиш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш амалга оширадиган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни, уларни иш қўли билан таъминласинлар. Ушбу мақсадларда:

фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эски турар-жойларни, кўп квартиралы уйларидаги бўш турган жойларни, шу жумладан, ётоқхоналарни ва қурилиш тугалланмаган объектларни аниқлаш юзасидан, идоровий мансублигидан қатъи назар, турар-жой фондини икки ой муддатда ялпи хатловдан ўтказсинлар ва

уларни маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфига беришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур қарорлар қабул қилсинлар;

хатлов якунлари бўйича турар-жой фондининг кўрсатиб ўтилган объектларини мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг аниқ дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Муллажонов) тижорат банклари ва уларнинг муассислари билан биргаликда:

банкларнинг устав капиталлари миқдорини тасдиқланган параметрларга етказган ҳолда уларнинг капиталлашуви даражасини оширишни белгиланган тартибда ва муддатларда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда икки ой муддатда жамғармаларнинг банк тизмига оқимини тўхатиб турган омиллари пухта таҳлил қилсин ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини депозитларга жалб этишни янада рағбатлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси-

га аниқ таклифлар киритсин;

банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳолининг омонатлари бўйича нақд пул маблағлари миқдорининг биричи талабига қўра берилиши таъминлашнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Аҳолига уларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини беришнинг белгиланган тартибни бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда тижорат банклари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари ва филиаллари раҳбарларига нисбатан эғаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган қатъий чоралар кўрсин;

тижорат банкларига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юкланганлиги муносабати билан тижорат банклари ишнини тубдан қайта қуриш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин. Бир ой муддатда тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш ва молиялаштиришни бошлаш билан шуғулланадиган махсус хизматлари юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлансин.

20. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Вдохновляясь докладом Президента

ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА-2008: ТЕМПЫ ВЫСОКИЕ, УСПЕХИ СТАБИЛЬНЫЕ



Фото из архива редакции.

В эти не по-зимнему ясные и теплые февральские дни общечеловеческая, ученые и политики, народные депутаты и представители дипломатического корпуса, деловых кругов, общественных организаций, средства массовой информации и военнослужащие Вооруженных Сил широко обсуждают доклад Президента Узбекистана Ислама Каримова, с которым он выступил на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2008 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2009 год.

Доклады и выступления главы государства всегда ожидаемы нашей общественностью. Но этот доклад ждали с особым волнением и надеждой. И этот объемный труд дал исчерпывающие ответы на многие вопросы о социально-экономическом развитии страны в условиях жесточайшего экономического и финансового кризиса, охватившего практически все страны мира и, главное — укрепил нашу веру в растущее благополучие, в наш завтрашний день.

Мировой финансовый и экономический кризис во многих странах приобретает все большие масштабы и глубину, приводит к спаду производства, растущей безработице, ухудшению уровня жизни населения и во многом носит непредсказуемый характер. С учетом растущей интегрированности нашей экономики в мировые хозяйственные и финансовые связи мировой кризис оказал и продолжает оказывать на нашу страну негативное воздействие. В силу этого истекший год для нас был весьма сложным и трудным.

Однако, благодаря мудрости Президента, республике удалось добиться в 2008 году не только стабильного функционирования экономики, но и обеспечить высокие и устойчивые темпы ее роста.

Назовем основные, наиболее важные показатели. Валовой внутренний продукт в 2008 году вырос на 9 процентов. Промышленное производство увеличилось на 12,7 процента, в том числе производство потребительских товаров — на 17,7 процента. Сфера услуг выросла на 21,3 процента. В сельском хозяйстве темпы роста составили 104,5 процента. Заготовлено хлопка-сырца 3 млн. 410 тыс. тонн, произведено зерна 6 млн. 330 тыс. тонн, в том числе пшеницы 6 млн. 145 тыс. тонн. Порадуемся вместе с нашими хлеборобами, вырастившими рекордный урожай зерна. Отдадим дань уважения и хлопкоробам за их доблестный труд, сумевшим в условиях жесточайшего маловодья вырастить более 3 миллионов тонн хлопка-сырца.

Говоря об итогах года, нельзя не подчеркнуть, что Государственный бюджет, в котором предусматривался дефицит, выполнен с профицитом в 1,5 процента к ВВП. Благодаря умеренно жесткой денежно-кредитной политике, нам удалось сдер-

жать инфляцию в пределах предусмотренных прогнозных показателей — на уровне 7,8 процента в годовом исчислении.

В условиях все углубляющегося финансового и экономического кризиса в нашей стране последовательно осуществлялась сильная социальная политика. Средняя заработная плата в бюджетных организациях выросла за 2008 год более чем в 1,5 раза, а в целом по экономике в 1,4 раза. В результате этого средняя зарплата в прошлом году составила в эквиваленте более 300 долларов США. Реальные доходы на душу населения увеличились за год на 23 процента.

Нельзя не подчеркнуть и то, что на 2009 год предусматривается увеличить размер средней заработной платы в бюджетной сфере в 1,4 раза.

Важным показателем итогов года является рост внешнеторгового оборота. Несмотря на ухудшение конъюнктуры внешнего рынка, он увеличился на 21,4 процента. При этом в структуре экспорта в течение последних лет четко прослеживается устойчивая тенденция роста доли готовой продукции. В частности, доля несельскохозяйственных товаров в общем объеме экспорта в истекшем году составила свыше 71 процента.

Эти и другие показатели и в первую очередь рост в экспорте доли конкурентоспособной готовой продукции с высокой добавленной стоимостью «свидетельствуют», — указывает Президент, — не только о растущем потенциале и возможностях нашей экономики, но и служат важнейшим направлением снижения зависимости экспорта, от воздействия часто повторяющихся колебаний мировых цен на сырьевые ресурсы».

Какие факторы оказали влияние на устойчивость нашей экономики, ее укрепление и рост?

Во-первых, это начатая в свое время, глубоко продуманная и рассчитанная на длительную перспективу структурная перестройка экономики. В ее основу было положено широкое внедрение новых и новейших технологий. И сегодня индустриальный облик экономики определяют именно новые созданные за годы независимости предприятия, среди которых такие гиганты современной индустрии, как Асакинский автомобильный завод, Бухарский нефтеперерабатывающий, Кунградский содовый заводы и другие. Структурные преобразования продолжались и в прошлом году. Среди крупнейших введенных в строй объектов — завершение строительства высоковольтной линии Ново-Ангренская ТЭС — ПС «Узбекистанская», протяженностью 165 км, десятки предприятий легкой и пищевой промышленности, кроме того построено 169 профессиональных колледжей, 23 академических лицеев, 69 школ, 184 объекта детского спорта, 26 сельских врачебных пунктов и 7 млн. 240 тыс. кв. метров жилья.

Во-вторых, создание в республике благоприятного инвестиционного климата. Из всех источников финансирования в 2008 году в развитие экономики страны было вложено инвестиций в размере 6,4 млрд. долларов США, на 28,3 процента больше, чем в предыдущем году. При этом около 50 процентов всех освоенных инвестиций направлено на модернизацию и техническое перевооружение производства. В 2008 году освоено около 1,7 млрд. долларов США иностранных инвестиций. Рост составил 47 процентов. Несмотря на мировой кризис, в 2009 году объем иностранных инвестиций составит 1 млрд. 800 млн. долларов, из которых свыше трех четвертей — это прямые инвестиции.

В-третьих, большое значение в реализации экономической политики сыграл созданный два года назад фонд развития и реконструкции, уставной капитал которого составляет 3,2 млрд. долларов США. В ближайшей перспективе он возрастет до 5 млрд. долларов. За два года фондом на финансирование промышленных и инфраструктурных объектов выделено свыше 550 млн. долларов США.

В целом по республике в результате реализации инвестиционной программы введено в эксплуатацию 423 производственных объекта на общую сумму около 250 млрд. сумов.

В-четвертых, успехи фермерского движения. Сегодня фер-

меры по праву стали ведущим звеном, основным производителем сельскохозяйственной продукции. Доля фермерских хозяйств в производстве хлопка-сырца составила в прошлом году 99,1 процента, в производстве зерновых — 79,2 процента. Принимаются меры по дальнейшему развитию фермерского движения, в частности в вопросах повышения устойчивости и, главное — эффективности фермерских хозяйств. Уже проведена работа по оптимизации размеров земельных участков с учетом отраслевой специализации. В среднем они увеличились в 2-2,5 раза. Например, в хлопководстве и зерноводстве они выросли с 37 га до 93,7 га, в овощеводстве с 10 га до 24,7 га, в животноводстве с 154 га до 164,5 га.

В-пятых, всемерное развитие предпринимательства, малого и частного бизнеса. Количество действующих субъектов малого бизнеса составило в 2008 году около 400 тысяч. Удельный вес малого бизнеса в ВВП вырос с 45,5 процента в 2007 году до 48,2 процента в 2008 году. В этой сфере экономики сегодня занято свыше 76 процентов общей численности занятого населения.

В-шестых, качественные изменения в решении проблем занятости населения. Здесь свою положительную роль сыграли малый бизнес, развитие сферы услуг и сервиса, особенно динамично развивались услуги в сфере информационно-коммуникационных технологий, расширены сферы надомного труда, увеличение числа лиц, занимающихся разведением крупного рогатого скота в личных подсобных и дехканских хозяйствах.

В-седьмых, активное участие в процессах социально-экономического развития страны финансово-банковской системы. Ее укрепление и улучшение деятельности в условиях мирового финансового и экономического кризиса имеет принципиальное значение. В прошлом году были приняты решения по повышению уровня капитализации таких банков, как «Узпромстройбанк», «Асака-банк», «Пахта-банк» и других. Указ об увеличении уставного фонда «Микрокредитбанка». В результате принятых мер совокупный капитал банков республики увеличился на 40 процентов по сравнению с 2007 годом, а в период до 2010 года — удвоится.

Указом Президента страны вклады граждан в депозиты банков гарантируются государством. Сегодня уровень доступности капитала наших банков почти в три раза превышает установленные международные стандарты. Важнейшим качественным достижением прошедшего года явилось получение банковской системой Узбекистана рейтинга «стабильный» от одного из авторитетных рейтинговых агентств мира «Мудис». Это же агентство присвоило положительный рейтинг кредитоспособности двум нашим банкам НБУ — Национальному банку внешне-экономической деятельности и «Гала-банку», а другое рейтинговое агентство «Фитч» присвоило рейтинг «стабильный» «Пахта-банку», «Хамкорбанку», «Узпромстройбанку» и «Асака-банку».

Таковы итоги социально-экономического развития нашей страны за трудный и сложный ушедший в историю 2008 год. Эти итоги говорят о том, что мы живем в историческое время преобразований, и что мы выбрали правильный путь. Впереди много новых свершений. Уже началась действующая Антикризисная программа, намечены конкретные приоритеты — ориентиры нашего успешного продвижения вперед.

Мы гордимся успехами нашей великой Родины. Они наполняют сердце каждого воина-узбекистанца, солдата, сержанта, офицера чувством гордости, страстной уверенности в правоте дела, которому служишь, верности идеалам независимости, Родине, народу и Президенту, и желание служить своей неповторимой родной Отчизне, достойно, быть надежным, подлинным защитником своей страны и своего народа, готовым в любую минуту дать решительный отпор любым агрессивным силам, угрожающим миру и безопасности нашей дорогой Родины. Наш патриотический долг — быть всегда начеку!

Алифим ХЛЫЗОВ.

ЧАҚИРУВ—2009

ЎҒЛОНЛАР ОТЛАНДИ, ЖАНГОВАР САҒГА

Тошкент вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг йигин пунктда миз. Куролли Кучлар сафларига отланаётган чақирилувчиларни кузатиш тантанасига катта ҳозирлик кўрилоқда. Ота-оналар юрт хизматига отланаётган ўғлонларига маслаҳатлар беришяпти. Уларни оралаб ўтарканман, чақирилувчи Фахриддин Мўминовнинг отаси Фарруҳ аканинг фарзандига қилаётган панд-насихатлари қулоғимга чалинди.



— Ўғлим, юртга хизмат қилишнинг ўзига хос масъулияти бўлади. Шу боис ҳам бу ишга Ватаннинг энг кучли, жасур, мард йигитлари жалб қилинади. Киндик қони тўкилган заминни қўриқлаш шу юртда ўсиб улғайган ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчидир. Сен шундай шарафли номга муносиб бўлмоғинг лозим. Хизматинг пайтида командириларинг топшириғига амал қилиб, уларни сўзсиз бажаргин!

Йигит отасининг ҳар бир гапини диққат билан тинглаётганди. Ўша дамда унинг ўзига бўлган ишончи янада ошганлиги шубҳасиз.

— Бугун ҳукуратимиз томонидан фарзандларимизнинг армия сафларида хизмат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Фарруҳ ака. — Қолаверса, армия йигитлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабидир. Қайси бир ота-она фарзанди юртни ҳимоя қилишидан фахрланмайди, дейсиз.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида «Эр йигит улғайса, элни қўриқлайди», деган гап бежизга айтилмаган. Саф тортиб турган азаматлар билан суҳбатлашар экансиз, ҳар бирининг кўнглида шундай улкан мақсад борлигига амин бўласиз.

— Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, йигитлик бурчимни адо этиш учун Куролли Кучларимиз сафига жўнаяпман, — дейди биз билан суҳбатда чақирилувчи Жамшид Холматов. — Жонажон Ўзбеки-

стонимга хизмат қилиш, халқим корига камарбаста бўлиш, фарзандлик бурчимдир.

Чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган тантанали митингни вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Анвар Абдураимов бошқарди. У ўз сўзида келажимиз эгалари бўлган ёшларга самимий тилаклар изҳор этиб, уларни она Ватанга садоқатли, мард ва жасур ўғлонлар қилиб тарбиялаган ота-оналарга миннатдорчилик билдирди.

Шунингдек, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси вилоят бўлимлари вакиллари ҳам сўзга чиқишиб, ўғлонларга ўзларининг энг яхши тилак ва истакларини изҳор этишди. Чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Нурилло Истамов барча эзгу ниятлар учун миннатдорчилик билдириб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга ўзи ва сафдошлари шай эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сўнгра байрам дастурхони атрофида жам бўлган чақирилувчилар ва меҳмонларга санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш қилинди.

Аҳрор РАЖАБОВ,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

ТАНТАНАЛИ КУЗАТУВ

Шу кунларда юртимизнинг турли гушаларида адолатли кўрик-танлов ҳамда пухта синовлар асосида муддатли ҳарбий хизматга саралаб олинган ўғлонларни сафларга тантанали кузатиш тадбирлари қизгин давом этмоқда.

Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктда бўлиб ўтган ана шундай тадбирлардан бирида Марказий ҳарбий округи кўмондонлиги ва ҳарбий қисмлар вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотларидан келган меҳмонлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Марказий ҳарбий округи кўшиқлари кўмондони полковник П.Эргашев, кўмондоннинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Н.Муллабосов, вилоят ҳокими ўринбосари — чақирув комиссияси раиси С.Дўсмаатов ва бошқалар буюк соҳибқирон Амир Темур пойтахт қилган кўҳна ва ҳаминша навқирон Самарқанддан элу юрт осойишталигини асрашдек эзгу ишга йўл олаётган чақирилувчиларнинг билдирилган ишончини шараф билан оқлаб қайтишларини тилашди.

— Фарзанд камолини кўриш, ўғлонининг эл-юрт корига камарбаста бўлгани ҳар бир ота-онага чексиз кўзур-ҳаловат, фахр-ифтихор бағишлайди, — дейди чақирилувчи Зафар Муртазоевнинг отаси Ҳабиб Муртазо-

ев. — Ватан ҳаминша мард ўғлонларига суянади. Эр йигитлар элини ҳимоя қилиш учун дунёга келади. Бугун ана шу мардлар сафида менинг ҳам фарзандим борлигидан бошим осмонда. Қаранг, чақирув ва кузатув тадбирларида бугун ўзгача файз. Ёшларимизга шахсан Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликлар сабаб, бугун улар ҳарбий хизматни адо этиш билан бир қаторда ўз келажакларини ҳам таъминлашдек имкониятга эгадир.

Эгиларига ҳарбий либослари ярашган ва аскар сифатида сафларга йўл олаётган чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Тоҳир Норбеков бу каби эътиборга албатта, муносиб хизматлари билан жавоб қайтаришларини билдирди.

Хушовоз санъаткорлар томонидан тақдим этилган дилрабо куй ва кўшиқлар тантананага яна ҳам файз бағишлади. Ҳамкор ташкилотлар томонидан чақирилувчиларга қимматбаҳо совғалар берилди.

Майор Қодирали ШАРИПОВ.

ЕДУТ В АРМИЮ СЫНЫ КАРАКАЛПАКСТАНА

Как повсеместно, так и в Республике Каракалпакстан на высоком уровне проводятся торжества, посвященные проводам призывников в ряды Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Недавно на сборном пункте УДО Каракалпакстана прошло очередное мероприятие по отправке в армию юношей нынешнего призыва. Со словами добрых напутствий к ним обратились представители общественности, родители.

Призывнику из города Нукуса Бердибаю Бегимову на всю жизнь запомнятся слова материнского наказа «береечь нашу Родину». Его мама, Райхон-апа Кушкинбаева, с большим волнением говорила о проводимых в наших Вооруженных Силах реформах, о той большой заботе, проявляемой руководством страны о всестороннем развитии молодежи. И пожелала сыну честно служить Отчизне, достойно выполнить свой сыновний долг по защите Родины.

Хамдаму Тураеву из Амударьинского района выпала высокая честь стать

солдатом срочной службы. Юноша приложил немало усилий, чтобы пройти через сито строгого отбора, доказать свое право встать в воинский строй. И сегодня для юноши важным моральным подспорьем стали пожелания отца, Уразимбета-ата, стать в армии одним из лучших воинов, достойно представлять в подразделении свой родной край.

Еще один парень из этого района, Иномжон Жуматов, хочет после армии поступать в военное училище. Мечту стать офицером парень твердо решил подкрепить отличной службой.

Едут в армию сыны Каракалпакстана, потомки великого поэта Бердаха, воспевавшего свою Отчизну, встают в сплоченные ряды защитников независимого Узбекистана.

Капитан Юлдаш ТАЖИЯЗОВ.

НА СЛУЖБУ РОДИНЕ

После выхода в свет Постановления Президента Республики Узбекистан «Об очередном призыве граждан в Вооруженные Силы Республики Узбекистан и увольнении военнослужащих, выслуживших установленные сроки срочной военной службы» в стране успешно началась и проходит призывная кампания. Многие молодые люди, прошедшие через сито конкурсного отбора, уже прибыли к месту службы, адаптируются к армейским условиям. А призыв, между тем, продолжается...

Многолюдно в эти дни на областном и городском сборных пунктах города Ташкента. Призывники проходят строгую медицинскую комиссию. Формируются команды для отправки их к местам службы. В расчет берутся итоги тестирования, интеллектуальный уровень, морально-нравственные качества и физическая подготовленность призывников. Оценивается также психологическая стойкость каждого, особенное внимание уделяется и семейному положению кандидатов на службу.

Священен для мужчины долг защитника Родины. Ярким подтверж-

дением этого стал торжественный митинг по случаю проводов в армию новобранцев, прошедший на днях на сборном пункте Управления по делам обороны столичной области.

Всюду радостные лица, улыбки, цветы. Уходящих в армию молодых людей пришли провожать папы, мамы, родные, близкие, друзья, подруги.

Со словами добрых напутствий обратились к посланцам столицы представители государственных и общественных организаций, родители призывников и аксакалы махаллей. С ответным словом выступил

призывник Тахиржон Убайдуллаев. Он заверил всех гостей торжественного события, что нынешнее поколение воинов будет свято хранить боевые традиции отцов и дедов, достойно служить Родине, умело осваивать вверенные оружие и боевую технику...

— Вооруженные Силы Родины — гарант нашего спокойствия и благополучия, — говорит в беседе Шукрия-апа Нуриева, мать призывника Жасура Шералиева. — Пополнение ее рядов за счет физически подготовленных, интеллектуально развитых, нравственно зрелых юношей с горячим желанием служить на благо своего Отечества является благородной целью.

Супруги Давлат-ака и Шукрия-апа горды тем, что их сын идет в ряды Вооруженных Сил основательно подготовленным, имея еще и спортивный разряд по боксу. Пройдя нелегкий конкурсный отбор на

право защищать Родину в армейском строю, Жасур полон планов и на дальнейшую перспективу получения высшего образования.

Многие ребята рассказывали о том, как они готовились к службе в армии. Рахматулла Вансов, Шухрат Мусурманкулов, Жахонгир Тошев, Жамшид Саломов занимались техническими и военно-прикладными видами спорта. Но они не только совершенствовали свои интеллектуальные и физические качества, но и упорно изучали технику, учились рационально ее использовать и бережно относиться к ней. В результате приобрели воинские специальности, твердые навыки в управлении техникой. Ребята намерены быстро войти в армейский ритм, умело и сноровисто действовать на занятиях и учениях.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ЧАҚИРУВ—2009

БЕЛ БОҒЛАШДИ ВАТАН ҲИМОЯСИГА

Ватан ҳимоячиси бўлишга бел боғлаган ўғлонларни тантанали равишда армияга кузатиш маросимида иштирок этар эканман, кўнглимда фахру ифтихор ҳислари жўш уради. Қаранг, жонажон юртимизнинг бўлғуси посбонлари нақадар ўктам, норғул ва мағрур... Айниқса, эгиларига эр йигитга ярашадиган ҳарбий либос кийганларидан сўнг улар янада салобатли кўринишади.

ОФИЦЕР БЎЛСАМ ДЕЙМАН!

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида истиқомат қиладиган Даулетовлар оиласи тўғрисида худди шу фикрни билдириш мумкин. Узоқ йиллар офицер сифатида юрт тинчлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб, бугун нафақада бўлса-да, ёш авлод камоли йўлида баҳоли қудрат хизмат қилаётган хонадон соҳиби — Бахтиёр ака Даулетовнинг маҳалла-қўйда хурмати баланд.

Уч нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараб, вояга етказётган ушбу хонадон эгалари фарзандларининг эл корига камарбаста бўлиб камол топаётганидан мамнун.

Кенжатоёй Ойбек ота касбини давом эттириш ниятида эканини, муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчилигини айтганда, Бахтиёр ака ҳаяжондан энгилди.

— Ойбекнинг қарори нафақат мени, балки бутун оила аъзоларимизни хушнуд қилди, — дейди Бахтиёр ака. — Ўғлимнинг эр йигитга ярашадиган йўли тутганидан бошим кўкка етди. Армияда у ҳар томонлама чиниқади, тобланиди. Энг муҳими, дунёқараши бойийди, ҳаётга теран нигоҳ ташлашга ўрганиди.

— Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилишимдан бениҳоя хурсандман, — дейди Ойбек Даулетов биз билан суҳбатда. — Бугун аскар бўлиш, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш барча тендошларимнинг орзусига айланиб улгурган. Синовларга жиддий тайёргарлик кўрганам туфайли мақсадимга эришиб, эгнимга ҳарбий либос кийдим. Келгусида худди отам каби офицер бўлишга аҳд қилганман. Бу борада менга

армияда ўрганидиган билимларим асқотиши шубҳасиз.

ИФТИХОРГА МУНОСИБ ЎҒЛОНЛАР

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пункти одамлар билан гавжум. Саф тортиб турган ўктам ўғлонлар, фарзандлари, невараларини кузатгани, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилиши билан қутлагани келган ота-оналар, ака-укалар... Онаси етаклаб олган беи-олти ёшлардаги болакай тоғасига ҳайрат билан тикилган кўйи турибди. Тоға «бери кел», деб чақирганда, юзини онасининг пинжигига бурди-да, бир оз ўтгач, қизиқиши устун келиб, мўралаганча яна салобатли аскарни кузата бошлади. Ким билсин, яқин кишисини мутлақо бошқа либосда таний олмаётгандир. Аскар тоғаси бош кийимини жиянига кийдириб қўйганида нечоғли қувонганини кўрсангиз эли.

Кимнидир қидираётган нуруний онахон эътиборини тортиди. Ниҳоят, излаганини топди. Нигоҳлар учрашди. Юзларга хотиржамлик ифодаси инди. Ортидан келатганларга «Топдим» дегандай ишора қилди.

— Неварам Жаҳонгир Ақромовни кузатгани чиқдим, — дейди ўзини Вазира Болтабоева деб таништирган онахон. — Энг сукули набирам-да у, шунинг учун кузатгани чиқдим. Бобоси, отаси, акалари изидан бориб Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга кетаётганидан хурсандман. Армия унинг ҳар томонлама шаклланишига хизмат қилишига ишонаман.

— Муддатли ҳарбий хизматга боришдан олдин мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабида таҳсил олдим, — дейди чақирилувчи Ж. Ақромов. — Бу ерда биз техникани моҳирона

бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, ҳарбий низомилар, сафда юриш қоидалари, ҳарбийча мурожаат ва саломлашиш усулларини ўзлаштирдик. Олдинда бизни улкан синовлар кутмоқда.

— Ўғлимдан умидим катта, — дейди чақирилувчи Ғайрат Зоировнинг отаси Ҳаким ака. — Ишонаманки, у армиядан ҳар томонлама чиниқиб, улғайиб қайтади. Бугун аскарларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратилгани, ҳаёт йўлида асқотадиган қўлаб имтиёзлар берилганлиги, ҳам маънан, ҳам жисмонан етук посбонлар бўлиб шаклланишлари учун барча имкониятлар яратилгани ҳақида кўп эшитганман. Фарзандимнинг ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртга муносиб посбон бўлиб етишишини, ўзига билдирилган ишонччи юксак даражада оқлашини, юзимизни ёруғ қилишини истаб қоламан.

АРМИЯ — КОМИЛЛИК МАКТАБИ

— Бугуннинг аскарига ҳавас қиласан киши, — дейди катта лейтенант Воҳид Пардаев. — Ҳозирги кунда Ватан ҳимоячиларига эътибор ва ғамхўрлик юксак даражада. Улар хизмат мобайни-

да шинам ўқув хоналарида ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарликлар бўйича билим олишлари, замон талаблари даражасида жиҳозланган тренажёр залларида жисмонан чиниқишлари мумкин. Буларнинг барчаси армия сафида ҳам маънан, ҳам жисмонан шаклланишга хизмат қилади.

Ватан ҳимоясига бел боғлаган ўғлонлар Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан ёзилган байрам дастурхонига таклиф этилди. Уларга «Камолот» ЁИХ туман бўлими томонидан совғалар топширилди. Армияга тантанали кузатиш маросими дилторгар ва шўх куй-қўшиқларга уланиб кетди. Эстрада хонандаси Достон Убайдуллаевнинг Ватанини, ёшликни, муҳаббатни тараннум этган қўшиқлари даврага файз бағишлади.

— Бугунги тантананда иштирок этганимдан мамнунман, — дейди хонанда. — Армия — миллат куч-қудрати, халқнинг фахру ифтихори рамзи. Бугун муддатли ҳарбий хизматга — Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга йўл олаётган ўғлонларнинг зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этишларига тилақдошман.

Жамшид НИЁЗОВ,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратта олган.



ЮКСАК МАҚСАДГА ЮЗЛАНГАН ҚАЛБЛАР

Шу кунларда юртимизнинг энг сара ўғлонлари она Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини ўташ мақсадида муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқдалар. Жойларда бўлганидек, айни кунда Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пункти ҳам чақирилувчилар, ота-оналар, жамоатчилик билан ғоят гавжум.



— Ўғлим Музаффарнинг шифокор бўлишини истардим, — дейди чақирилувчи Музаффар Якубовнинг онаси Режаббиди Матякубова. — Назаримда бу касбга унинг ҳам хоҳиши бордек эди. Аммо чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўтила бошлагач, унинг орзу-истаклари бутунлай ўзгарди. У ҳарбийлик касбига меҳр қўйди. Фарзандимнинг орзулари ҳам ўзи каби мен учун қадриlidir. Бугун уни катта йўлга кузатишман.

Музаффарнинг мақсадлари улкан. У ҳаётини армия билан боғлашга қатъий аҳд қилган.

— Бу касбнинг шарафли томонлари билан бирга мураккаб жиҳатлари ҳам мавжуд, шундай вақтларда эҳтимол қароринг ўзгариб қолар, — деб синовчанлик билан сўрадим ундан.

У бир зум ўйлашиб турди-да, шундай жавоб қилди:

— Инсонни машаққатлар тоблайдми — бу онамнинг биз фарзандларига жуда кўп такрорлайдиган ўнгилари. Мен оилада тўнғич

фарзандман. Оиламиздагиларининг менга умид ва ишонч билан қарашлари ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишимга кўмак беради.

Фарзандларини кузатаётган ота-оналарнинг ҳар бири кўнглидагиларини изҳор қилишга интиладилар. Уларни бўлғуси посбон ўғлонларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик тўқинлаштиргани шубҳасиз.

— Мен ўғлим Шерзодни кузатишман, — дейди чақирилувчининг отаси Илҳом ака Жуманиёзов. — Истайманми-йўқми, ота-онамнинг мени аскарликка қандай машаққат билан кузатганлари ёдимга тушяпти. Тартибсизлик, ғала-ғовурларини эслайман. Бундай тантаналар қаёқда. Тўғриси айтсам, ҳарбий хизматга бориш учун Шерзод бу қадар дадиллик билан ҳаракат қилишини кутмаган эдим. У кетаётган кунини она аъзоларимизга маълум қилганда, шошиб қолдим, ҳаяжонландим, ич-ичимдан у билан фахрландим. Унинг бундай қароридан беҳабар эдик. Демак, улғайибди. Йигитликнинг энг жиддий синовини бўлган ҳарбий хизматга у астойдил тайёрланди.

Дарҳақиқат, Шерзод жиддий тайёргарлик кўрди. У мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Инглиз, рус тилларини мукамал ўрганди. Айниқса, компьютер сирларини кунт билан ўрганганлиги унга ҳарбий хизматда анчагина қўл келиши табиий. Булардан ташқари мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти бирлашган техника мактабининг ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ҳам таҳсил олди. Бир сўз билан айтганда, профессионал асосда шаклланган миллий армиямизнинг бугунги талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ёшларнинг бири.

Чақирилувчи Иномжон Бекжонов Богот туманидан. Онаси Жамила она у ҳақда меҳр ва ҳаяжон билан шундай дели:

— Болалигидан ҳарбийликка қизиқади. Касб-хўнар коллежини имтиёзли диплом билан тамомлади. Техникага жуда қизиқади. Сабабта ихлоси баланд. Иномжон келажакда офицер бўлишни орзу қилади. Илоҳ орзулари ушалсин. Юрт хизматига елкадош бўлиб, юзимизни ёруғ қилсин.

ЯНГИ АВЛОД ВАКИЛИ

Чақирилувчи Элёр Сафоев ҳақида ана шундай дейишга ҳақимиз. Истиқлолга тендош бўлган ўғлон бугун унинг ҳимоясига отланди турибди. У шифокорлар оиласида улғайган. Отаси Куробой ака фахр билан, онаси Ҳайитжон опа чексиз меҳр билан фарзандларини шарафли йўлга кузатмоқдалар.

— Фарзандимизга яхши ниятлар билан Элёр деб исм қўйганмиз, — дейди Ҳайитжон опа. — Бўйларига қараб кўзим қувнапти. Ҳарбий либосида янада ўктамлашгандек, улғайиб қолгандек... Посбонлик камарини белига маҳкам боғлаган ўғлимга ҳамариша эли ёр бўлиши, эли қуввати-қудрати бўлиши.

— Бу ўғлон бир қарашдаёқ киши эътиборини ўзига тортади, — дейди офицер Илҳомжон Қурбонов. — Жисмоний жиҳатдан етук, болалигидан спорт билан мунтазам шуғулланиб келар экан. Фикрлаши, дунёқарашининг кенглиги эътиборга лойиқ.

— Биз истиқлол фарзандларимиз, — дейди Элёр Сафоев ғурур билан. — Давлатимиз раҳбариятининг юксак эътибори ва ғамхўрлигини ҳар қадамда ҳис қилиб улғайдик. Бугун ана

шу эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб берадиган фурсат келди деб ўйлайман. Халқимиз ишончини оқлашни шараф деб биламиз.

УЛКАН ҲИССА

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳам катта ҳиссаси бор. Кичик мутахассислар тайёрлаш ташкилот мактабларида замонавий таълим талабларга жавоб берадиган тарзда йўлга қўйилган. Бу борада Даврон Ибрагимов бошчилигида Ургаич бирлашган техника мактабида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Яқиндан бошлаб бу ерда радиотелефончи, тармоқ кузатувчилари мутахассисларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Бу ерда кинолог мутахассислар тайёрлашга ҳам жиддий эътибор берилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси кинология маркази томонидан амалий машғулотларнинг юксак савияда ўтишини таъминлашда яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Давр талабларига жавоб берадиган автодром таъмирдан чиқарилди. Бу ўз навбатида амалий жараённинг юксак савияда ташкил этилишини таъминлайди.

Бирлашган техника мактаби Отабек Ибрагимов, Дилшод Отаниёзов, Каримбой Бозоров, Алибек Худойбергенов каби собиқ курсантлари билан ҳақли равишда фахрланди. Улар Куробой Кучларимиз сафида ўз бурчларини садоқат билан ўтамоқдалар.

— Мактабимизда «Ёш чегарачилар клуби» фаолият олиб боради, — дейди мураббий Баҳодир Мирзаев. — Клуб сара йигитлар орасидан ҳам энг сараларини танилаб олади. Бу ерда чегара хизматининг ўзига хос томонлари турли учрашувлар, машғулотлар жараёнида курсантларга тушунириб борилади. Мухтасар қилиб айтганда, мактабимиз жамоаси Куробой Кучларимиз сафи энг сара мутахассислар билан бутлашишда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Ва ўз навбатида устоз-мураббийлар меҳнатини мактабимизда таҳсил олган курсантлар намунали хизматлари билан оқлаб келаяптилар. Бу бизни янада фидойилик билан ишлашга руҳлантиради.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» муҳбири.

МАСЛАХАТ

ОИТС –ўлат

АСРНИ «ҚАРИТГАН» МУАММО

Ортада қолган йигирманчи асрни «қаритган» муаммолардан бири одам иммунитетни вирусни – орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИВ/ОИТС) хасталиги, десак муболага бўлмайди. Бугун мазкур хасталик ҳақида билмаган, эшитмаган одам дунёда топилмаса ҳам керак. Таассуфки, бу ўлат шиддат билан ривожланаётган йигирма биринчи асрда ҳам инсониятга «чанг» солишда давом этмоқда. Гарчи тиббиёт, фан-техника ривожланаётган, тараққиётнинг янги янги чўққилари забт этилаётган бўлса-да, инсоният бу дард олдида ҳануз ожиз.

Замонавий тиббиёт, олимлар, кенг жамоатчилик қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Масалан, Интернетдан олинган маълумотларга кўра, ОИТС га қарши курашда ген терапияси бўйича илк муваффақиятли натижалар олинган. Аниқроғи, хасталикнинг ДНК сига вирусни қирқувчи фермент кўйинди. Бу усул вируснинг қонда иммун тўқималарини йўқ қилиш жараёнини тўхтатиб қўйди.

Ҳақиқатта қанчалар яқин, узоқлигини билмадим-у, баъзи олимлар хасталик вирусини 1926 ва 1946 йиллар оралиғида маймундан одамга ўтган, дея ҳисоблашади. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар эса ҳатто бу дарди бедаво вирус одамда ўн еттинчи асрда илк бор учраган, деган тахминларга сабаб бўлмоқда.

1982 йил. АҚШнинг Хасталиклар назорати бўйича маркази мутахассислари ОИТС атамасини илк бор ишлата бошлашади. Бироқ хасталик ва унинг юқини йўллари мавҳумлигига қолади.

1983 йил. Франциядаги Пастер институти олими Люк Монгань ОИТСга сабаб бўладиган вирусни илк бор тадқиқ этди.

1985 йил. Олимлар ОИВнинг қандай йўллар билан юқини мумкинлигини аниқлашди.

1987 йил. ОИТС га қарши кураш бўйича Умумжаҳон соғлиқни сақлаш танкилотининг глобал дастури жорий этилади.

1997 йил. Инсониятнинг 22 миллиондан

зиёдида одам иммунитетни вирусни қайд этилади.

2004 йил. Дунё бўйича ОИВни юқтирганлар сони салкам 45 миллионга етди. Хасталик бешафқат ажал домига ана шунча инсонни торта бошлади.

Хасталик билан боғлиқ тарих, воқеликлар, рақамларга назар ташлашнинг ўзи-да азобли. Бир ҳамкасбим таассуф билан мазкур дардга чалинган маҳалладоши хусусида сўзлади. «Ёмон касаллик билан оғриган экан» – хасталик номини тилга олишга-да ижирғанди. Сабаблари ҳам аён – носоғлом турмуш тарзи. Гиёҳвандлик, шприц ёрдамида гиёҳванд воситаларни қабул қилиш, гетерожиносий муносабатлар, худлас, ҳире ботқоғига ботган инсоннинг ўз-ўзи бунинг асосий сабабчиси.

2008 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 январида «ОИТС га қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Шунинг ўзиёқ мамлакатимизда бу дарди бедавога қарши курашга доимий эътибор қаратилиб келинаётганини кўрсатади. Тилга олинаётган мазкур муҳим ҳужжатлар асосида республикада ОИТСга қарши кураш марказларининг моддий-техника базаси янада кучайтирилади. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, тиббиёт олий ўқув юртлири врачлар малакасини ошириш факультетларида ОИВ/ОИТС профилактикаси ва уни даволаш масалалари бўйича махсус курслар мавзулари такомиллаштирилади. Таълим муассасаларидаги саломатлик, соғлом авлод асослари ўқув дастурларига ОИТС муаммоси бўйича алоҳида курслар киритилади, талабалардан бу борада олинган bilimлар бўйича сино-



лар қабул қилинади. Аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашда халқимизнинг анъаналари, қадриятлари, урф-одатларидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Санаб ўтилган чора-тадбирлардан ҳам бу ўлатга биз аввало маърифий йўл билан курашаётганимизни англаб олишингиз мумкин.

«Янги маълумотлар шунини кўрсатяптики, айрим мамлакатларда ОИВ профилактикаси борасидаги дастур барқарор амалга оширилмаётгани ёки эпидемия ўзгариши билан боғлиқ вазиятга мослашилмаётгани сабабли ҳам инфекция тарқалиши даражаси ўша аҳволда қоляпти ё бўлмаса ўсаяпти», деган эди БМТнинг ОИТС дастури ижрочи директори Питер Пиот. Ҳа, шунинг учун ҳам бу ўлат ўз гирдобига тобора кўп инсонни тортмоқда.

Фан-техника инқилоби бўйи кўрсатаётган асримизда олимлар бу хасталикка даво ҳам топишар. Лекин моҳият шайтоний ҳире деб ўзлгимиздан, инсонийлигимиздан айро тупмаслигимизда. Аке ҳолда яна янги дард, хасталик пайдо бўлиб, умримиз кушандасига айланиши ҳам ҳеч гапмас.

Шерзод ТОЛМАСОВ.

Сўраган экансиз

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ТАСНИФИ

Фавқулодда ҳолатлар таснифла-ниши, масалан, маҳаллий, локал ва ҳоказо турларга бўлиниши бо-расида эшитганман. Иложи бўлса, бу хусусда кенгроқ маълумот бер-сангиз.

Н.ЖУРАЕВ.

Саволга Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими Темур АЙДАРОВ жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрда «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида» Қарори қабул қилинган. Мазкур ҳужжат асосида фавқулодда вазиятлар вужудга келиш сабабларига (манбаларига) кўра қуйидагича тасниф қилинади: локал, маҳаллий, республика ва трансчегара.

Фавқулодда вазият натижасида жабрланганлар сони 10 тадан, ҳаёт фаолияти издан чиққанлар 100 тадан кўп бўлмаса, моддий зарар фавқулодда вазият содир бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1000 бараваридан ортиқ бўлмаса, бундайин ҳодиса локал фавқулодда вазият дейилади.

Фавқулодда вазият натижасида жабрланганлар сони 10 тадан ортиқ, 500 нафардан кўп бўлмаса, ёхуд ҳаёт фаолияти издан чиққанлар 100 дан ортиқ, бироқ 500 дан кўп бўлмаса, маҳаллий фавқулодда вазият, 500 дан ортиқ одам жабрланган, 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиқни ташкил этадиган ҳолатлар эса республика фавқулодда вазияти ҳисобланади.

Оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд фавқулодда вазият чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахл қиладиган ҳолатга трансчегара фавқулодда вазият дейилади.

Шунингдек, транспорт авариялари ва ҳалокатлари, кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар, энергетика ва коммунал тизимидаги авариялар билан боғлиқ ҳодисалар техноген тусдаги фавқулодда вазият деб аталади.

Геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар эса табиий тусдаги фавқулодда вазият саналади.

Бундан ташқари қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг, атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва ҳоссаларининг, гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар содир бўлганда, буни экологик тусдаги фавқулодда вазият дейилади.

Бугун фавқулодда вазиятлар нима эканини, қандай тусда ва турда эканлигини, юзага келиши сабабларини, қандай енгиб ўтиш ва оқибатларини баргараф этишни билиш ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Правила дорожного движения

БЕЗОПАСНОСТЬ – ТРЕБОВАНИЕ ЗАКОНА!

В нашей стране осуществляется масштабная, последовательная работа, направленная на обеспечение безопасности граждан, профилактику и предупреждение дорожно-транспортных происшествий, отрицательных последствий для здоровья водителей и пассажиров.

В частности, только за последнее время вышли в свет и вступили в силу Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению безопасности дорожного движения», «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств», Закон «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств». Безусловное соблюдение требований нововведенных норм, отраженных в Правилах дорожного движения, имеют единую цель: обеспечить максимальную безопасность граждан на дороге.

Данные меры, как сообщили в пресс-службе Управления безопасности дорожного движения МВД, уже дают значимые положительные результаты, послужили основой для значительного снижения дорожно-транспортных происшествий в стране. Движение на дорогах стало безопасней. Водители стали более внимательными. Дорожная дисциплина и водительская этика стали заметно выше.

Органами ХАН Министерства обороны также ведется активная профилактическая работа по реализации задач, исходящих из данных нормативных документов, проводится широкая разъяснительная работа в частях и подразделениях.

Однако, к сожалению, продолжают

иметь место отдельные случаи грубых нарушений эксплуатации автомобильной техники и Правил дорожного движения со стороны военных водителей, военнослужащих, имеющих личный транспорт.

Случившихся происшествий можно было бы избежать, хладнокровно и строго следуя каждой букве Правил дорожного движения. За каждым подобным случаем скрывается большая человеческая трагедия. Рушатся привычный уклад жизни, карьера, планы и мечты, страдают и близкие. Травма на всю оставшуюся жизнь.

Личная недисциплинированность водителей, повлекшая превышение допустимой скорости движения автомобиля, нарушения правил маневрирова-



ния, неправильная оценка дорожной обстановки и несвоевременное принятие мер по обеспечению безопасности движения, приведет к тяжелым последствиям.

Подготовил капитан Мирза ХАСАНОВ. (При содействии ХАН МО РУ).

ҚОНУН МОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Ўзбекистон Республикасининг «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Қонуни мазмун-моҳияти, ундан қўзланган асосий мақсад ва вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик масъул ходимлари, алоқадор муассасалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда сўзга чиққанлар қонун мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканлигини таъкидлашди.

– Шу пайтгача қутқарув тизимини, қутқарувчилик фаолиятини тартибга солидиган

бундайин ҳужжат йўқ эди. «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосий мақсади қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабат-

ларни тартибга солишдан иборат. Қонун бешта боб ҳамда 31 моддадан ташкил топган бўлиб, унда қутқарув тизими, ишлари, тузилмалари ва қутқарувчи мақомига доир барча тушунчалар ўз инфодасини топган, – дейди авария-қутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи полковник Р. Иноғомов.

Тадбир сўнггида мутахассислар томонидан иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҚИСМАТ

(воқеий ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонид).

Экин экин ишлари авжи паллада. Санжар тонг сахардан далага чиқиб кетиб кеч қайтар, Зебо кун бўйи ўғилчаси билан ёлғиз қоларди. Дала бошидаги уйчага кўчиб боришга эса эри рухсат бермасди.

– Баҳор изғирини қаттиқ бўлади. Далада болани шамоллатиб қўйиши мумкин. Тагимда машина бор. Ҳозирча ўзим қатнаб турганим маъқул, – аёлини тинчлаттирди у.

Шундай кунларнинг бирида Зебонинг ёнига Малоҳат келди. Унинг захар томиб турган чеҳрасидан нима гаплигини англаб етмай у:

– Эримдан туққан боланинг ҳаммага кўз-кўз қилиб келдингми, – дея сенсириб гап бошлади Зебога. – Мени ҳеч нарсани сезмайдиган гўл деб ўйладингми? Эринг шундай бўлса бордир. Лекин мен сен ўйлаганчалик аҳмоқ эмасман. Бу шармандали қилмишига жавоб берсан энди.

Зебо унинг қутилмаган ҳақоратларидан бир зум қотиб қолди.

– Нималар дейяси, ўйлаб гапиринг. Бу қандай тўхмат? – деди овози қалтираб.

– Эринг қамоқда уч йил ётгани билан неча марта олдига бориб-келганини аниқладим. Шунча йил туғмаган хотин бошимга бало бўлиб шу ерга кўчиб келдинг бола орттирдиги. Айбингдан қандай тонмоқчисан?

– Ҳаддингиздан ошманг. Уйимдан чиқиб кетинг. Ҳақорат, тўхматингиз учун жавоб бера-сиз ҳали, – далиллашди Зебо. – Эрингизнинг хурмати учун индамайман. Иккинчи марта остонамга қадам босманг.

– Ҳали шунақами? Ўзингни покдомон қилиб кўрсатиб, силлиққина гуноҳларингдан тонмоқ-чимисан? Ҳозир эрингнинг олдига бориб эрим билан хуфисна учрашиб юриб ўғил туғиб олганини айтиб берман. Кўраман, ўшанда ҳолинг нима кечаркин.

Малоҳат куракда турмас ҳақоратлар билан чиқиб кетди.

Эндигина ҳаёти изга тушиб, машаққатлардан сўнг рўшноликка чиққан Зебо кўксини чангаллаб ўтириб қолди. Малоҳатнинг нима учун бу қадар оғир тўхмат қилаётганини ўйлаб ўйига етолмасди. Уни Сарварнинг йиғисинга ўзига келтирди. Боласини бағрига босар экан, ҳаёт унга яна қандай синовлар тайёрлаб қўйганлиги ҳақида ўйларди.

Даладан эртарақ қайтган Санжарнинг кайфиятсиз ҳолатидан сездики, аёл унга учрашган. Шундоғам тўхмат захмидан юраги қалтираб турган Зебо бу ҳақда сўз очини истамасди. Эри ҳам шундай кайфиятда эди, чоғи. Бироқ бу масалани шундай қолдириб ҳам бўлмасди.

– Бахтимизга кўз тегдими дейман, – кечки овқатдан сўнг аста сўз бошлади Зебо. – Малоҳат менга қандай айб қўйганлигини биласизми? Бунга чидаб бўлмайди. Рашк балоси бу хотиннинг кўзини кўр қилиб қўйибди.

– Менинг олдимга ҳам борди. Бу хотинни шунча шаллақ деб ўйламагандим. Акмалнинг бундан хабари бўлмаса керак. Лекин унинг шу туриши бўлса, бизни бу ерларда яшатгани қўймайди, – ўйланиб жавоб қайтарди Санжар.

– Нима учун битта жанжалкаш хотинни деб тирикчилигимиз яхши ўтиб турган жойдан кетарканмиз, – эрининг сўзидан аччиқланди Зебо. – Шу билан бизни тинч қўйди деб ўйлайсизми? Айби бор учун қочиб келди, деб бутун қишлоққа жар солади-ку. Яна бир марта остонамга келсин, мендан кўрадинганини кўради.

– Ҳали шунча бос. Акмалнинг бир пайтлар сенга ошиқ бўлганлигини билган у. Шунга рашк қилаётми, менимча. Балки эрининг ҳали ҳам сенда кўнгли бордир. Аёл киши сезгир бўлади.

Санжарнинг бу гапи Зебога ўқдек ботди.

– Бу билан нима демоқчисиз? Аёлинг рашкда жон бор, демоқчисизми? – туюқиб кетди Зебо ва йиллаб юборди. – Сиздан бу гапни кутмагандим. Тош эшитса ёриладиган тўхматга учраб ўтирибман-у, ўйлашасиз холос. Бу ерда сизнинг шайингиз ҳам топалайитти-ку.

Санжар индамади. У чиндан-да чуқур ўйга толган, хаёлан нималариндир мулоҳаза қиларди. Ҳарқалай уч йил қамоқдалиги пайти гўзал аёлининг ёлғизликдаги ҳаёти унга қоронғу эди, гўё. Эрининг кўнглида кечаётган ғалаётини сезган Зебо баттар эътибор, тонгта қадар мижажа қоқмади.

Эртасига Санжар ҳали ишга кўзгалмай остоналаридан яна Малоҳат пайдо бўлди. Унинг оғиздан чиқаётган гапларининг, айбловларининг чеки йўқ эди. Ортидан етиб келган Акмал рангларини қандай тинчлатиришни билмасди. Малоҳат эрини кўрган заҳоти ўзини жабрланган-намо кўрсатиб, бироз пасайди. Бироқ аёлга бас келиб бўлмасди. Акмал уни бир амаллаб у ердан олиб чиқиб кетди-ю, машинага ўтириб ҳам аюханнос солаётган хотинининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Санжар кўчиб келганидан буён

ойласида давом этиб келаётган бу жанжал унинг асабларини толиқтирганди.

Санжар Зебони бу ерда ёлғиз қолдиргиси келмай даладаги уйчага олиб кетди.

– Кўз олдимда бўлганларинг яхши. Фақат Сарварни эҳтиёт қил, шамоллатиб қўйма яна. Агар бу ер жуда совуқлик қилса, уйдан қатнаб тураман. – Санжар уларни жойлаштириб, ерга ишлов беришга отланди.

Унинг совуққонлик билан қилган муомаласи, нимадандир қаттиқ эзилаётгани Зебога ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу ҳол шундай давом этверса, ўртадаги меҳр ва ишончнинг дарз кетиши бор гап эди.

Эртасига эрталаб Санжар хотини билан ўғилчасини машинасига солди-ю, тўғри Акмалларникига олиб борди. У кўксиде кечаётган ғалаётини босиш учун бу масалани очикчасига ҳал қилиб олишни истарди. Лекин бу ҳақда Зебога бир оғиз сўз айтмади. У таниш дарвоза олдига етиб боргандагина бунни сездди. Ичкаридан чиққан оила бошлиғи Санжарнинг мақсадини сўзсиз тушунаган ҳолда уларни ичкарига бошлади.

Малоҳат эр-хотинни кўрган заҳоти ранги оқарди. Зебонинг қўлидаги ўғилчаси худди қўйиб қўйгандек Акмалнинг ўзгисини эди, унинг назарида. Ҳазро суҳбат яна жанжалга айланди. Хотиннинг беҳаё гаплари, шаллақилигидан Акмал яна унга қўл кўтаришга мажбур бўлди. Аёлининг тўхматига ҳеч қандай ойдинлик киритмаган бўлса-да, унинг ишонч билан айтаётган ҳар бир гапи Санжарга таъсир этмай қолмади. Қанча ҳаёт синовларини бошдан кечирган йигит унинг хотинига қўйган исботсиз айбловига осонгина енгилмоқда эди.

Ортада қолган икки ой Зебо учун оғир кечди. Индамас бўлиб қолган Санжар аламини ишдан олгандек даладан бери келмасди. Боласига даладаги шароит тўғри келмаганини учун ҳовлида яшаётган Зебо ёлғизлиги қолганди. Гоҳида Санжар икки-уч кунлаб даладан қайтмас, келганда ҳам бошқа хонада ухлашни одат қилганди. Малоҳат эса «хиёнаткор» аёлдан қасос олиш пайида эди. У нафақат Зебони бу ерлардан кетказиб эрдан узоқлаштиришни, балки оиласидан мосуво бўлишни истарди.

Бу руҳий азоблардан чарчаган Зебо акаларига бу ҳақда етказиб маслаҳат олишини лозим топди. Сингилларига қўйилган айб орияти баланд йигитлар учун қутилмаган фожеа эди. Бир зумда водилдан етиб келган акалари бўлиб ўтган ишларнинг тағига етишгач, Санжар ва Зебони олиб Акмалларникига йўл олишди.

Даврага оғир сукунат чуққан. Гўёки шу дамда кимнингдир тақдир қисматига ҳукм ўқилаётгандек. Бу ишларда ўзини жабрдайла қилиб кўрсатган Малоҳат ҳеч кимдан юз-хотир қилмай яна ҳар доимгидай тўхмат сўзларини такрорлади:

– Сингилларинг менинг оиламини бузиш учун эрим билан тил бириктириб атайини шу ерларга кўчиб келди. Туққан боласи ҳам менинг хўжайинимдан.

– Тилингизга эрк берманг! – Зебонинг ўртанча акаси Қодиржон кўлларини мушт қилган ҳолда ўридан туриб кетди.

– Утир жойингга. Дилидагини охиригача айтиб олсин, – кўз қараш билан уни жойига ўтиргизиб қўйди катта акаси Нодир.

– Қандай исботингиз бор, нимага асосланиб бундай деясиз? Дардингиз ичигингизда қолмасин, гапириб олинг, – деди у қатъий оҳангда.

– Сингилларинг билан эрим Лайли-Мажнун бўлганлигини ҳамма билади. Ҳозирча ундан кўнгли узоқлашганини хўжайиним тани олди.


– Нимага ёлғон гапираяпсанг? Мен сенинг гапларингдан чарчаганимдан «Зебо ҳар қандай эркак яхши кўрса арзийдиган яхши аёл», дедим, – хотинига нафрат билан ўшқира кетди Акмал. – Бу ифлос гапларингдан сендан ажрлашиб қутилман, шеккилли.

– Ҳа-а, шу гапингизни кутиб юргандим. Дилингиздаги энди тилингизга чиқди а? Сиз у билан аллақачон тил бириктириб олгансиз. – Аюханнос сола кетди Малоҳат.

– Жанжални тўхтатинглар, – Нодир аканинг важохатидан унинг гапи бўғзида қолди. – Биз сиздан сингилмигизнинг шайини булғаетган айбловингизга исбот талаб қилаяпмиз. Шу ҳақда гапиринг.

– Зебо билан эрим деярли ҳар кунни учрашиб туришарди. Мана, яқинда ҳам даладаги уйчаларида иккиласини ушлаб олдим, – ишонч билан гапирарди у. – Эрим боласининг қўлига бир даста пул туқазиб турган экан...

Бу гапларни эшитиб Зебонинг юраги шувиллаб кетди. Малоҳатнинг жанжалларидан сўнг, Санжар уларни далага олиб кетган кунни Акмал ростдан ҳам у ерга борган эди. Бўлиб ўтган ишлар учун эр-хотиндан кечирим сўрашни ният қилган йигит дала ичига кириб кетган Санжарни тополмай Зебога узрини айтиб «чақалоқ суюнчисо», дея пул бериб турган бир паллада Малоҳат пайдо бўлди. Акмал хотинига мақсадини



тушунтириб у ердан бир амаллаб олиб кетганини ўшанда. Кечга томон Зебо эрига бу ҳақда гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, «иккинчи марта Акмал сўзини оғзингга олма», дея уни гапиртирмади Санжар.

– Ишонмасаларинг ана унинг ўзидан сўранглар. – Зебонинг ранги оқариб кетганини кўриб далиллаганди Малоҳат. – Бу ҳақда эри ҳам жуда яхши билади. Лекин қамоқда етиб чиққандан кейини ўзида бола бўлмаслигини билгач, чидайди-да.

– Бу гапларни эшитган Санжар аламли нигоҳини Зебога тикди. Унинг юзлари газабдан қизариб кетган, қалтираётган вужудини босишга ҳаракат қиларди.

Айни дамда ҳамма Зебодан жавоб кутарди.

– Тўғри, Акмал ака ўша кунни даладаги уйимизга борганди фақат бу...

Зебонинг сўзи оғзида қолди. Уридан шахт билан турган Санжар «Ўз жавобинг ўзинг билан. Менинг сендек хотиним ҳам, болам ҳам йўқ», деди-да эшикдан отилиб чиқиб кетди.

Малоҳатдан бошқа ҳеч ким бундай бўлишни кутмаган эди. Ҳамма бир зум қотиб қолди. Зебо эса ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. Вазият шу даражага бориб етганини ҳаёл қилолмасди. Шу дамда уни чорасизлик, ожизлик қийнар, аламдан фарёд солиб йиғлагиси келарди. Бироқ, рўпарасида аяғли ҳолатидан мамнун бўлиб турган «ракхбаси» уни далиллаганди. Энди майин, босиқ қиёфадаги Зебо ўрнини шадлод, тутган жойини кесадиган аёл эгаллади. Унда ҳақоратланган инсонда юзага чиқадиган исён, ўзига хос қайсарлик бош кўтарган эди.

– Эримни кетказиб, оиламини бузиб мақсадингизга етдингми? Энди ниятингни амалга ошириш менинг гапим. Бу уй-жойларда менинг ҳам ҳаққим бор. Чунки ўзинг айтганингдек, ўғлимнинг отаси Акмал ака. У отасининг олдига катта бўлишни керак. Шунинг учун ҳозирдан бошлаб шу хонадонда яшайман. Нима дейсан, қўлингдан нима келади? – неча ойлардан буён азоб бериб келаётган тўхмат балоси қасос ўтига айланган Зебонинг кўзларига парда тортиган, у Малоҳатдан бошқа ҳеч кимни кўрмас, шу йўл билан уни жазолашни истарди.

Зебони руҳан эзиб кўксидеги рашк тафтини босиб келаётган Малоҳатнинг бирдан ранги кўкарди. Тўғриси, у вазият бундай тус олишини кутмаганди. Бир зумда девонасифат аёлга айланиб, эрига чанг сола кетди.

– Менга берган қасамларинг ёлғон экан-да, номард. Ҳозирроқ жавобини бер, сени ҳеч қачон кечирмайман...

Акмал нима бўлаётганини тушуниб етмасдан Нодир аканинг қарори янгради:

– Зебо бизнинг юзимизни ерга қаратиб шу йўлни таллаган экан, бугундан бошлаб бизнинг бундай синглимиз йўқ. Акмал, ҳозирроқ уни битта домла чакиртириб сенга ниқоҳлаб берамиз.

– Ака, нималар дейяси. Наҳот, Зебонинг алам устида айтган гапларини рост деб ўйлаяпсиз, – титраб кетди ўртанча акаси Собир. – Худди унинг қайсарлигини билмагандек йўл тутаёпсиз. Илтимос гапингизни қайтариб олинг. Тўғри хулоса чиқаринг ака!

– Қайсарлик! Қайсарлик болаликда бўлади, – қўлини мушт қилиб хонгахта устига урди Нодир ака. – Бу ерда оила тақдирини, авлод шайини, аёл номуси ҳал қилинаётти. Биз шунча йўл босиб нима учун келдик, уни оқлаш учунми? Битта шаллақ аёлга тенг келаман деб юзимизга оёқ босди-ку. Агар шу гапларини қайсарлик қилиб айтган тақдирда ҳам энди кеч. Эри айтганидан гапни айтиб кетди. Зебога заррача ишонч бўлганда бу ишни қилмаган бўларди. Бундан чиқди у ҳам гумон билан яшаган, турнишдан кечирадиганга ўхшамайди. Ҳозир уни қишлоққа олиб қайтсақ, багтар гап кўпаяди. Энг яхши йўл Зебонинг шу ерда қолиши.

– Оиламини бузишга нима ҳақларинг бор. Уйимга босиб кириб, зўрлик билан сингилларингни эримга қўшиб бермоқчимисизлар? – воқеанинг кескин тус олаётганидан жазавлага туршарди Малоҳат. – Қандай беномус акасиғларки, битта сингилни эллай олмасаларинг. Ҳозирроқ ҳаммаларинг уйимни бўшатиб қўйинглар.

Нодир ака унинг гапига нарво қилмади. Акмалга юзланди.

– Бу ишлар бўлишининг асосий сабабчиси сенсан. Хотинингни вақтида қайтариб олганингда шу кўнглисизликлар бўлмасди. Хотининг сабаб оиласи хонавайрон бўлди. Зебо айтганидек ўғлининг отаси экансан, энди ниқоҳингга олиб болангга оталик қилсан.

– Ака буларнинг барчаси Малоҳатнинг тўхмати. Наҳотки дўстимга хиёнат қилсам?! Зебо нега ундай деди, тушунмадим.

– Унда нега Санжарни гапингга ишонтириб ортга қайтармадинг? Энди кеч, – гапни қисқа қилди у ва Қодирга маҳалладан домла топиб келишини буюрди.

Эрини шамолдан ҳам қизғонадиган Малоҳат кўз ўнгиде бегона аёлга ниқоҳланаётганини кўриб телба аёлга айланди, қолди.

Бўлаётган ишларнинг барчасини Зебо туш кўраётгандек кузатар, у ҳам қараётган ҳолатда эди.

(Давоми бор.)

Зулфия ЮНУСОВА.

НАНОТЕХНОЛОГИЯ

КЕЛАЖАК АСКАРИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Нанотехнологиялар, нанотизимлар, наномашиналар, нанороботлар... Кейинги вақтларда дунё бўйлаб ана шу соҳаларда олиб борилаётган ишлар янада жадаллашди. Нанотехнологиялар биринчи навбатда ҳарбийларни қизиқтириб қолгани ҳам сир эмас. Нанозаррачалар ёрдамида пайвандлаб тайёрланган биринчи самолётни ҳарбийлар яратгани ҳам бугун кўпчиликка маълум. Нанороботлар йўқ экан, ҳозирча инсон жангда ўзи иштирок этишига тўғри келади. Шундай экан, аскарларнинг жанговар қудратини ошириб бориш устида бош қотириш табиий ҳол.

Ана шу мақсадларда АҚШдаги Массачусетс технология институту (МТИ) базасида «келажак аскари»нинг кийим-боши ва қуролини ишлаб чиқиш учун Аскар нанотехнологиялари институту ташкил этилди. Институт ташкилотчилари тадқиқот ишларини олиб бориш учун 50 млн. доллар миқдорига грант ажратишди. Шунга қарамай, институт раҳбари Эдвин Томаснинг айтишича, «нанотехнологиялар ёрдамида янада мукамаллаштирилган ҳарбий кийим-бош ва қуролларни ишлаб чиқиш учун 20 йилдан кам муддат кетмайди». Институтда ишлар етгита лойиҳа доирасида олиб борилиб, уларнинг ҳар бири «келажак аскари»нинг алоҳида «бўлаги»ни ташкил этади. Бу ишларда МТИнинг 8 бўлимидан 37 нафар олим иштирок этмоқда.

Тадқиқотчилар аскарнинг умуман янги концепциясини таклиф этишмоқда. Улар инсон, кийим-бош ва қуролдан ташкил топган гибрид (чатишма) тайёрлаш истагидалар. Уларнинг айтишича, бу гибриднинг элементлари бир-бирига шундай чамбарчас боғлиқ бўлади-ки, тўлиқ жиҳозланган келажак аскарини мустақил, тезкор ҳаракатланувчи, ҳар қандай ҳолатдан тирик чиқа олувчи алоҳида организм деб аташ мумкин бўлади.

«ДИНАМИК ЗИРҲ» КОНСТРУКЦИЯСИ

Келажак аскари кийим-бошининг асосий деталларидан бирини ташкил этувчи, тадқиқотчилар томонидан «динамик зирҳ» деб номланган, қалинлиги атиги бир неча миллиметр бўлган жанговар зирҳли нимча (бронезилят) аскар баданига ғаввослар кийимига ўхшаб ёпишиб туради. Шу ҳолда ҳам унинг юпқа қатламидан анча мураккаб молекуляр қисмлар бўлиб, улар ёрдамида янги либос ҳам зирҳли нимча, ҳам универсал тиббий ташҳис жиҳози, ҳам экзоскелет бўлади. Ироқда жанг олиб борган аскар кийим-бошининг оғирлиги 48 кг. 2010 йилги кийим оғирлиги эса 20 кг. бўлади. 2020 йилда қанча бўлиши мумкинлигини эса тадқиқотчилар ҳозирча аниқ айтмаяптилар. У вақтга бориб аскар зирҳ кўтариб юрмаса керак, аксинча зирҳ уни олиб юрар, балки.

Аскарнинг барча ҳаётини муҳим параметрлари (томир уриши, қон босими, энцефалограмма, тана ҳарорати ва ҳ. к) костюм орасига ўрнатилган датчиклар билан ўлчаиб борилади. Аскар организмидаги ўзгаришлар бош кийимдаги проекторга ҳам, тиббий компьютерга ҳам узатилади. Шу ондаёқ унинг костюмининг экзоскелетга ёки зирҳга айлантириш ҳақида компьютер қарор қабул қилади. Костюм таркибида бўлган бир қатор актюаторлар тиббий компьютер сигнали бўйича унинг белгиланган жойларини қаттиқроқ ёки юмшоқроқ ҳолга келтиради. Агар аскарнинг оёғи синса, маҳаллий экзоскелет унинг эгнидаги костюм тўқималаридан шаклланган сунъий шиналар билан жароҳатланган жойни ўраб олиш имконини беради.

Тадқиқотчилардан бирининг айтишича, 2020 йилги зирҳ экзоскелети таркибига кирувчи махсус лойиҳалаштирилган наномашини-кучайтиргичлар аскар куч-қувватини 300 фоизга ошириши мумкин экан. Зеро, 2010 йилги кийим аскарни фақат 35 фоизга «кучайтириши» мумкин бўлади.

Эдвин Томас баёнот беришича, костюмнинг жавоб реакцияси автомобиллардаги хавфсизлик ёстиқлари ишига ўхшаш бўлади. «Зарба тегиши ёки қон кетиши ва костюмнинг бунга жавоб реакцияси орасида бир секунддан ҳам кам вақт кетади. Костюм шу ондаёқ ўз эгасини ҳимояга олади».

ҲОЗИРЧА МОДЕЛЛАРДА СИНАЛМОҚДА

Тадқиқотчилар экзоскелетни яратиш устида қандай иш олиб бормоқчи эканликларини тушунтириб бердилар. Зарурий тезкор ҳаракатни таъминлаш учун актюаторлар келиб тушган сигналга боғлиқ ҳолда тезда керакли ҳолатга кириб олишлари лозим. Бунинг учун ҳозирда мавжуд полимерлар устида изчил иш олиб бориш, уларнинг зарурий тузилишга «тезкор» айланиб олиши услубларини топиш ва уларни электр ўтказувчан қилиш зарур. Кейинчалик ушбу полимер материаллар тирик тўқималар билан узоқ муддатли алоқа даврида ўзаро мос кела олиш-олмаслигини аниқлаш керак. Ва ниҳоят, математик моделлаштириш усулидан фойдаланиб, датчикларни ўрнатиш учун энг қулай жойларни, уларнинг миқдори ва типини ҳисоблаб чиқиш лозим. Кейинги ишларни эса дастур тузувчилар давом эттиради – улар тиббий компьютер учун дастурий таъминот ишлаб чиқадилар. Бу ерда томоша қилиш мумкин бўлган мультфильмда яралангандан сўнг ҳушидан кетган аскар ҳаётини тиббий компьютер ўз вақтида ишга туширган экзоскелет қандай сақлаб қолгани тасвирланган.

Қалинлиги атиги бир неча миллиметр бўлган костюмни етарли даражада мустаҳкам ва пухта қилиш учун, тадқиқотчилар уни ўргимчак тўри тузилиши асосида яратишмоқчи. Ўргимчак тўри мустаҳкам, сувга чидамли, эгилувчан ва енгил эканлиги сабабли шу асосда яратилган кийим ҳам шундай жиҳатларга эга бўлади, деб тахмин қи-

лишга барча асослар бор. Аскар нанотехнологиялари институтининг биологик ва кимёвий ҳимоя бўйича гуруҳ раҳбари Паола Хэммонднинг айтишича, «ўргимчак тўри тузилишини ўрганиб чиқиб, биз полиуретандан диаметри 100 нанометр атрофида бўлган нанотолалар яратдик. Улар тузилиши жиҳатидан оддий ўргимчак тўрига ўхшайди, фақат ҳақиқийсига нисбатан эгилувчанроқ, енгилроқ ва қаттиқроқдир».

НАНОТОЛАЛАР – АСОСИЙ МАТЕРИАЛ

Полиуретан асосида яратилган нанотолалар келажак аскари кийими учун асосий материал бўлиб хизмат қилади. Янги материални янада пишиқ қилиш мақсадида тадқиқотчилар янги нанотолаларга уларнинг белгиланган жойларига бирлаштирилувчи нанозаррачалар қўшдилар, уларни ўзаро бирлаштириб, янги материални янада мустаҳкам қилишга эришдилар. Паола Хэммонднинг таъкидлашича, сунъий тўр асосида яратилган кийим одатдагидан анча пишиқ бўлиб, унинг эскириши ёки кесилиши қийин бўлади. Эҳтимол, мазкур кашфиётдан оддий кийимлар учун «эскирмайдиган» материал сифатида тинчлик мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлар.


Бир неча полимерлар асосида яратилган янги материаллар аскарни ўқ ва снаряд парчалари тегишидан ҳимоя қилиш имконини беради. Тадқиқотчилар суяқ кристаллар асосида қувватни ўзига сингдириб олувчи полимерлар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу полимерлар деформация вақтида қувватни бутун юза бўйлаб тақсимлайдилар. Тадқиқотчилар аскарга келиб тегувчи ўқлар ва снаряд парчалари қувватидан фойдаланишга эришишлари ҳам мумкин.

ҚУВВАТНИ СИНГДИРУВЧИ ПОЛИМЕРЛАР

Шунингдек, аскар кийимини бир қанча эгилувчан қуёш панеллари билан таъминлаш ҳам режалаштирилмоқда. Шунда аскарнинг автономлиги, яъни мустақил ҳаракатланиш доираси янада кенгайди. Мутахассислардан бири таъкидлашича, янги зирҳ чекланмаган миқдордаги ўқларни қабул қилиб олиши мумкин, ҳозирда фойдаланилаётган зирҳли нимчалар эса муайян миқдордаги ўқлар текканидан сўнг яроқсиз ҳолатга келиб қолади.

Келажак аскари кийимини ишлаб чиқишдаги энг муҳим муаммолардан бири – инсон организмнинг кийим механизми билан самарали гибридлаштиришга (чатиштиришга) эришишдир. Тадқиқотчилар кўпдан буён чипда фаолият кўрсатувчи лабораториялар яратиш учун нанометрли трубкалар ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланмоқдалар.

Интернет материаллари асосида
П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



TV ДАСТУР

23 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 7.00 «Иқлим».
 7.05 «Аёл эрки».
 7.40 «Ўзбекистон табиати».
 8.00 «Таҳлилнома».
 8.50 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қазрида».
 9.40 «Изҳор».
 9.45 «Покахонтас».
 10.10 «Болалар дунёси».
 10.35 «Муқаддас қадамжолар».
 11.00 «Ахборот».
 11.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Морхўр изидан».
 11.35 «КиноТеатр».
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 12.50 Миллий кино: «Забаржад».
 14.00 «Ахборот».
 14.20 «Ватанпарвар».
 15.00 «Маънавият» дастури.
 16.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. «Француз мусиқаси».
 16.45 «Замондошим».
 17.00 «Ахборот».
 17.15 «Ҳаёт ва қону».
 17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
 17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
 18.00 «Қайтар дунё».
 18.45 «Очун».
 18.55 «Бир кун».
 19.20 «ТВ-шифокор».
 19.30 «Ахборот» (рус.)
 20.05 «Туташ тақдирлар».
 20.45 «Ватанимни куйлайман».
 21.00 «Ахборот».
 21.30 «Парламент вақти».
 21.50 «Қиш сонатаси».
 23.00 «Иқлим».
 23.05 «Иф қалъасининг маҳбуси».
 Фильм. 1-қисм.
 23.50 «Олам ва одам» дастури: «Осиёнинг барҳаёт мероси».
 00.35 «Бир кун».
 01.00 «Ахборот» (рус.)
 01.30 «Чемпион».
 01.50 «Очун».
 02.00 «Маънавият» дастури.
 04.00 «Ахборот».
 04.30 «Туташ тақдирлар».
 05.10 «Олтин мерос».
 05.20 «Ўзбекистон табиати».
 05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

14.00 «Камолот».
 14.10, 19.30 «Ишқ жодуси».
 15.00 «Тошкент таронаси».
 15.10 «Келажак эгалари».
 15.20 «Баҳор соғинчи».
 15.25 «Жаҳон операси».
 15.35 «Сехри қўллар».
 15.55 «Мафтунок замин».
 16.00 «Давр».
 16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
 16.35 «Шарқ дарвозаси».
 16.40 «Уинмдаги фарингам».
 17.00 «Ёшлар ва таълим».
 17.10 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги тендошим».
 17.25 «Келинчак кўлам».
 17.30 «Индиги кун жадвали». Фильм.
 18.50 «Гуллар жилваси».
 18.55 «Улуғ неъмат».
 19.00, 22.00 «Давр».
 20.20 «Келақол, баҳор!»
 20.25 «Тасвир ва таассурот».
 20.45 «Сумалак ҳаёли».
 20.50 «Шаҳзоданинг қўшиғи».
 21.40 «Олтин тупроқ».
 22.30 «Миллий мерос».
 22.35 «Ёшлар киноси».
 22.45 «Ҳаёт-мамонт».
 23.30 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

17.55 «Кўк рангли сичқонча ва хумбош мушук». 17-қисм.
 18.05 «Телекурьер-маркет».
 18.20 «Тошкент-2200».
 18.25 «Анонс».
 18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
 18.55 «Эмеральда». Телесериал.
 19.20 Бизнес-«Пойтахт».
 19.25 «Мусиқа SMS».
 19.50 «Саломат бўлинг» (рус.)
 20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
 20.20 «Анонс».
 20.25 «Милагрос». Телесериал (рус.)
 20.55 «Интервью» (рус.)
 21.05 «Жозоба».
 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
 21.50 «Анонс».
 21.55 «Уйларим».
 22.00 «Телекурьер-маркет».
 22.15 «Аёл қалби».
 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
 22.50 Кино SMS со звездами.
 22.55 Кино: «Пока её не было».

СПОРТ

7.00 «Талқин».
 7.30 Футбол. Евро-2008. Голландия — Россия.
 9.00 «Версия».
 9.30 «Малахов +».
 10.30 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
 11.10 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
 12.30 «Профринг».
 18.00 «Тет-а-тет».
 18.10 «Баркамол аялод».
 18.30 «Хабарлар» (рус тил.)
 18.50 «O'zbektelefilm» намойиши эълони: «Интилиш», Хужжатли фильм.
 19.10 «Азия лото».

19.45 Биатлон.
 20.35 Лыжный спорт.
 21.30 «Хабарлар» (узб. тил.)
 21.50 Интерфутбол.
 23.25 «Тунигиз оуда бўлсин!»

24 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 7.05 «Аёл эрки».
 7.40 «Ўзбекистон табиати».
 8.00 «Ахборот».
 8.40 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қазрида».
 9.25 «Изҳор».
 9.30 «Покахонтас».
 9.55 «Уйла! Изла! Топ!»
 10.40 «Тезкор хабарлар».
 10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
 11.00 «Ахборот».
 11.10 «ТВ-шифокор».
 11.15 «Туташ тақдирлар».
 11.50 «Ахборот» (инглиз).
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 12.55 «Қиш сонатаси».
 14.00 «Ахборот».
 14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
 15.00 «Маънавият» дастури.
 16.00 «Ҳамон ёдимда...»
 16.40 «Бир жиноят изидан».
 17.00 «Ахборот».
 17.15 «Худудлар ҳаёти».
 17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
 17.55 «ТВ-бизнес хабарлари».
 18.00 «Қайтар дунё».
 19.00 «Навоийни англаш».
 19.20 «ТВ-шифокор».
 19.30 «Ахборот» (рус.)
 20.05 «Туташ тақдирлар».
 20.45 «Соз сехри».
 21.00 «Ахборот».
 21.30 «Бир ўлка-ки...»
 21.50 «Қиш сонатаси».
 23.00 «Иқлим».
 23.05 «Иф қалъасининг маҳбуси».
 Фильм. 2-қисм.
 23.55 «Олам ва одам» дастури: «Осиёнинг барҳаёт мероси».
 00.35 «Бир ўлка-ки...»
 00.55 «Олтин мерос».
 01.00 «Ахборот» (рус.)
 01.30 «Kinomania».
 02.00 «Маънавият» дастури.
 04.00 «Ахборот».
 04.30 «Туташ тақдирлар».
 05.10 «Соз сехри».
 05.20 «Ўзбекистон табиати».
 05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
 7.30, 17.00 «Даврининг боласи».
 7.40 «Қора ўрдақ». Мультипликация.
 8.00 «Олтин тупроқ».
 8.10 «Рақслар гулдастаси».
 8.20, 19.30 «Ишқ жодуси».
 9.10 «Ватанпарвар».
 9.55 «Келақол, баҳор!»
 10.00, 13.00 «Давр».
 10.10 «Ошин».
 11.00 «Муъжизавий дунё».
 11.40 «Шарқ дарвозаси».
 11.50 «Нафосат олами».
 12.00 «Гул ифори». Сериал.
 12.50 «Табассум қил!»
 13.10 «Чемпион».
 14.00, 20.50 «Шаҳзоданинг қўшиғи».
 14.50 «Kinomania».
 15.20 «Келинчак кўлам».
 15.30 «Сехри қўллар».
 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
 16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
 17.10 «Мультипанорама».
 17.30 «Шайтон малайлари». Фильм.
 18.50 «Келақол, баҳор!»
 18.55 «Улуғ неъмат».
 20.20 «Баҳор соғинчи».
 20.25 «Автопатруль».
 20.45 «Гуллар жилваси».
 21.40 «Олтин тупроқ».
 22.30 «Миллий мерос».
 22.35 «Ёшлик байи».
 22.45 «Ҳаёт-мамонт».

ТОШКЕНТ

17.55 «Кўк рангли сичқонча ва хумбош мушук». 18-қисм.
 18.05 «Телекурьер-маркет».
 18.20 «Тошкент-2200».
 18.25 «Анонс».
 18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
 18.55 «Эмеральда». Телесериал.
 19.20 Бизнес-«Пойтахт».
 19.25 «Мусиқа SMS».
 19.50 «Химоя».
 20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
 20.20 «Тошкент-2200» (рус.)
 20.25 «Милагрос». Телесериал (рус.)
 20.55 «Репортаж».
 21.05 «Жозоба».
 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
 21.55 «Уйларим».
 22.00 «Телекурьер-маркет».
 22.15 «O'zbektelefilm» презентация: «Канка».
 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
 22.50 Кино SMS со звездами.
 22.55 Кино: «Истина».

СПОРТ

7.00, 21.30 «Хабарлар» (узб. тил.)
 7.20 Футбол. Евро-2008. Испания — Италия.
 9.00, 18.30 «Хабарлар» (рус тил.)
 9.25 «Малахов +».
 10.20 «Тет-а-тет».
 10.30 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
 11.20 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.

12.40 Баскетбол. Ўзбекистон кубоги.
 18.00 «Тет-а-тет».
 18.10 «Футбол мундиал».
 18.50 Теннис. Халқаро турнир.
 19.50 Биатлон.
 20.50 Кураш. Халқаро турнир.
 21.50 Интерфутбол.
 23.30 Спортивное кино: «Малышка на миллион». 1-қисм.
 00.40 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Арсенал» — «Рома».

25 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 7.00 «Иқлим».
 7.05 «Аёл эрки».
 7.40 «Ўзбекистон табиати».
 8.00 «Ахборот».
 8.35 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
 9.25 «Изҳор».
 9.30 «Покахонтас».
 9.55 «Бизнинг кутубхона».
 10.05 «Рақсинг сехри олами».
 10.20 «Худудлар ҳаёти».
 10.40 «Чавандоз».
 11.00 «Ахборот».
 11.10 «ТВ-шифокор».
 11.15 «Туташ тақдирлар».
 11.55 «Эски альбом».
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 12.50 «Иқлим».
 12.55 «Қиш сонатаси».
 14.00 «Ахборот».
 14.15 «Рақсинг дунё».
 14.40 «Эркин иқтисодиёт».
 15.00 «Маънавият» дастури.
 16.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
 17.00 «Ахборот».
 17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
 17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
 17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
 18.00 «Қайтар дунё».
 18.50 «Очун».
 19.00 «Тараққиёт сари».
 19.20 «ТВ-шифокор».
 19.30 «Ахборот» (рус.)
 20.05 «Туташ тақдирлар».
 20.45 «Ватанимни куйлайман».
 21.00 «Ахборот».
 21.30 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
 21.50 «Қиш сонатаси».
 23.05 «Иф қалъасининг маҳбуси». 3-қисм.
 23.55 «Олам ва одам» дастури: «Осиёнинг барҳаёт мероси».
 00.35 «Қишлоқ ҳаёти».
 01.00 «Ахборот» (рус.)
 01.30 «Ёшлар майдони».
 02.00 «Маънавият» дастури.
 04.00 «Ахборот».
 04.30 «Туташ тақдирлар».
 05.10 «Очун».
 05.20 «Ўзбекистон табиати».
 05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
 7.30, 17.00 «Даврининг боласи».
 7.40 «Қора ўрдақ». Мультипликация.
 8.00 «Олтин тупроқ».
 8.10 «Қадридон қўшиқлар».
 8.20, 19.30 «Ишқ жодуси».
 9.10 «Эверест».
 9.40 «Ёшлар ва таълим».
 10.00, 13.00 «Давр».
 10.10 «Ошин».
 11.00 «Муъжизавий дунё».
 11.50 «Нафосат олами».
 12.00 «Гул ифори». Сериал.
 12.50 «Табассум қил!»
 13.10 «Чемпион».
 14.00, 20.50 «Шаҳзоданинг қўшиғи».
 14.50 «Тошкент таронаси».
 15.00 «Замона дурдонаси».
 15.25 «Жаҳон операси».
 15.35 «Сехри қўллар».
 15.55 «Баҳор соғинчи».
 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
 16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
 17.10 «Мультипанорама».
 17.30 «Шайтон малайлари жинлар тегиримониди». Фильм.
 20.20 «Келақол, баҳор!»
 20.25 «Автопатруль»
 21.40 «Олтин тупроқ»
 22.30 «Миллий мерос»
 22.35 «Келажак эгалари»
 22.45 «Ҳаёт-мамонт»
 23.30 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
 8.25 Бизнес-«Пойтахт».
 8.35 «Эмеральда».
 9.00 «Телекурьер-маркет».
 9.20 «Химоя».
 9.30 «Пойтахт».
 9.45 «Репортаж».
 9.55 «Уйларим».
 10.25 «Тошкент-2200».
 10.30 «Пойтахт» (рус.)
 10.40 «Милагрос» (рус.)
 11.10 «Интервью» (рус.)
 11.20 «Мысли вслух».
 11.25 «Тошкент-2200» (рус.)
 11.35 Кино: «Истина».
 17.55 «Кўк рангли сичқонча ва хумбош мушук». 19-қисм.
 18.05 «Телекурьер-маркет».
 18.20 «Тошкент-2200».
 18.30, 21.30 «Пойтахт».
 18.55 «Эмеральда».
 19.20 Бизнес-«Пойтахт».

19.25 «Мусиқа SMS».
 19.50 «Дурдона».
 20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.)
 20.20 «Тошкент-2200» (рус.)
 20.25 «Милагрос» (рус.)
 20.55 «Интервью».
 21.05 «Жозоба».
 21.55 «Уйларим».
 22.00 «Телекурьер-маркет».
 22.15 «Эртағиз эгалари».
 22.55 Кино: «Эрагон».

СПОРТ

7.00, 21.30 «Хабарлар» (узб. тил.)
 7.20 Футбол. Евро-2008. Германия — Туркия.
 9.00, 18.30 «Хабарлар» (рус тил.)
 9.25 «Малахов +».
 10.20 «Тет-а-тет».
 10.30 Самбо. Ўзбекистон чемпионати.
 11.10 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
 12.30 Баскетбол. Ўзбекистон кубоги.
 18.00 «Тет-а-тет».
 18.10 «Спортивиз маликалари».
 18.50 Теннис. Халқаро турнир.
 19.50 «Спортлото».
 20.00 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Атлетико» — «Порту».
 21.50 Футбол. «Интер» — «Манчестер Юнайтед».
 23.30 Спортивное кино: «Малышка на миллион». 2-қисм.
 00.40 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Реал» — «Ливерпуль».

26 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 7.05 «Аёл эрки».
 7.40 «Ўзбекистон табиати».
 8.00 «Ахборот».
 8.35 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
 9.25 «Изҳор».
 9.30 «Покахонтас».
 9.55 «Сиринг, ширк, ширк».
 10.10 «Тараққиёт сари».
 10.35 «Табаррук замин».
 10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
 11.00 «Ахборот».
 11.10 «ТВ-шифокор».
 11.15 «Туташ тақдирлар».
 11.50 «Ахборот» (инглиз).
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 12.50 «Иқлим».
 12.55 «Қиш сонатаси».
 14.00 «Ахборот».
 14.15 «Одамлардан бири».
 14.40 «Имқоният».
 15.00 «Маънавият» дастури.
 16.00 «Камолот остонасида».
 16.15 «Бир ўлка-ки...»
 16.40 Ю. Ражабий номдаги мактаб ансамблининг концерти.
 17.00 «Ахборот».
 17.15 «Фарз ва қарз».
 17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
 18.00 «Қайтар дунё».
 18.55 «Минг бир ривоят».
 19.00 Тошкент-2200. «Тарих кўзуси».
 19.20 «ТВ-шифокор».
 19.30 «Ахборот» (рус.)
 20.05 «Туташ тақдирлар».
 20.45 «Соз сехри».
 21.00 «Ахборот».
 21.30 «Бекат».
 21.55 «Қиш сонатаси».
 23.05 «Иқлим».
 23.10 «Иф қалъасининг маҳбуси».
 4-қисм.
 23.55 «Олам ва одам» дастури: «Осиёнинг барҳаёт мероси».
 00.35 «Бекат».
 01.00 «Ахборот» (рус.)
 01.30 «Ёшлар майдони».
 02.00 «Маънавият» дастури.
 04.00 «Ахборот».
 04.30 «Туташ тақдирлар».
 05.10 «Соз сехри».
 05.20 «Ўзбекистон табиати».
 05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
 7.30, 17.00 «Даврининг боласи».
 7.40 «Қора ўрдақ».
 8.00 «Олтин тупроқ».
 8.10 «Тошкент таронаси».
 8.20, 19.30 «Ишқ жодуси».
 9.10 «Муайнақ сехри».
 9.50 «UzEX».
 9.55 «Миллий мерос».
 10.00, 13.00 «Давр».
 10.10 «Ошин».
 10.55 «Гуллар жилваси».
 11.00 «Муъжизавий дунё».
 11.50 «Нафосат олами».
 12.00 «Гул ифори».
 12.50 «Табассум қил!»
 13.10 «Автопатруль».
 14.00, 20.50 «Шаҳзоданинг қўшиғи».
 14.50 «Келажак эгалари».
 15.00 «Тасвир ва таассурот».
 15.20 «Жаҳон операси».
 15.30 «Сехри қўллар».
 15.55 «Сумалак ҳаёли».
 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
 16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
 16.35 «Келинчак кўлам».
 16.40 «Тошкентнома».
 16.55 «Болалар табассуми».
 17.10 «Мультипанорама».
 17.30 «Оқ шудринг қишлоғи». Фильм.
 18.50 «Баҳор соғинчи».
 18.55 «Улуғ неъмат».
 20.20 «Kinomania».
 21.40 «Олтин тупроқ».
 22.30 «Миллий мерос».
 22.35 «Набатчи».
 22.45 «Ҳаёт-мамонт».
 23.30 «Юрт тинчлиги».

TV ДАСТУР

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35, 18.55 «Эмеральда».
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Тошкентда латифа».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Интервью».
9.55 «Уйларим».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.40 «Милагрос» (рус.).
11.10 «Саломат бўлинг» (рус.).
11.20 «Тошкент-2200» (рус.).
11.30 Кино: «Эрагон».
17.55 «Кўк рангли сичқонча ва хумбош мушук». 20-қисм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент-2200».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Иқтисод-ревью» (рус.).
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент-2200» (рус.).
20.25 «Милагрос» (рус.).
20.55 «Интервью» (рус.).
21.05 «Жозоба».
21.55 «Уйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Юртим жамоли».
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55 Любимые кинофильмы: «Кин-дза-дза». 1-қисм.

СПОРТ

7.00 «Хабарлар» (узб. тил.).
7.20 Футбол. Евро-2008. Испания — Россия.
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Самбо. Узбекистон чемпионати.
11.10 Футзал. Узбекистон чемпионати.
12.30 Баскетбол. Узбекистон кубоги.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Спорт салтанати».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.50 Теннис. Халқаро турнир.
19.50 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Челси» — «Ювентус».
21.30 «Хабарлар» (узб. тил.).
21.55 Футбол. УЕФА кубоги. ЦСКА — «Астон Вилла».
23.55 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
00.40 Футбол. УЕФА кубоги. «Милан» — «Вердер».
2.35 «Туингиз осуда бўлсин!»

27 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Аёл эрки».
7.40 «Ўзбекистон табияти».
8.00 «Ахборот».
8.30 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
9.20 «Иҳор».
9.25 «Покахонтас».
9.50 «Болалар дунёси».
10.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.35 «Хонадон».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Тутан тақдирлар».
12.00 «Ассалом, Узбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Қиш сонатаси».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 Тошкент-2200. «Тарих кўзуси».
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Назм ва наво».
16.40 «Эъзо».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртақлар — ахшиликка этаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Қайтар дунё».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустақамлиги йулида».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «Тутан тақдирлар».
20.45 «Ватанимни қуйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Қиш сонатаси».
23.00 «Иқлим».
23.05 «Иф қалъасининг маҳбуси». 5-қисм.
23.50 «Олам ва одам» дастури: «Осиёнинг барҳаёт мероси».
00.30 «Хонадон».
00.55 «Олтин мерос».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Тутан тақдирлар».
05.10 «Очун».
05.20 «Ўзбекистон табияти».
05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
7.30, 17.00 «Даврининг боласи».
7.40 «Қора ўрдак».
8.00 «Олтин тупроқ».
8.10 «Рақслар гулдастаси».
8.20, 19.30 «Ишқ жолуси».
9.10 «Назм ва наво».
9.45 «Сумалак ҳаёли».
9.55 «Гуллар жилваси».

ТОШКЕНТ

10.00, 13.00 «Давр».
10.10 «Ошин».
10.55 «Тошкент-2200».
11.00 «Муъжизавий дунё».
11.50 «Нафосат олами».
12.00 «Гул ифори».
12.50 «Табассум қил!»
13.10 «Автопатруль».
14.00, 20.50 «Шаҳоданинг кўшиги».
14.45 «Эверест».
15.15 «Жаҳон операси».
15.25 «Сехрли кўлар».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.55 «Болалар табассуми».
17.10 «Мультипанорама».
17.30 «Жануб соҳили». Фильм.
18.55 «Улуг неъмат».
20.25 «Сўнмас юлдузлар».
20.45 «Келажоқ, баҳор!»
21.40 «Олтин тупроқ».
22.30 «Миллий мерос».
22.35 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоғимиз қаҳрамони».
22.45 «Ҳаёт-мамот».
23.30 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35, 18.55 «Эмеральда».
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Дурдона».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Эртагим эгалари».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.40 «Милагрос» (рус.).
11.10 «Интервью» (рус.).
11.20 «Иқтисод-ревью».
11.30 «Тошкент-2200» (рус.).
11.40 Кино: «Кин-дза-дза». 1-қисм.
17.55 «Афиша» (рус.).
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент-2200».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент-2200» (рус.).
20.25 «Милагрос» (рус.).
20.55 «Репортаж» (рус.).
21.05 «Жозоба».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Маърифат фойдалари».
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55 Любимые кинофильмы: «Кин-дза-дза». 2-қисм.

28 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

7.00 «Хабарлар» (узб. тил.).
7.20 Футбол. Евро-2008. Испания — Германия.
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси.
«Лион» — «Барселона».
12.10 Баскетбол. Узбекистон кубоги.
13.10 «Спукер».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол аялдо».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Лыжный спорт.
20.00 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
20.45 «Статья ближе». Ток-шоу.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил.).
21.50 Интерфутбол.
23.25 «Туингиз осуда бўлсин!»

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Севги хатолари». 1-қисм.
7.45 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Покахонтас».
9.00 «Мусиқа дунёси».
9.20 «Мехр кўда».
10.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустақамлиги йулида».
10.20 1. «Чинисен». 2. «Маурит».
11.00 «Онлар мактаби».
11.20 «Тутан тақдирлар».
12.00 «Ассалом, Узбекистон!»
12.55 «Қиш сонатаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Анзим».
14.50 «Биринчи рицарь». Фильм.
16.50 1. «Уйла! Изла! Топ!»
2. «Эртақлар — ахшиликка этаклар».
17.45 «Минг бир маслаҳат».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Ҳақдалақ». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Рангин дунё».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.00 ТВ-анион.
20.05 «Денгиздан томчи».
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кинотақдим».
22.05 «Шушу». Фильм.
23.45 «Рангин дунё».
00.05 «Тараннум».
00.45 «Замондошим».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Кинотақдим».
02.25 Миллий кино: «Севги фазоси».
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий кино: «Тақдир эшиги».
05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Даврининг боласи».
7.40 «Қора ўрдак».
8.00 «Олтин тупроқ».
8.10 «Қадрдон кўшиқлар».
8.20, 19.30 «Ишқ жолуси».
9.10 «Бугун».
9.40 «Тошкент-2200».
9.55 «Сумалак ҳаёли».
10.00, 13.00 «Давр».
10.10 «Даджон демасман». Спектакль.
11.45 «Гуллар жилваси».
11.50 «Нафосат олами».
12.00 «Гул ифори».
12.50 «Табассум қил!»
13.10 «Қишлоқдаги тенгошим».
13.25 «Мафтунок замин».
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00, 20.50 «Шаҳоданинг кўшиги».
14.45 «Келажоқ, баҳор!»
14.50 «Тараннум».
15.30 «Сехрли кўлар».
15.55 «Сумалак ҳаёли».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Қалбимда Ватан мадҳи».
16.50 «Илҳом қанотлари».
16.55 «Болалар табассуми».
17.00 «Даврининг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.30 «Тош ва гул». Фильм.
18.45 «Баҳор соғинчи».
18.50 «Миллий мерос».
18.55 «Улуг неъмат».
20.20 «Урик гуллаганда».
20.25 «Сўнмас юлдузлар».
20.45 «Келинчак кўлам».
21.40 «Олтин тупроқ».
22.30 «Жеру олмоси». Фильм.
00.00 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35, 18.55 «Эмеральда».
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ягонаман, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Аёл қалби».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.40 «Милагрос» (рус.).
11.10 «Репортаж» (рус.).
11.20 «Афиша» (рус.).
11.30 Кино: «Кин-дза-дза». 2-қисм.
12.40 «Открытая дверь».
13.10 «Тошкент-2200» (рус.).
13.15 Фильм-детям: «Остров Ним».
14.50 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Юртим жамоли».
15.05 «Нима учун?»
15.50 «Саломат бўлинг».
16.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
16.30 Кино: «Аршин мол-олон».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Интервью».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили».
21.05 «Жозоба».
21.50 «Тошкентда латифа».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Мысли вслух».
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55 Кино: «Герцогиня».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (узб. тил.).
8.20 «Панда кунг-фу». Мультифильм.
8.45 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.20 Интерфутбол.
11.00 «Файтер». Восточные единоборства.
11.30 Баскетбол. Узбекистон кубоги.
12.30 Футбол. Кубок УЕФА. «Тоттенхэм» (Англия) — «Шахтер» (Украина).
14.10 «Рақибингиз — гротсмейстер».
18.00 «Жасур болалар».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.50 «Военное дело».
19.10 «Ring»да Леймон Брюстер — Виталий Кличко.
19.40 «Национальные игры Японии». Документальный фильм.
19.55 Интерфутбол.
21.55 «Хабарлар» (узб. тил.).
22.15 Спортивное кино: «Убойный футбол».
23.55 Интерфутбол.
1.50 «Туингиз осуда бўлсин!»

1 МАРТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Севги хатолари». 2-қисм.
7.45 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ-анион.
8.35 «Бизнинг кутубхона».

8.45 «Тандир пон». Мультифильм.
9.10 «Оҳабро».
9.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғларда баҳор».
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир хунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Ҳамон ёдимда...»
12.00 «Ассалом, Узбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 «КиноТеатр».
13.30 ТВ-анион.
13.35 «Катта бойлик дардида». Фильм.
15.35 «Яшил водий сари». Мультифильм.
16.35 «Наврўз наволари».
16.50 Миллий кино: «Бегона баҳор».
18.55 «Очун».
19.05 «Умр дафтари». Зулфия.
19.30 «Таҳлинома» (рус.).
20.10 «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил кўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлинома»
21.50 «Заковат».
22.50 «Баҳор, ёз, куз, қиш... ва яна баҳор». Фильм.
00.35 «Минг бир хунар».
00.50 «Очун».
01.00 «Таҳлинома» (рус.).
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.15 «Заковат».
03.15 «Оҳабро».
03.55 ТВ-анион.
04.00 «Таҳлинома».
04.40 Миллий кино: «Оқтошлик болалар».
05.50 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Ассалом, баҳор!»
7.20 «Табассум қил!»
7.30 «Рўзгор мактаби».
8.00 Миллий кино: «Кўкдам эртати».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Наврўз илҳомлари».
9.40 «Соғлик — бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Жумонг».
11.50 «Яна баҳор!» Мультифильм.
12.00 «Болалар давраси».
12.30 «Эртақлар оламиди».
13.45 «Навий набиралари».
13.55 «Мафтунок замин».
14.00 «Шаҳоданинг кўшиги».
14.50 «Урик гуллаганда».
15.00 «Сумалак бағми». Видеофильм.
15.50 «Камолот».
16.00 «Эверест».
16.30 «Назм ва наво».
16.50 «Сўнмас юлдузлар».
17.30 «Тош ва гул». Фильм.
18.45 «Кўкдам навоси».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Маслаҳат». Ҳажвий.
20.20 «Ёшлар баҳори».
20.30 «Олтин тупроқ».
20.40 «Кўзгу». Ҳажвий.
21.10 «13-студия».
21.30 «Кинопанорама».
22.00 «Болалар боғчасиди полициячи». Фильм.
23.50 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Эмеральда».
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ягонаман, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Афиша».
9.50 «Интервью».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.45 Индийский кино: «Сердцу не прикажешь». 1-я и 2-я серии.
13.25 «Мысли вслух».
13.30 «Телекурьер-маркет».
13.45 Мультифильм «Приключения Десперо».
15.15 «Планета Земля. Великие равнины».
16.10 «Истеъдод».
16.30 «Менинг шахрим».
16.50 «Телекурьер-маркет».
17.05 «Жозоба».
17.30 Мультифильм «Фаррух ва Зумрад».
17.45 «Саргузаштлар ороли».
18.10 «Тошкентда латифа».
18.15 Кино: «Юлдузининг бер, осмон».
19.45 «Телекурьер-маркет».
20.00 «Кинотақдим».
20.30 «Туризм ҳақида» (рус.).
21.05 Кино SMS со звездами: «Ван Дамм», «Светлячки в саду», «Влюзмены».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (узб. тил.).
8.20 «Кувноқ стартлар».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.20 Интерфутбол.
11.00 «АВТОграф».
11.20 «Шаҳавонлар беллашуви».
Экстремал спорт бўйича жаҳон биринчилиги.
12.10 Интерфутбол.
15.55 Футбол. Узбекистон чемпионати.
«Пахтакор» — «Бухоро».
17.50 «Спорт уик-энд».
18.15 «Тайм-аут».
18.30 «Версия».
19.00 «Профринг».
19.55 Футбол. Англия Лигаси кубоги. Финал.
«Манчестер Юнайтед» — «Тоттенхэм».
21.50 «Талқин».
22.20 Футбол. Узбекистон чемпионати.
«Динамо» — «Бунёкор».
23.55 Лыжный спорт.
00.25 Футбол. Чемпионат Италии.
«Интер» — «Рома».
2.15 «Туингиз осуда бўлсин!»

ХОНАДОН

НЕСКОЛЬКО СЛОВ О ВИТАМИНАХ



Мы все стремимся быть красивыми и прикладываем немало усилий для того, чтобы выглядеть безупречно. При этом необходимо помнить: наш внешний вид напрямую зависит от того, чем и как мы питаемся. К чему стремиться каждая из нас? Гладкая кожа, шелковистые волосы, крепкие ногти... Для этого необходимо постоянно пополнять запас определенных витаминов (А, В, С, бета-каротин (провитамин А)) и минералов (цинк, магний, селен,

йод), о которых мы расскажем Вам в этом номере.

Источник витаминов:

Витамин А: печень морских животных и рыб, рыбий жир, сливочное масло, сливки, сыр, желток, молоко.

Витамин В: цельные зерна, семечки подсолнуха, арахис, бобы, картофель, зеленые листовые овощи, рыба, домашняя птица, молоко, дрожжи, сыр, субпродукты, коричневый рис, телятина, соя.

Витамин С: цитрусовые, черная смородина, сладкий перец, белокочанная, цветная капуста, лимон, печень, картофель.

Провитамин А: морковь, сладкий перец, зеленый лук, шавель, шпинат, петрушка, плоды шиповника, облепиха, абрикосы.

Источники минералов:

Цинк: субпродукты, яйца, рыба, грибы.

Селен: рыба, мясо, орехи.

Магний: продукты из муки грубого помола, орехи, бобовые, зеленые овощи, сухофрукты.

Йод: креветки, мидии, морская капуста, рыба (морская).

Полезно знать, что:

организм не запасает витамины «впрок», поэтому не стремитесь получить их сразу как можно больше.

После трех дней хранения продуктов в холодильнике теряется около 10% витамина С. При комнатной температуре – до 25%.

При термической обработке продуктов теряется от 25% до 90% витаминов. Высушивание, замораживание, хранение в воде после очистки также снижает количество витаминов и минералов.

На свету витамины также разрушаются (особенно витамин В2), витамин А боится ультрафиолета.

Витамин С быстро разрушается при варке пищи с открытой крышкой.

И наконец, следует помнить, что овощи и фрукты – далеко не единственные источники витаминов. Поэтому самое главное – следить за тем, чтобы меню было разнообразным.

УГРАЛИ ТОВУҚ ШҮРВА



Керакли масаллиқлар:

Ўртача катталиқдаги товуқ гўш-тига – 1,5 литр сув, 2 сабзи, туз ва зираворлар.

Угра учун – 1 дона тухум, 20-30 гр. сарғе, 300 гр. ун, туз, 0,5 ст. қайнатиб совутилган сув.


Унни идишга солиб ўртасида чуқурча ҳосил қиламиз ва қайнатиб совутилган сув, тухум, юмшатишган сарғе, туз солиб қаттиқ хамир қорамиз. Тиндирилган хамирни юпқа қилиб ёйиб, ун сепиб 10 дақиқага қуритиб учун қолдираемиз. Сўнгра сомонча шаклида ёки тўртбурчак қилиб кесамиз. Устига яна ун сепиб, 1 соат давомида қуритаемиз.

Қайнаб турган товуқ шўрвасига

сомонча шаклида тўғралиб, ўсимлик ёғида ўлдирилган сабзини солиб, 10-15 дақиқа қайнатаемиз. Кейин тайёр уграларни элаб қайнаб, турган шўрвага солаемиз. Таъбга кўра туз кўшиб 15-20 дақиқа қайнатаемиз. Шўрвадан ажратиб олинган товуқ гўштини майда бўлақларга бўлиб, идишларга алоҳида солиниб, устидан шўрва қуйиб, дастурхонга тортаемиз. Шўрвага тўғралган кўкатлар ҳам, солиш мумкин.

ИМЕННОЕ ЖАРКОЕ ДЛЯ МУЖА

Сначала готовим маринад. Мелко шинкуем репчатый лук, морковь, петрушку, обжариваем по отдельности в хорошо разогретом растительном масле в течение 3-5 минут и перекладываем в казанок. Затем заливаем горячей водой, добавляем соль и приправы и провариваем на среднем огне 30 минут. Говяжью вырезку весом 1-1,3 кг моем, выкладываем в форму для запекания, заливаем горячим маринадом и тушим под крышкой на тихом огне около 2 часов. Готовое мясо перекладываем на блюдо, вокруг располагаем отваренные тонкие макароны или жареный картофель с овощами.



Для маринада – 2 стакана воды, головка репчатого лука, корень петрушки, 2 небольшие моркови, столовая ложка уксуса (9%), 2 лавровых листа, 10 горошин черного перца, соль по вкусу.

FARZANDLAR ISTIQBOLI YO'LIDA

Yoshlarga kelajagimiz egalari deya ishonch bildiriladi. Zero, har bir millatning taraqqiyotiyu istiqboli shu zaminda unib-o'sayotgan farzandlarning intellektual safohiyati, bilim darajasiga bog'liq. E'tibor berayotgan bo'lsangiz, bugun yurtimizda yoshlarning munosib bilim va kasb-hunar egallashlari uchun katta imkoniyatlar yaratilmoqda. Ayniqsa, yuqori sinf o'quvchilarini ta'limning keyingi turlariga, ya'ni kasb-hunar kollejlari va akademik litseylarda tahsilni davom ettirishga jalb etishga e'tibor qaratilayotgani fikrimiz dalilidir. Yaqinda poytaxtimizdagi 200-umumta'lim maktabida 9-sinf bitiruvchilari va ularning ota-onalari uchun o'tkazilgan tadbir aynan shu mavzuga bag'ishlandi.

Turli yo'nalishdagi kasb-hunar kollejlari va akademik litsey o'qituvchilari bilan muloqot tarzida o'tkazilgan mazkur tadbirda so'zga chiqqan o'qituvchilar, o'z bilim dargohlari haqida ma'lumot berish asnosida litsey va kollej hayoti, u yerda yaratilgan shart-sharoitlar, mutaxassisliklar va bu ilm dargohida berilayotgan ta'limning bir-biridan farqi, ularning afzalliklari haqida gapirib o'tdilar.

Gulnora MURODOVA.

Bolajonlar, sizlar uchun!



Bolajonlar, quyuncha bo'ringa qafasida. Quyuncha qafasidan chiqishi uchun quyidagi misollarni yechishi kerak. Siz quyunchaga yordam bera olasizmi?

1. Bir soatning minutga aylantirilgan sonidan sutka vaqtini ayiring. $1 \square - \square = \square$
2. Birinchi misoldagi ayrimani bir yillik oysoniga ko'paytiring. $2 \square \cdot \square = \square$
3. Ikkinchi misoldagi ko'paytirmani bir yillik kunlar soniga qo'shing. $3 \square + \square = \square$
4. Uchinchi misoldagi yig'indidan bir yillik hafta kunini ayiring. $4 \square - \square = \square$
5. To'rtinchi misoldagi ayrimani bir hafta kuniga bo'ling. $5 \square : \square = \square$
6. Beshinchi misoldagi bo'linmadan bir soatlik minut vaqtini ayiring. $6 \square - \square = \square$

BILIM VA KASB-HUNAR O'RGANISH ODOBI

Donishmandlarning fikricha, baxtli bo'lish va farovon hayot kechirishning yagona kaliti – bilim, ma'rifat va muayyan kasb-korga ega bo'lishdir. O'quvchilar ilm o'rganishda quyidagi vazifalarga qat'iy amal qilishiga murodi hosil bo'ladi: ko'ngilda ilm ishtiyoqini jo etmoq; kamtar, samimiy va namunali xulq sohibi bo'lish; kattalarga hurmat bajo etish; saboqdoshlari bilan inoq, totuv bo'lib, o'zaro yordamni ayamalik; ustozlar nasihatiga qat'iy amal qilish; kam so'zlab, ko'p tinglash va hokazo.

Allomalar aytadilar:

«Kamol et kasbkim, olam uyidin,
Senga farz o'lmagay g'amnok chiqmoq.
Jahondin notamom o'tmak, baayni –
Erur hammomdin nopok chiqmoq».

Yana bir hikmat bor:

«Hazrati odam bilim, aqlu idrok sabab muhtaram.

O'quv qayda bo'lsa, ulug'lik bo'lar,
Bilim qayda bo'lsa, buyuklik bo'lar».

БЕККАТ

СКАНВОРД

									Шахл		
	Гулханий асари	Олийгоҳ раҳбари	Шифобахш гиёҳ	Бўсага	Кинонамойиши	Меҳнат					
								Америка олимпиади			
	Кимёвий модда туз	Энг паст мусикий овоз			Адабий жанр						
	Ромсоз уста	Томон			Турбина қисми	Микдор қўшимчаси	Пардоз ашёси				
						Муסיқа					
	Хузуру	Хорижлик футболчи	Абадий	Аҳил			Юнон ҳарфи				
	Америка адаби					Исканжа, асбоб					
			Белги, ифода		Отанинг опаси		Падар	Буюм пардоз			
	Кучли, полвон	Куритилган барг туплами					Кама ирмоғи				
	"Зита ва..." (фильм)			Маймун тури	Волга бўйидаги қадимий халқ						
	Рус кинорежиссёри			Кучли совуқ							
			Пиреней чўққиси		Самолёт маркаси		Санъат асари, ёдгорлик				
	Туркия кўли			Олмош	Сулҳ ила иш битиб турганда зинҳор, Тепкидан бошлама, бу кимга даркор.						
				Макка сафари							
	Коинот	Вазн улчови	Ўзбек халқ мақоми							Ҳажвия қахрамони	
	Чин сўзлик										


ГАЗЕТАНИНГ 7-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Бешбармоқ. Умри. Ҳақиқат. Онега. Ош. Рулон. Лири. Роллан. Кий. Сифат. «Ироқ». Сир. Неон. Дина. Лион. Скандий. Пармуда. Қир. Таноб. Ара. Асл. «Тикон». Зеб. Оро. Сатин. Қалқон.
БҮЙИГА: Қуралай. Нишондор. Шоқол. Арқон. Материк. Ор. Горилла. «АН». Опарин. Тон. Қасида. Инн. «Баҳористон». Фидо. Қут. Йилнома. Крап. Содда. Пат. Очко. Ариза. Ракета. Оби.
 Фозилжон **ОРИПОВ** тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



На этой неделе вы сможете улучшить себя. Для этого всего-то потребуется слегка гармонизировать личность, а также развить наблюдательность и интуитивное понимание интересов окружающих и стать чуть-чуть мудрее и терпеливее. Дети могут потребовать от вас внимания и сочувствия.



Наступает благоприятная неделя для творчества и изобретений. Вам необходимо объективно оценить собственные способности и возможности. Постарайтесь поддержать родственников в трудную минуту, если таковая случится. Желательно провести выходные с детьми.




На этой неделе следует заниматься только теми делами, которые уже давно начаты и требуют продолжения. Больше внимания уделите семье. В середине недели нежелательна пассивность, но в то же время необходимо соблюдать осторожность и быть внимательнее в любом деле.



Успокойтесь и не суетитесь — плывите по течению. В нужное время оно вынесет вас туда, куда нужно. Постарайтесь рационально расходовать силы, избегайте перегрузок. Хотя бы краткий отдых вам жизненно необходим. Самое время задуматься об отпуске.




На этой неделе вам по силам решить не только свои проблемы, но и некоторые из тех, что мучают окружающих. Упорство в достижении цели приведет к хорошим результатам. Держите под контролем свои чувства — не давайте выхода агрессии, иначе может произойти непоправимое.



Для успешного движения вперед вам необходимо проявить активность и сосредоточиться. Эта неделя сулит быть достаточно напряженной, но плодотворной. Успех в делах будет проявляться медленно, но основательно и надолго. Это придаст ощущения уверенности в собственных силах.




Первые дни недели благоприятны для дальних поездок, путешествий. Постарайтесь избегать тесного контакта с начальством, официальными лицами. В выходные вам потребуется достаточно много времени, чтобы уладить внезапно возникшую проблему.



По всем признакам, вы на пороге больших перемен. Наступает сложная и ответственная неделя. Некоторые представители этого знака решатся на кардинальную смену внешнего вида. В конце недели лучше взять инициативу в свои руки, принимать решения и доводить начатое до конца.




На этой неделе вас может ожидать важный разговор. Возможны перспективные знакомства. Не позволяйте втянуть себя в конфликтную ситуацию. Вы можете получить некие сведения, которые давно вас интересовали. Ваши просьбы и предложения будут услышаны.



Эта неделя принесет всплеск активности в сфере профессиональной деятельности и творческих исканий. Все будет получаться отлично. Успехи на работе будут заметны ближе к выходным. Несмотря на возможные трудности, не упускайте инициативу из рук.



Не позволяйте пользоваться вашей добротой в корыстных целях. Умейте сказать нет, когда это необходимо. В сложившейся ситуации вам очень помогут гибкость мышления и умение чувствовать собеседника. Не давайте волю чувствам и эмоциям при общении с родственниками.



Наступает светлая полоса в жизни. Из главных задач недели — проявить все ваши незаурядные способности. Для этого вам придется мобилизоваться. Посетите интересную выставку или сходите в театр. Близкие люди могут порадовать неожиданными сюрпризами и радостными новостями.

Табассум

ЁВВОЙИ ЎРДАК

Ресторанда ўтирган жиддий қиёфали жаноб официантдан сўради:
 — Меннингизда ёввойи ўрдак борми?
 — Афсуски йўқ, жаноб. Аммо сиз учун хонаки ўрдақнинг жаҳлини чиқариб беришимиз мумкин...

БАШОРАТЧИ

Икки бизнесмен учрашиб қолди.
 — Мендан қарз экингниг ёдингдами?
 — Ёдингда, ёдингда.
 — Унда қачон қайтарасан?
 — Нима, мен сенга башоратчиман-ми?!

ЖОЙИНИ ТОПДИ

Театр. Танаффусдан сўнг бироз кечиккан томошабинлар қоронғуда ўз жойларини қидиришмоқда.
 — Кечирасиз, залдан чиқиб кетаётганимда сизнинг оёғингизни босиб олганимдими?
 — Ҳа, айнан менинг оёғини!
 — Юравер азизам, шу бизнинг қатор экан...

ТЎҒРИ ЖАВОБ

— Талаба, айтингчи, кимё фани туфайли биз нималарга эришдик?
 — Устоз, «нималарга» эмас, «кимларга»? Биз ола-була сочли йигит ва қизларга эришдик.

ТУШУНТИРИШ

Никоҳдан ўтаётган ёш куёвга руҳоний тушунтирапти:
 — «Шу қизга уйланишга розимсиз» деган саволимга «Розиман» деб жавоб бериш керак, «Нима бўлса бўлди», деб эмас...

САВОЛ-ЖАВОБ

— Ойижон, склероз нима дегани?
 — Бу-ми? Бу... Нимани сўраганинг, ўғлим.
 — Қачон?

ЖАРИМА

Машина бир йўловчини туртиб юбориб, оёғини шикастлади. Судда у ҳайдовчидан келтирилган зарарни қоплаш учун катта миқдорда жарима ундириб беришни сўради.
 — Нима бало, мени миллионер деб ўйлаяпсиз, шекилли? — норози бўлди машина эгаси.
 — Сиз-чи, мени саккизоёқ деб ҳисоблаяпсиз, шекилли?

ХУЛОСА

— Йўқ, йўқ. Пул бахт келтирмайди. Бой одамлар ҳам бахтсиз бўлиши мумкин-ку!
 — Бу тўғри. Аммо нима бўлганда ҳам, ўз шахсий машинагда йиғлаш трамвайда йиғлагандан кўра ёқимлироқ...

С. ПҮЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннеса



21 марта в Великобритании откроется новый аттракцион Царство фараонов. Главной достопримечательностью в нем станет гигантская статуя фараона, выполненная из 200 тыс. деталей конструктора Lego.



500 феррари собрали организаторы одновременно на одном треке, чтобы установить новый мировой рекорд Гиннеса!



Самым маленьким автомобилем, считается Peel P50 — британской компании Peel Engineering. Несмотря на крайне скромные габариты (1,3 м в длину, 1 м в ширину и 1,17 м в высоту) она способна вместить в себя одного взрослого человека.



Новый рекорд Книги рекордов Гиннеса — китаец выпил 1,5 литра молока за 10 секунд.
 Во время первого международного фестиваля молочной промышленности, проходившего в Китае.

АРМИЯ СУЯНЧИ

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ИСМИНИНГ СИФАТИ ЖИСМИГА КЎЧГАН

Бугун миллий армиямиз сафларида ҳаётини мардлар касбига бағишлаган асл фидойи ўғлонлар жавлон уриб хизмат қилаётганини кўриб, кўнгли фахр-ифтихорга тўлади. «Шуҳрат» медали соҳиби, шартнома бўйича хизмат кичик сержант Азамат Ибрагимов ҳам ҳаётини шарафли соҳага бағишлаган Ватанинг ана шундай норларидан биридир.

Истиклолга эришилган, Юртбошимиз раҳбарлигида ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигимизни ҳамда давлат суверенитетимизни мустаҳкам сақлашга қодир, осойишталигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган ҳар қандай хуружларни бартараф эта оладиган қудратли армия барпо этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Олиб борилган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, жанговар сафлар ўз касбининг ҳақиқий фидойилари, усталари бўлган моҳир посбонлар билан бутланди. Бугун сафларда хизмат бурчини ўтаётган ана шундай ўғлонларга қараб «маҳоратда ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам», дея фахр билан айта оламиз.

Лавҳамиз қаҳрамони Азамат ҳарбийликни шараф деб, устувор мақсад деб билди. Соҳага катта умид ва шижоат билан кириб келди. Келажagini, тақдирини ҳамда орзулари рўёбини

айнан ҳарбийликда кўрди. Билдирилган ишонч ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. Айни пайтда профессионаллар камол топадиган сержантлар тайёрлаш мактабида тоғ тайёргарлиги цикли йўриқчиси вазифасида хизмат қилаётган шунқор ҳақида мактаб кўмондонлиги ва сафдошларидан фақат илик сўзлар эшитдик.

— Кичик сержант Ибрагимов нафақат мактаб, балки бутун ҳарбий округимизнинг фахридир, — дейди офицер Анвар Ҳакимов. — У ишончли дўст ва ғамхўр инсон сифатида сафдошларининг ҳам ҳурматида сазовор бўлган. Чунки нафақат хизматда, балки ҳаётда ҳам ҳеч кимдан ёрдамини аямайди. Қўлидан келгунча барчага яхшилик қилади.

— Азаматга ҳавас қиламан, — дейди кичик сержант Шоқир Товбоев. — У ўтказиладиган барча тадбирларда, мусобақаларда фаол. Ҳарбий соҳа сирларини жуда мукаммал ўзлаштирган. Сержантлар тайёрлаш мактабининг икки босқичини муваффақиятли тугаллаган. Ундаги куч-ғай-

рат, бурчга бўлган фидойилик ҳисси, шижоати замирида касбига, юртига бўлган муҳаббати мужассам.

Ҳа, ушбу эътирофдан ҳам кўришиб турибдики, қаҳрамонимиз ўз номига ва мақомига ҳар томонлама муносиб.

— Давлатимизнинг юксак мукофотида муносиб топилишимда кўпчилиكنинг ҳиссаси бор, — дейди кичик сержант. — У мени тарбиялаган ота-онамники, шу даражага етишимда қимматли маслаҳатларини аямаган, йўл-йўриқлар кўрсатган устозларимники, хизмат масъулиятини елкама-елка кўтариб келаётган, оға-инилардек яқин бўлиб қолган ва ҳаминша кўмакка шай турган сафдош дўстларимники, қолаверса, ҳар доим менга маънан суянчиқ бўлиб келаётган турмуш ўртоғимники ҳамдир. Бугун уларнинг барчасидан миннатдорман. Чунки ана шу инсонларнинг ҳар бири қайсидир маънода мени курашишга, ўз устимда ишлашга ва олға интилишга ўргатди. Бу юксак эътибор янада улкан масъулият юклайди. Бундан кейин ҳам касбий маҳоратимни янада ошириб, профессионал посбон номига муносиб бўлиб қолиш учун барча имкониятларимни сафарбар этаман.



Сержантлар тайёрлаш мактабида

БУНДА ШАКЛЛАНАР ПРОФЕССИОНАЛЛАР

Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида: «Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилга, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз?» дейилади. Армиямизнинг таянч устуларини саналган кичик командирлар бундай эътирофга эришишида уларнинг касбий тайёргарликларини ҳар томонлама шакллантирадиган сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўрни катта, албатта.

Ҳа, сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуролли Кучларимиз сафларига юксак малакали кичик командирлар, яъни профессионал посбонлар тайёрлаб бераётган билим масканларидандир. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар сабаб, бугун ҳар бир ҳарбий округда ана шундай мактаблар фаолият юритмоқда.

Уларда таълим-тарбия олаётган курсантлар нафақат ҳарбий, балки кенг ҳаётий билимларини ҳам пухта ўрганишяпти. Бу борада қатор янги фанлар ҳам дастурга киритилган бўлиб, кўзланган мақсад, профессионал посбон ҳар жойда ўз номига муносиб, ҳарбий билимлар билан бирга давлатимиз миқёсида, иқтисодий ва халқ ҳўжалигининг турли тармоқларидаги олиб борилаётган ислохотлар босқичидан ҳам воқиф бўлишига қаратилган демекдир.

— Биз барча қулайликларга эга бўлган иннам ва қулай ўқув хоналарида, замонавий техника ва технология воситалари асосида, кўргазмали қуроллар ҳамда компьютерлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда юксак малакали ўқитувчилардан соҳа сирларини ўрганаёямиз, — дейди Марказий ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактаби курсанти, спортнинг тэквондо ПТФ тури бўйича I ДАН қора белбоғ соҳиби, республика чемпиони, республика тоифасидаги ҳакам Акмал Худоев. — Ушбу мактабда ҳарб илми борасида билим ва малакамни янада ошириб, кейин эса албатта офицерликка ўқиш ниятидаман.

Ҳа, шу пайтгача кўплаб шижоатли ўғлон-

лар таҳсил олиб, соҳа сирларини пухта эгаллаган мазкур билим даргоҳида бугун ҳам машғулотлар қизгин давом этаёпти. Ўқиш муддати узайтирилиб, янги шиклар ташкил этилган посбонлар малакасининг янада мукаммал бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш юзасидан устоз ва мураббийлар тинмай излашишда.

Мана, автомобиллардан фойдаланиш ва бошқариш шиклида. Циклда офицер Александр Зокиров бошлиқ офицер ўқитувчилар Қамариддин Баҳриев, Ботирбек Казаков, Элдор Демурчин ва Сайфиддин Норматовлар томонидан бўлажак кичик командирларга йўл ҳаракати қондалари, турли шароитларда енгил, юк ва зирҳли машиналарни бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш, машиналарнинг техник хусусиятлари ва уларга хизмат кўрсатиш каби билимлар ўргатишмоқда. Курсантларда кўпикмалар мустаҳкам шаклланиши учун сифхоналарга электронлаштирилган кичик макетлар ўрнатилган. Шарғил белтилар ва кўргазмали воситалар сифхона деворида ва макетнинг ўзид ҳам аке эттирилган бўлиб, улар дарс жараёнида машғулот раҳбари томонидан бошқариладиган электрон тизимга эга. Курсантларнинг билим ва кўпикмаларини янада мустаҳкамлаш учун амалий машғулотлар ҳам ўтилади. Жанговар машиналар паркида ва дала-ўқув машғулотлари майдонларида ўтказилаётган тайёргарликлар шулар жумласидан.

— Техник тайёргарликнинг маълум йўналишларини қамраб оладиган мазкур фан хиз-

матдан ташқари ҳолларда ҳам зарур, — дейди курсант Рустам Эргашев. — Шу боис жуда ҳам қизиқиб ўрганаёямиз.

— Ҳарбий хизмат ҳаётимнинг мазмунига айланган, шу боис соҳага меҳрим жуда ҳам баланд, — дейди яна бир курсант Шерзод Толлибоев. — Мактаб менга кўп нарса ўргатди. Ўқиш билан бирга кўплаб дўстлар ҳам орттирдим. Эгаллаган билимларимни амалиётда таъбиқ этиб, тажриба ва малакамни ошираман.

Шерзод қўл жанги ва оғир атлетика билан мунгазам шуғулланиб, бир неча бор ҳарбий округ шарафини муносиб ҳимоя қилган ва қўл жанги бўйича иккинчи разряд соҳиби экан. Таҳсил давомида эса барча тайёргарликлар бўйича бошқаларга ўриак бўлиб келаётгани ҳам мақтовга сазовордир.

Ҳа, бугун бу даргоҳда таҳсил олаётган кўплаб курсантлар ҳақида тўхталиб ўтишимиз мумкин. Жумладан, курсантлар — Икромжон Маликов, Арслонбек Оқбоев, Зоҳид Ҳотамов, Аслидин Бобоқулов, Нурудулло Пиримов, Умид Нишонов, Фаррух Ортинқов, Қобил Жабборов, Рустам Пўлатов, Маъруф Исоқов, Элёр Алимов, Жўрабек Қаландаров, Аҳмедхўжа Аҳмедов, Рашид Мамаатрайимов, Фурқат Сандаҳмедов ва Шуҳрат Мамадиев каби ўғлонлар шулар жумласидан. Улар ишмага интилишяётганини, зиммаларидаги масъулият ҳиссини теран англашди. Бундай посбонларнинг эгаллаган билимларини ўртага хизматда аскарларга ўргатиб, осойишталигимиз, тиричилигимиз барқарорлигини кафолатлаши барчамизни қувонтиради.

В Школах
подготовки сержантов

ПРИМЕР ПОДАЮТ ОТЛИЧНИКИ

В Школе подготовки сержантов Ташкентского военного округа близятся к завершению выпускные экзамены.

Отличие данной Школы подготовки сержантов от родственной состоит в том, что здесь проходит второй курс обучения те младшие сержанты, которые в свое время уже отучились в ШПС военных округов.

Таким образом, для второго курса обучения направляются самые лучшие младшие командиры и специалисты, отобранные квалификационными комиссиями в военных округах.

В связи с этим и в процессе обучения эти военнослужащие проявляют огромное стремление максимально качественно освоить учебный материал. Поэтому закономерно, что на выпускных экзаменах курсантами демонстрируются высокие знания и навыки. За все дни выпускных экзаменов они подвергаются проверке знаний по методике воспитательной работы, Общевоинским уставам Вооруженных Сил, строевой, физической и тактической подготовке, навыкам по ведению огня из стрелкового оружия и вождению боевых машин.

— Среди тех, кто на отличные оценки сдал все экзамены, члены экзаменационной комиссии в первую очередь отметили младших сержантов Бобура Рахмонова, Авазжона Ачилова, Акмалю Соткулова и Гайратжона Журамуратова, — говорит майор Абдувоҳид Бозоров. — Эти военнослужащие своим примером воодушевили товарищей по учебе, создав в подразделении атмосферу здорового соперничества.

Специалист подразделения ПВО Сухопутных войск младший сержант Акмалю Соткулов с особым удовольствием продемонстрировал членам экзаменационной комиссии свое умение в боевой работе.

Младшему сержанту Авазжону Ачилову тактику действий пограничных войск уже приходилось применять на практике в процессе охраны Государственной границы. Новые знания и навыки, приобретенные здесь, оттого и были отмечены высшим баллом.

Заместителю командира мотострелковой группы младшему сержанту Бобуру Рахмонову тоже доводилось своим личным примером увлекать подчиненных и на огневом рубеже. Поэтому в ходе выполнения упражнения контрольных стрельб из автомата он заработал твердую «пятерку».



Саҳифани майор Аблай КАМАЛОВ, катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ ва Баҳром АБДУРАХИМОВЛАР (фото) тайёрлади.

ASKAR

MAQSADI — HARBIY KASB EGASI BO'LISH



Madat umumta'lim maktabida ta'lim olgach, Buxoro shahridagi ximiya-biologiya fani yo'nalishidagi akademik litseyda tahsilni davom ettirdi. Ushbu o'quv dargohida o'g'lon o'z qiziqishlari borasidagi nazariy bilimlarni egallab, ularni amaliy jihatdan ham mustahkamlab bordi. Litseyni tamomlaganidan so'ng esa barcha tengdoshlari qatori muddatli harbiy xizmatga chaqirildi. Ayni kunlarda u to'pchilar qismida o'z yigitlik burchini o'tamoqda. Oddiy askar Madat Ashurovning vazifasi — aloqachi. Unga qo'yilgan talab, aloqani sifatli ta'minlash.

O'tgan yilning kuzgi chaqiruvida Qurolli Kuchlar saflariga qo'shilgan o'g'lon armiyada o'tkazgan

qisqa vaqt ichida ko'p narsani o'rgandi. Bu haqda uning o'zi shunday deydi:

— Xizmatim davomida harbiylik kasbiga bo'lgan ixlosim borgan sari ortayapti. To'g'risini aytсам, ilgari bu haqda o'ylab ko'rmagan ekanman. Endi esa, ushbu sharafli va mas'uliyatli kasb egasi bo'lish istagi asosiy maqsadimga aylanmoqda.

Bugungi kun harbiy xizmatchisiga qo'yilayotgan yuksak talablardan xabardor oddiy askar Madat Ashurov Vatan himoyachisi degan nomga munosib bo'lishga intilmoqda. Aniqrog'i, muddatli harbiy xizmat davrida a'lochilar safidan joy ololmagan posbon komandirlarining ishonchini qozona olmasligi, o'z mutaxassisligi bo'yicha chuqur bilim va ko'nikmaga ega bo'lmagan askarning shartnoma asosida xizmatni davom ettira olmasligini allaqachon tushunib yetgan. Masalan, barcha sinov mashg'ulotlarida doim yuqori natijalarni ko'rsatayapti. Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik borasida ham jiddiy shug'ullangan o'g'lon ilg'orlar qatoridan joy oldi.

— Askarlarning har tomonlama chiniqishida sinov mashg'ulotlarining o'rni beqiyos, — deydi u. — Chunki mashg'ulot davomida muayyan vaqt oralig'ida egallagan bilim va ko'nikmalarimiz sinovdan o'tadi. Astoydil qilingan mehnat bunda o'z samarasini beradi.

Posbon bo'sh vaqtlarida qism kutubxonasidagi gazeta va jurnallar orqali yurtimiz ijtimoiy hayotiga oid yangilik va ma'lumotlardan xabardor bo'layotgan bo'lsa, o'z qiziqishlariga monand kitoblar orqali esa jahon va o'zbek adabiyoti durdonalaridan voqif bo'layapti.

Qurolli Kuchlarimiz nufuzining tobora yuksalishi harbiylikning kasb sifatidagi obro'yini yanada oshirmoqda. Demak, oddiy askar Madat Ashurov singari ushbu kasbga hayotini bag'ishlamog'chi bo'lgan, professional harbiy xizmatchi bo'lishni xohlovchilar safi kengayaveradi.

Lola TURSUNBOYEVA.
Ahror OCHILOV suratga olgan.

YANGI MARRALAR SARI

Yoshlar — millat davomchilari, ertangi kun egalari. Shu bois ham ota-bobolarimiz farzandlarini bolalikdan ilmu hunar o'rganishga, yurt qayg'usi bilan yashashga, hech kimdan kam bo'lmaslikka o'rgatib keladi.

Yurtboshimiz ma'ruzalaridan birida shunday so'zlar bor: «Barchamizga ma'lumki, har qaysi davlat, har qaysi millat avvalo o'z farzandlari qiyofasida, unib-o'sib kelayotgan yosh avlod timsolida shu xalqqa xos xususiyat va fazilatlarini namoyon etadigan, uning azaliy orzu intilishlarini ro'yobga chiqaradigan buyuk kuchni ko'radi».

Hozirgi vaqtda Qurolli Kuchlarimiz safida yigitlik burchini ado etayotgan Anvar Abduvaliyev ham ana shunday yoshlardan. Vatanimiz sarhadlari daxlsizligini qo'riqlash, muqaddas zaminimiz osoyishtaligini ta'minlashdek sharafli ishga mas'ul posbonlar ichida qahramonimizning ham munosib o'rni bor.

— Nevaramning ajdodlarimiz an'alariga amal qilib, Vatanimizning eng dovyurak posbonlari safida ekanidan juda juda xursandman. Axir bejizga: «Er yigit musofirchilikda, safarda va askarlikda sinaladi, toblanadi. Bu davrda oladigan saboqlari va tajribasi unga bir umr asqotadi», deb aytishmagan, — deydi oddiy askar Abduvaliyevning buvisi Nafisaxon aya.

Darhaqiqat, yigit kishining har tomonlama barkamol, bilimli, el-yurt manfaatlarini har narsadan ustun qo'yuvchi inson sifatida shakllanishida armiyaning roli, ahamiyati katta.

Anvar ham shu narsani chuqur anglagan bo'is O'zbekiston davlat jahon tillari universitetini bitirib, mudofaa ishlari bo'limiga murojaat qildi. Sinovlardan muvaffaqiyatli o'tgan yigit askar bo'ldi.

— O'g'limning har bir yutug'i meni quvontiradi, ko'ksimni faxru g'urur tuyg'usiga to'ldiradi. Xizmat mobaynida uning eng ilg'or posbonlar safida bo'lishi, Vatanimiz ishongan shunqor bo'lib kamol topishini istayman. O'ylaymanki, hayot maktabida oladigan bilimlari uning yanada ulg'ayishiga xizmat qiladi.

Hozirgi vaqtda Qurolli Kuchlarimiz safida konstitutsiyaviy burchini o'tayotgan o'g'lon zimmasidagi vazifani sidqidildan ado etishga, komandirlari buyruqlarini so'zsiz bajarishga harakat qilib kelmoqda. Jangovar, ijtimoiy siyosiy va jismoniy tayyorgarlikka oid bilimlarni qunt bilan o'zlashtirayotgan posbon safdoshlariga o'rnak bo'lmoqda. Qism miqyosida tashkillashtiriladigan turli musobaqalar va tadbirlarda yetakchilikni qo'lga olib biladigan qahramonimiz komandirlar nazariga tushgan.

— Armiyada ko'p narsani o'rgandim. Bu yerda Vatanimiz tinchligini asrash, osmonimiz musaffoligini ta'minlashni shunchaki burch emas, faxr deb biladigan insonlarni ko'rdim va bu menda sharafli sohaga nisbatan muhabbat uyg'otdi, — deydi oddiy askar.

Mansur Sobirqulov.

FARZANDIMDAN KO'NGLIM TO'Q

Yurt tayanchi... Men Qurolli Kuchlarimiz safida mardonavor xizmat qilayotgan, zimmalaridagi muqaddas va mas'uliyatli vazifani sharafla bilan ado etayotgan, mamlakat tinchligi, chegaralarimiz daxlsizligini ta'minlash yo'lida sergaklikni qo'ldan bermay kelayotgan mard, fidoyi posbonlarimizga nisbatan shunday degim keladi. Zotan, mamlakatimizning bugungi taraqqiyoti, qo'lga kiritayotgan ulkan yutuqlari zamirida sharafli soha vakillarining ham hissasi katta.

Bugun shuni mamnuniyat bilan ta'kidlay olamizki, milliy armiyamiz tom ma'noda millatimiz, xalqimizning g'ururi, ramziga aylandi. Bu hozirda Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilishni maqsad qilgan ko'plab yoshlarimizning orzu-maqsadlarida ham namoyon bo'lmoqda. Navqiron avlod el koriga kamarbasta, yurt tinchligi yo'lida qalqon bo'lishni orzu qilar ekan, biz — ota-onalar quvonmay, kim ham quvonsin?!

Shu so'zlarni yozayapmanu, qalbmida cheksiz faxru iftixor jo'sh urayotir. Bunga sabab o'g'lim Shuhrat Erxonovning ana shunday posbonlar qatorida o'z yigitlik burchini sharafla bilan o'tayotganligidir.

U bolaligidan sportga, harbiylikka muhabbat bilan ulg'aygan. Shu bois darstardan bo'sh vaqtini mahallamizdagi sport to'garagida o'tkazardi. Bu yerdagi mashg'ulotlar uning jismonan kamol topishida muhim ahamiyat kasb etdi. Tog'asi ofitser Sa'dulla Ubaydullayevdan soha bo'yicha ma'lumotlar oldi. Xullas, sinovlardan muvaffaqiyatli o'tdi.

O'g'limdan tez-tez xat olib turamiz. Maktublari orqali uning erishayotgan yutuqlari, armiyadagi do'stlari haqida bilamiz. Belgilangan me'yorlarni bajarganligi uchun «Harbiy sportchi» ko'krak nishoni bilan taqdirlangani to'g'risida yozgan edi. Bundan juda xursand bo'lgandim. Yaqinda uni ko'rgani bordik. Ancha chiniqibdi, polvon yigit bo'libdi. Fikrlari o'zgargan, harakatlarida qat'iylik sezib turibdi.

Shuhrat hademay muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o'tab bo'ladi. Shundan so'ng shartnoma asosida Qurolli Kuchlarimiz safida xizmatga qolish istagida. O'ylaymanki, bunda unga armiyada olgan saboqlari, bilim va ko'nikmalari katta yordam beradi.

Shavkat ERXONOV,
askar otasi.

OLG'A INTILAYOTGAN POSBON



Bugungi posbonning dunyoqarishi keng, ham ruhan, ham jismonan yetuk, salohiyati yuksak. Oddiy askar Farruh Eshmatov ana shundaylardan biri. U Jizzax viloyati, Jizzax shahri mudofaa ishlari bo'limi tomonidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilgan. Hozirda to'pchilar divizionida namunalik xizmat qilib kelmoqda. Shunisi aniqki, Vatan himoyachisi bo'lish uning bolalik orzusi edi. Balki bunga otasi Ziyodulla aka sababchi bo'lgandir? Chunki farzand tarbiyasida, ularning kelajakda biror bir kasbga mehr qo'yishida ko'p hollarda ota-onaning hissasi katta bo'ladi. Gap nimadalgini anglagandirsiz. Ha, posbonning otasi Ziyodulla aka ham harbiy sohaga o'z umrini bag'ishlaganlardan, ya'ni ofitser! Muddatli harbiy xizmat posbon yigitning bolalik orzulari ushahididagi dastlabki qadam bo'ldi. Bundan ota-onaning boshi ko'kka yetdi. Axir quvonmay bo'ladimi, bugun farzandlari yurt yukiga yelka tutadigan yoshga yetdi. Ota-ona uchun farzand kamolini ko'rishning o'zi bir baxt. Gulchehra opa va Ziyodulla aka o'g'illarini harbiy xizmatga kuzatayotib ana shu baxt sururini his qilishdi...

Farruh xizmat davomida namunalik xulqi, tirishqoqligi, o'tkir zehni bilan komandirlari e'tiborini tortdi. Ko'p o'tmay harbiy jamoada eng ilg'or posbonlar qatorida tilga olina boshladi.

— Oddiy askar Eshmatov guruhimdagi ilg'orlardan biri, — deydi guruh komandiri katta leytenant Shavkat Zokirov. — Ijtimoiy-siyosiy va jangovar hamda jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarida hamisha oldingi safda bo'lib, safdoshlariga o'rnak bo'lmoqda. Shuningdek, soha sir-asrorlarini mukammal egallagan posbon taktik mashqlarda o'z mahorati bilan taqdirlandi.

Yurtiga, xalqiga mehri baland posbon xizmat burchini chin yurakdan o'tab, o'zini har jabhada ko'rsata olishi sir emas. Farruhning mana shunday posbonlar sirasidan ekanligini yzvod komandiri kapitan Shuhrat Jumayev ham alohida ta'kidlab o'tdi.

Darhaqiqat, bo'ladigan bola boshidan ma'lum deganlaridek, Farruhning o'z vazifasiga mas'uliyat bilan yondashishi, fidoyiligi, mashg'ulotlar jarayonidagi faolligi, g'ayratli posbonni a'lochilar safiga qo'shdi, desak yangilashmaymiz. Shu bois «Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik a'lochisi», ko'krak nishoni bilan taqdirlandi.

Oddiy askar bilan suhbatlashish davomida uning sportga bo'lgan qiziqishini bilib oldik. Armiyaga qadar kasb-hunar kollejida tahsil olgan Farruh, bir necha bor kollejlarda o'tkazilgan musobaqalarda sportning muayyan turi bo'yicha qatnashib, yuqori o'rinlarni qo'lga kiritgan ekan. Xizmat mobaynida ham qism miqyosida o'tkazilgan musobaqalarda faol ishtirok etib, yuqori marralarga erishgan.

— Armiya hayoti menga juda manzur bo'layapti, — deydi oddiy askar Eshmatov. — Tajribali ofitser va serjantlardan harbiy soha sir-asrorlarini puxta o'zlashtirib, haqiqiy yurt posboni bo'lishga harakat qilayapman. Eng asosiysi, o'zimga ishonchim ortdi. Bilimimiz, dunyoqarashimiz o'sishida ijtimoiy-siyosiy mashg'ulotlarning o'rni katta bo'lmoqda. Jismonan chiniqishimiz uchun sport maydonchalari doimo shay. Bunday sharoitda har qanday posbon albatta o'zidagi bor imkoniyatlarni yuzaga chiqara oladi.

Oddiy askar Eshmatov bo'sh vaqtlarida kutubxonadan ham unumli foydalanmoqda. U shu kunlarda bilimni yanada oshirishga katta e'tibor qaratgan. Chunki muddatli harbiy xizmatni tugatib, Toshkent oliy umumqo'shin qo'mondonlik bilim yurtiga o'qishga kirishni o'z oldiga asosiy maqsad qilib qo'yygan.

Izlagan imkon topadi, deyishadi. Ishonchimiz komilki, lavhamiz qahramoni ham o'z oldiga qo'yyan maqsadiga erishib, Qurolli Kuchlarimiz safida ofitser sifatida yurt himoyasi yo'lida xizmat qiladi.

Gulnora HOJIMURODOVA.
Ahror OCHILOV suratga olgan.

ЁШЛАР

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

МАҚСАДИДА ҚАТЪИЙЛИК БОР

Ёш офицер Содиқ Ҳамдамов ёшлигидан ҳарбий бўлишни, юрт ҳимоясидек ўта масъулиятли ва шарафли касбда камол топишни орзу қилган. Бугун у ўз пиятига эришди, яъни Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлаб, офицерлик фаолиятини гуруҳ командири вазифасида муваффақиятли бошлади.

– Лейтенант Ҳамдамов хизматининг илк кунлариданоқ тиришқоқ, изланувчан офицер сифатида яхши таассурот қолдирди, – дейди офицер Акмал Ошиқов. – Қўл остидаги посбонларнинг жанговар ҳамда ижтимоий тайёргарликларда фаол эканликлари, командирнинг моҳир етакчи эканлигини кўрсатади.

Андижон вилоятининг Бўз туманида туғилиб ўсган ўғлон қалбида маҳалладоши офицер Азиз Абдурахимов туфайли ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавас уйғонди. Билим юртига ҳужжат топширган Содиқ курсантлик мақомига эришди. Устозлардан билимларни пухта ўрганиб, халқимиз тинч-осуда ҳаётини таъминлаш йўлида муносиб хизмат қиладиган офицер бўлиб етишди.

Шухрат Усмонов, Алипошшо Аҳмедов, Шухрат Қамбаров каби устоз офицерлардан олган билим ва кўникмалари Содиққа хизмати давомида жуда асқотмоқда. Шунингдек, ёш офицер сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, профессионалик сари интилаётган кичик командирларга таянмоқда. Буларнинг барчаси бугун самара бермоқда.

– Лейтенант Ҳамдамов, – дейди офицер Акмал Ортиқов, – сабоқ берган аскарлар ҳар томонлама шаклланиб, соҳалмнин пухта ўзлаштириб, ватанпарварлик руҳида камол топишларига ишончим комил. Содиқ спортнинг енгил атлетика, футбол, волейбол каби турлари билан ҳам мунтазам шуғулланади. У енгил атлетика бўйича бир неча марта мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган. Шу бонс жисмоний тайёргарликда эришган ютуқлари учун «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонин билан тақдирланди. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари давомида қўл остидаги посбонларга юртимиз тарихи, Қуролли Кучларимиз ҳақида, буюк саркардаларимиз, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар тўғрисида маълумотлар бериб, уларнинг қалбида она юртга, миллий қадриятларимизга, аждодларга нисбатан фахр-ифтихор туйғусини шакллантириб келмоқда.

– Ёш офицерлар йиғинида бўлдик.



Унда билим юртида олган билимларимизни амалий машғулотлар билан янада муस्ताҳкамладим. Йиғин давомида саф, ўқ отиш, тактика, муҳандислик, техник, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликлар, шахсий таркиб билан ишлаш бўйича малакали офицерлардан сабоқлар олдик. Биздан талаб қилинадиганини сидқидилдан хизмат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш, аскарларни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Олдий аскарлардан – Миртемир Каримов, Шерзод Сулаймонов, Улуғбек Эргашев кабилар ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик машғулотларида сафдошларига намуна, – дейди у биз билан суҳбатда.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар сафлари мана шундай билимли, мард ва жасур ўғлонлар билан муस्ताҳкамлангани Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигининг кафолатидир.

Нозим АХРОРОВ.
Муаллиф суратга олган.

КЕЧА АСКАР – БУГУН КУРСАНТ

«Армия ҳар бир давлат, ҳар бир миллатнинг гурури, ор-номуси ва шон-шавкатидир», – деган эди Юртбошимиз маърузаларидан бирида. Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган, ҳаётини, бор билими ва истеъдодини Ватан тинчлигини сақлашдек шарафли ишга бахшида этган ҳар бир ўғлон бу сўзларнинг моҳиятини чуқур англайди, юрак-юракдан ҳис қилади.

Бугунги кунда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида таҳсил олаётган курсант Нурали Қудратов ҳам эл қорига камарбаста бўлишга аҳд қилганлардан.

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида ўсиб-улгайган азамат ўғлон болалигидан шарафли соҳага ҳавас билан катта бўлди. Эгнига ҳарбий либос кийиш, эл ардоқлаган, эъозлаган посбонларга ўхшаш болаликдаги энг улкан орзуси эди. Унда бу истакнинг шаклланишида муҳдатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб қайтган акалари, қариндошларининг таъсири катта бўлган, албатта. Улардан хизмат даври тўғрисидаги қизиқарли хотираларни эшитган, Қуролли Кучларимизда амалга оширилган янгиланишлар, кенг кўламли ислохотлар, аскарларга берилаётган имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлган, армия йиғит кишининг том маънода шаклланишида катта ўрин тутишига амин бўлган қаҳрамонимиз кўнглида Ватан ҳимоячиси бўлиш иштиёқи пайдо бўлди.

Мактабни тамомлаш арафасида Нурали қатъий қарорга келиб улгурган эди. Мактабда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчисидан бугунги кунда муҳдатли ҳарбий хизматга бориш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлигини билиб олган йиғит дарслардан сўнг билимларини бойитишга ва спорт машғулотларида чинқиришга одатланган эди. Айни шу нарса унинг белгиланган таълим шартларидан муваффақиятли ўтиб, муҳдатли ҳарбий

хизматга муносиб топилишида катта аҳамият касб этди.

Армия ўғлонининг ҳаётида туб бурилиш ясади. Билимлари янада бойиди, дунёқараши кенгайди, жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарлик машғулотлари давомида кўп нарсаларни ўрганди.

– Армиядаги устоз офицерларга ҳавасим келарди. Уларга ўхшаб юртни ҳимоя қилсам, дердим. Ана шу ҳавас муҳдатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганимдан сўнг мени Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти сари етаклади, – дейди курсант биз билан суҳбатда.

– Тўрт ўғил, бир қизим бор, – дейди қаҳрамонимизнинг отаси Абдухалил Қудратов. – Фарзандларимдан мамнунман. Ўғилларимнинг бари эр йиғитнинг зиммасидаги муқалдас бурч ҳисобланмиш муҳдатли ҳарбий хизматни ўташган. Кенжам Нурали армиядан қайтгач, ҳаётини ҳарбийлик билан боғламоқчи эканини айтганида жуда қувонган эдим. Ниҳоятга етиб, курсант деган шарафли номга муяссар бўлди. Умид қиламанки, келгусида у Ватанимиз ишонган, халқимиз ардоқлаган офицер бўлиб етишсади.

Ҳали биринчи курсда таҳсил олаётган курсант Нурали Қудратовнинг режалари, мақсадлари улкан. Қатъиятли йиғитнинг орзулари амалга ошишига ишониб қоламиз.

Салоҳиддин КОМИЛ ўғли.

ИШОНЧНИ ОҚЛАГИН, ЎҒЛИМ

Фарзид – кўнглилар сурури, қувончи. Унинг кулгуси янграган хонадан борки, бахтдан сармаст, шод-халдон. Чулки у наслимиз давомчиси, уйимизнинг чирогини ўчирмайдиган чароғбонимиздир.

Мен бахтли оналарданман, десам хато қилмайман. Чулки ўғлим Элёр Отабоев эр йиғитга ярашадиган, барча ҳавас қиладиган шарафли касбни ташлади. Болалигидан Ватан ҳимоячиси бўлиш, эгнига ҳарбий либос кийишни орзу қиладиган ўғлоним бу ниятини рўёбга чиқариш учун тинмай изланди, ўқиди. Спорт билан ҳам жиддий шуғулланди. Бу борда унга отаси, акалари яқин кўмакчи, маслаҳатчи бўлдилар. Тест топширадиган кун бугун она аъзоларимиз ҳаяжонланганимиз, ундан хушхабарини эшитганимизни хурсандчилигимизни бугун ширин хотира. Астойдил қилинган ҳар бир ният, ҳаракат, излавиш ўз натижасини бермай қўймак экан.

Бугун у олий ҳарбий билим юртининг би-

ринчи курсида таҳсил олаётди. Элёрнинг тантанали Ҳарбий қасамд қабул қилиш маросимига борганимизда уни ўзига ярашган ҳарбий либосда, ўктам ва мағрур қиёфада кўриб тўлқинланиб кетдим. Кўнглимда чексиз ифтихор жўш урди.

Фарзандимнинг ёзган мактубларини ўқиш мароқли. У билим юртида қандай таҳсил олаётгани, яратиб беришган шарт-шароит ва имкониятлар, улкан эътибор ва гамхўрлик ҳақида жўшиб ёзди. Мактубларини ўқиб юртимизда Ватан ҳимоячиларининг том маънода профессионал, шарафли касбининг асл эгалари бўлиб етишларини йўлида кўп ишлар амалга оширилаётганидан хабардор бўламан.

Умид қиламанки, ўғлим Элёрбек ҳам ўзига бийдратган ишончви оқлайди ва моҳир командир бўлиб камол топади.

Обида ОТАБОЕВА,
курсант онаси.

Абитуриент – 2009

ҲАР ДИЛДА ЮРТ ИШҚИ

Қуролли Кучларимизда олиб борилган туб ислохотлардан бугун юртдошларимиз яхши хабардор. Профессонал асосда шаклландган миллий армиямизда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар бўлмоқда. Ёшларимизнинг шарафли касбга бўлган қизиқишларини йилдан-йилга ўсиб бораётган абитуриентлар сонидан ҳам билиш мумкин.

Ҳарбий қурилишнинг барча соҳаларида бўлганидек, таълимга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячилари кунин муносибати билан йўлаган Мухожиратда шундай дейилади: «Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узқин кўра оладиган офицер кадрларини тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-ишқини марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятнинг моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланиши даркор». Бу фикрлар замирида Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада юксалтиришдек улкан мақсад ва вазифалар мужассам.

Олий ҳарбий таълим, умуман ҳарбий таълим тизимидаги изчил ислохотлар самараси мамлакатимиз ёшларининг орзу-истакларида тобора яқинроқ намоён бўлмоқда. Улар орасида шарафли касб эгаси бўлишни истовчилар сони ошиб бормоқда. Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ҳам олий ҳарбий таълим муассасаларига кириб ўқиётганлар, ўқиш истагида бўлган ёшлар ортиб борапти.

Гулора опа Маткаримова уч фарзандининг онаси. Опанинг икки ўғли иқтисодчи. Акалар кичик укаларини ҳам бу касбга қизиқтиришди. Зафарбекнинг қизини ва орзуларини онлада ҳаммадан ҳам кўпроқ онаси биларди. Кенжа ўғил офицер бўлишни орзу қиларди.

– Ҳарбий касб эгаларида одамни ўзига тортадиган айланима бўлади-да, – дейди Гулора опа биз билан суҳбатда. – Ўғлимнинг ҳарбий бўлиш ҳақидаги орзуларини тинглаб туриб ич-ичимдан қувондим. Чулки улардан ҳеч бўлмаса битталарининг ҳарбий бўлишини пивҳона орзу қилардим. Катта фарзандларим ўз севган соҳаларини ташладди. Зафарбек акаларидан фарқли равишда офицер бўлишни мақсад қиларди. Ҳатто, унга бийдрмасдан вилоят мудофаа ишлари бошқармасига келиб, билим юртлари ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилдим. Бошқармада билим юртлари фаолияти, уларда тайёрланган мутахассислар, йўналишлари ҳақида маълумот берадиган бурчак мавжуд бўлиб, ундаги раиғ-баранг фотосуратлар улар фаолиятини янада ёрқинроқ тасаввур этиш имконини беради. Бу ердан бир дунё умидларга тўлиб қайтдим. Бу ҳақида тезроқ ўғлим билан ўртоқлашсин истар эдим-да. Уйга келиб унга таассуротларимни қандай етказишни билсмай қолдим. Чулки бу ишни ўғлимга бийдрмасдан қилганим. Унинг ўзи коллежда ўтказилган тадбир ҳақида таъриб қолди ва ўз-ўзидан она-бола иккимизнинг гапимиз қовушиб кетди. Мен унга мудофаа ишлари бошқармасидан билиб келган маълумотларимни айта бошлаганимда Зафарбекнинг юзи қувончдан янаям ёришиб кетди. «Онаю, булар ҳақида мен аллақачонлар билганиман, аммо сизнинг ҳам астойдил қизиқганингиз мени жуда хурсанд қилди», – деди. Ҳозир отаси, акалари – ҳаммамиз уни имкон қадар қўллашга ҳаракат қилганимиз. У бизнинг қўллаб-қувватлашимиздан руҳланишини жуда яхши биламан.

Ҳа, бугун оналар ҳам фарзандларини шарафли касб эгаси бўлишига ундамоқдалар. Фарзандининг орзусини ўз орзулари каби

қадрлаш, унинг ёруғ умид-нигиллишлари билан яшаш миллат оналарига хос фазилатдир.

– Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан, – дейди Бекпўлат Қурбанов. – Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти ҳақида эшитиб, ўқиб, телевидение орқали кузатиб кайфиятим кўтарилиб кетади. Хаёлан шу билим юртида ўқиб юргандек бўламан. Жанговар машиналар, ҳарбий кишинларнинг ўзларини тутишлари, армия ҳаётининг ўзига хослиги болаликдан мени оҳанрабодек тортиб келади. Мен офицер бўлишга қатъий аҳд қилганман. Бу йўлда ҳар қандай қийинчиликларни ентиб ўтишга тайёрман.

Бугунги кунда воҳанинг кўпшаб ёшлари мамлакатимиз олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олмақдалар. Бу борада Шовот тумани ёшларининг ютуғи алоҳида таҳсинга лойиқ. Айни кунда билим юртларида таҳсил олаётган воҳа ёшларининг катта қисминини шу туман йиғитлари ташкил қилади.

– Офицер бўлиш истагида бўлганлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда, – дейди туман мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғи подполковник Исмонил Казаков. – Нафақат йиғитлар, балки уларнинг ота-оналари ҳам бўлиминизга келиб, билим юртлари ҳақида янада тўлиқроқ маълумотлар беришимизни сўрашади. Ҳалигдан билим юртига кириб ўқиш истагида бўлган ёшлар талайгина. Бунда курсантларнинг қишқи таътилда ўзлари таҳсил олган таълим даргоҳларида ўтказган учрашувлари ҳам муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Ватан ҳимояси азал-азалдан муқалдас бурч саналиб келинади. Бугун шунинг ишонч билан айта оламизки, юртимиз ёшлари учун ҳарбий хизмат том маънода шон-шараф ишига айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимиз орзу қиладиган касблардан бирига айланди.

Инобат НОДИРШОҶОВА.

АДАБИЁТ

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

(Тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

11

Хоқон тарихини ёзиб ўлтирган Бойимхондан шаман сўради. Не ёзурсен, ошно айла, билайлук...

Ул ўқиди: «Хоқон Ўтрорни қамал айлади...»

— Тўхта, — деди шаман, — қуруқдан-қуруқ хоқон дема. Мартабасини улуғлаб ёз. Яъники, хони аъзам Чингизхонни муаззам.

Бойимхон аламини ичга ютиб шаманнинг айтганини ёзди ва ўқий бошлади. Шаман уни ҳар жумлада тўхтатар, ундоқ ёз, бундоқ ёз, деб тихирлик қилар, Бойимхоннинг тепа сочи тикка бўлар, бироқ секинлик ва оғирлик билан бўлса-да, қалами оппоқ қоғоз бетини қоралаб борарди...

12

Ис олмақ умидида уч юз суворийсини Қутку Қамишли деган паналикка жўнатган, ўзи улардан анча орқада, ўнг ва сўлга кўз-қулоқ бўлганча қўшинини тинимсиз олдинга бошлаб бормоқда эди.

Қўёш тиккага келганида қўшин ҳордиққа тўхтади. Қуткунинг кўнгли бесаранжом эди. Худди кўнги қора булут қоплагани каби дилини оғир хавотир эггаллаб олмақда эди.

Кўпни кўрган нўённинг ташвиши беساب эмас эди.

Қутку қумга чиққан кунийёқ Ёвбосар бундан хабар топган, иложи борича мўғулларни ичкари киритиб, чарчатиб, сўнг туйқус хужумга ўтмоқчи эди, бугун ёғий илғори уларнинг исканжа-сига таъди.

Ёвбосар ва Ўтбосар йиғитлари ёвни уч томони баланд барханлар билан ўралган пасқамликда дафатан босиб бир ёқдан қирабошлади. Бош устида ўйнаётган қиличлар, қонсиратган найзаларга дош беролмаган мўғулларнинг мардлари ўлиб, ўлимдан кўрққанлари таслим бўлди.

Ўлжаларни қўлга олган йиғитлар тезда уфққа сингиб кўздан ғойиб бўлишди.

13

Улуғ шикорга кўпдан кўрилатган тайёргарлик ниҳоят охирига етди. Хоқоннинг Жўжидан бошқа ўғиллари — Чигатой, Ўктой ва Тўлухон ота хузурига етиб келишди.

Жўжи бетоб эмиш... Хоқон бунга ичиди ишонмади. Текшириб кўришни кўнглига тугди. Хафалигини ўғилларига сездирамди.

Бурғу ва карнайлар чалинди, улуғ шикор бошланди.

Олдинда хоқон, бу йил олтимишга тўлган бўлса-да, от устида салобатли ва сервикор кўринар, ёнида ўғиллари, орқада нўёнлар ва саркардалари, аскарлари — буларнинг бари четдан қараган одамга қўшин худди савашга бораётгандай туюлиши табиий эди. Хоқонни билганлар бунга ажабланишмас. Овга хоқон ҳаммаша дабдаба билан чиқар, шикор тартиб ва қондаларига қаттиқ рноя этар, ўзини гўё ҳарб майдониде деб билару «ёвни доғда қолдириш йўлларини қидириб топарди. Ҳарбдан бунинг фарқи шу эдики, шикорда иложи борича қон тўкилмасди, ўлжани тириклай қўлга олиш топқирлик белгиси саналарди.

Шикорга хоқон яна битта русум киритган, яъни аркони давлат — ҳар қайси нўён, саркарда ва амалдор қўлга киритган ўлжасига ўз тамғасини босади. Сўнг уни қўйиб юборади. Ўлжа энди ўшал амалдор (нўён ва саркарда)нинг хусусий бойлиги ҳисобланади ва унга бировнинг дахли йўқ. Қум ва саҳроларда фалон аённинг фалонча кийиғи, тустовуғи, шери, қоллони ва ҳоказо жонлиғи бор деб ҳисоб-китоб юритилади.

Бу гал кимнинг бисотиға қанча жонлиқ қўшилар — буни ҳар кимнинг омади, топқирлиғи билар.

14

Ўрдақ, ғозлар учиб боради, кийиклар қочиб боради. Отлар туёғидан қум зарралари ҳар ён сачрайди. Қочаётганларини қувлаётганларга аввал ўнгдан, кейин сўлдан овчилар келиб қўшилади.

Уч тарафи бекилганини кўрган кийиклар олд томон очиқлигидан умидвор бўлиб, жон ҳовучлаб олиб боради. Баногоҳ олда ҳам жонли девор пайдо бўлади. Беш юз-олти юздан ортиқ кийик қуршовда қолади.

Тўрт томондан бирваракайига қулоч-қулоч тўрлар уларнинг устига ташланади. Бечора кийиклар типирчилайди. Тўрни узиб қочмоқчи бўлишади. Уринишгани сайин тўр уларни ўраб-чирмаб олаберилади.

Кийикларнинг қора кўзлари олаяди. Ҳаётдан умид узишади. Шунда уларни битта-битта тўрдан чиқариб олишади.

ҲИКМАТЛАР

Ҳар ишдаким инсон кўрсатур ҳиммат,
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.

Сатдий Шерозий

Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.

Абу Шукур Балхий

Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида
акс этади.

Арасту

Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидур,
Уларнинг ичидаги энг ялқови пасткашидир.

Маҳмуд аз-Замахшарий

Ҳар кимнинг сая-ҳаракатига яраша улуш ажратиб берилади. Сўнг кийикларга тамға босиб қўйиб юборишади. Кийикларнинг ола-қула кўзлари яна қораяди. Шаҳлоликлар аввалгисидан ҳам ошади.

Озод кийиклар диркиллаб-диркиллаб ҳар ён-ҳар ён қочиб кетишади.

Орқаларидан баланд ва шўх қулгулар янграйди. Хо-хо-хо!

15

Тун чўккач, баланд барханлар ораллиғидаги қўл бўйига чодирлар қурилади. Машғалалар ёқилиб, олдиндан тахлаб қўйилган саксовуллар уюмига ўт қаланади. У аста-аста ёниб, бир-бир олов тиллари чиқа бошлар. Тиллар ўзларидан учқунлар сачратар. Олов кўкка ўрлайберилади.

Гулхан атрофида гиламлар тўшалди, уларнинг устига қават-қават кўрпачалар, болишлар қўйилади.

Оловга қўйилган қумғонлар вақир-вақир қайнай бошлади. Улкан қумғонларда шўрвалар биқирлайди.

Адашган қўёнлар гулханлар ёғдусига келиб, таққа тўхтаб қолишар. Кўзлари оловдан бошқа нарсени кўрмас. Уларни биринкетин тутиб оларлар.

Узоқда бўри увлар. Унга бошқа бўрилар «ув-уви» қўшилар. Бўри галалари тузоқлардан беҳабар гулханларга яқин келар. Бир-бир оёғидан илинаберилади.

Хоқон заррин сўрида ҳордиқ чиқариб, гулхан ва унинг атрофини, овчиларни кузатиб ўлтирар. Нўёнлар орасида фақат Қутку йўқ. «У шул саҳрода, — ўйлайди хоқон, — неча ҳафтаки исёнчиларнинг изин қувар. Қутку қувса, тутмай қўймас. Қўлга олинач, хоқон барин-қиличдан ўтказгай. Чингизхонга қарши чиқишнинг нелигини ана шунда кўришар».

Қўшиқ ва рақсга хоқондан изи сўрашар. Айтсин, ўйнасин дер хоқон. Шикор — вақтихушлик деганидир.

Хуш овоз жаранглар:

Қорақурум саҳролари шамолли,
Онон дарёсининг сувлари болли.

Хоқоннинг кўз ўнгига ўзи туғилиб ўсган юрти — Мўғулистон, унинг ҳаммаша шамол эсиб турадиган яйлов ва саҳролари келар. Жимирлаб оқувчи Онон дарёси ва унинг соҳилида ўтказилган илк катта қурултой, унда ўзининг хоқонликка кўтарилгани, отаси қўйган Тимучин исми ўрнига Чингизхон номини олгани, ўша шиддатли йиллар сурони бир-бир хаёлидан ўтар.

Дилида соғинч ҳислари уйғонар. Юртига қайтиб кетгиси, киндик қони тўкилган ўз ери ҳавосидан нафас олиб, қолган умрини она гўшада ўтказмоқликни хаёл этар.

Қўшиқ тугар. Ушани яна айтсин дер хоқон. Хонишчи бошидан бошлар:

Қорақурум саҳролари шамолли...

Хоқон эриб эшитар. Қўшиққа овчилар рақси улашиб кетар. Гулхан чарс-чарс ёнар, ловулар.

16

Ёвбосар Ўтбосарга маслаҳат солди.

— Яхши билурсен, мўғуллар бизни ўраб келадур. Кўп ўтса, дағи ҳафта-ўн кун ўтгай, олар ила тўқнаш келгаймиз. Не тадбир кўрмоқ даркор, фикратинг недур?

— Ҳимоят жонга тегди, хужумга ўтсакми дерман, — фикрини дангал айтди Ўтбосар.

— Мен-да шунини ўйлармен, — деди Ёвбосар, — аммоки, олар бисёр, биз эрсак озчилик...

— Гап аскар сонидаму, Оллоҳ ёр бўлса, ёғийға албат бас келгаймуз, — ишонч билан деди Ўтбосар, — султон Жалолиддин уч юз йиғити ила ёғийнинг мингдин ортуқ аскарин тор-мор айлагани бизга ибратдур.

Дўстининг қатъияти Ёвбосарнинг кўнгли дарёсига тўлқин солди.

Улар ёв еари эртагаёқ йўлга чиқмоқликка аҳд қилишди.

17

Бойимхон хоқон тарихини ёзмоқда эди: «Хони аъзам Чингизхонни муаззам алқисса Бухоронни қамал айлади».

Шу пайт муаззин овози таралди: «Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!»

Бойимхон қаламини бир чеккага қўйиб, таҳорат олгани кўзгалди.

Пешини намози итмомига етганида дарвишлар исёнга келди:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу гурбат ҳавас айлама.

Алишер Навоий

Инсонлар мушкулотларини енгини учун,
қўлни қўлга берганда олам кулади.

Собир Термизий

Фикр — яхшилик ва ёмонликларининг
кўрсатадиган ойна.

Ҳасан Басрий

Инсоннинг табииати ғаройиб: бойлик қўлдан кетганда
ғам-қайғу чекади, умрининг қайтарилмас кунлари
ўтиб кетаётганига эса лоқайд қарайди.

Абул Фараҳ



«Ё хув, ё Оллоҳ!»

Зикр Бухоронинг тўрт томонида баравар бошланган эди. Дарвишларнинг айтимлари борган сайин авжига чиқар, қалъани буткул ларзага сола бошлаган эди.

Бойимхон тепага кўтарилди. Кўрдикки, оломон хоқон ўрдусига бостириб келур.

18

Чингизхон бир тўп кийикни шиддат билан қувиб боради. Мўлжалга олиб ёни ҳам кўтарди. Аммо, тез раъйдан қайтади. Тирик ушлаб бўйинга тамға босиш қарорини ўзгартирмайди.

Саҳро адоғида ўрмон кўринади. Кийиклар ўшанга ўзини урмоқчи, деган хаёлга боради хоқон.

Ўйлаганидек бўлади. Кийиклар билан кетма-кет хоқон ҳам ўрмонга кириб боради.

Орқасидан келаётган овчиларига ўрмонга уч тарафдан кириб боришни буюради. Кийикларни қуршовга олмақликни режалайди. Худди буни билгандай кийик тўпи ҳам тўрт-бешга бўлинади.

Ўрмон кийик жонига ора киради. Дарахтлар, буталар ора-лаб сакраб-сакраб ўтиб бораверади. Ўрмон, табиийки, отлар тезлигига монетлик қилади. Гоҳи дарахт ўрамларини айланаб, баногоҳ учраган чакалакзорларни қиялаб ўтишга тўғри келади. Бундан фойдаланган кийиклар узоқлаб кета бошлайди. Бу хоқон шаштини синдиrolмайди. Аксинча, ғайратига ғайрат қўшади. Отга қамчи устига қамчи уради.

Қочаётганлар ҳам, қуваётганлар ҳам-тобора ичкарилаб боришади.

Кун пешиндан ошса ҳамки, хоқон от жиловини тортай демайди.

19

Ўрмоннинг бошқа бир жойи қўл бўйида жалоллийлар Қутку билан юзма-юз келган эдилар. Ёғий Ёвбосар ўйлаганидан ҳам зиёд, отлиқлар, пиёдалар шу қадар кўп эдики, сафлар охириини кўз илғай олмасди. Аммо Ўтбосар айтганидек, гап сон-санокда эмас, балки ҳар кимнинг ўз шижоати, омадида.

Ўтбосар йиғитлари билан пистирмага яширинган, Қурбон оға бошлиқ черик орқада пайт пойлаб турган, савашга Ёвбосар ўз йиғитларини бошлаб кирган эди.

Қурбон оға — жалоллийларнинг катхудоларидан. Дор остида ҳам ҳақиқатни рўйирост айтишдан тап тортмайдиган жўмард. Ҳозир савашга кириш навбатини кутиб адоқда турар экан, хаёли негандир (тавба) Ёвбосар билан Ўтбосарга кетди, битта қизга ошиқ бўлган бу икки жондош дўст тарихи кўз олдида ятг этиб ўтди. Хаёл ўзи қизик нарса, на жой ташлайдди, на фурсат, келаман деса, истаган пайтда каллаини ишғол қилавераркан. Балким иккала паҳлавоннинг ҳам ҳаёти қил устида тургани учун хаёлига бу гаплар келгандир.

Олдинда, дарахт тепасида ўлтирган хабаргир байроқни кўтариши билан Қурбон оға хаёли худди қаттиқ шамолга учраган булутдай тарқайди-кетди. «Ур-хо-ур!» дея йиғитларини майдонга бошлади.

(Давоми бор).

Яхши сўзларини сўзлагини — фойда топгайсан, ёмон сўзини айтишдан ўзининг тийгини — саломат бўлгайсан.

Ибн Бурайда

Инсоният учун хизмат қилмаган тафаккур
ниҳоятда даҳшатлидир.

Софокл

Ҳаёт сабоқларини этодмаса ёл,
Уни ўргатолмас ҳеч қандай устод.

Рудакий

Кимдаки ақдан бирон сатр бор,
Умрини бир лаҳзасини ўтказмас бекор.

Умар Хайём.

МАЪНАВИЯТ

«КИШИ ҲАРБ ЭТАР ТОКИ ИМКОНИ БОР»

(Ҳарбий ватанпарварлик ғоялари тарихидан)

Ўзбек адабиётида ҳарбий ватанпарварлик мавзуси, ғоялари узоқ тарихга эга. Жасур, мард юрт ҳимоячилари ҳақидаги қадимий ривоятлар (Широқ ва Тўмарис афсоналари) ва халқ қаҳрамонлик дostonлари («Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазон»)дан тортиб, ёзма адабиётимизнинг ёрқин намуналари бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (XI аср), Навоийнинг «Хамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» дostonлари, Мирзо Бобурнинг «Бобурнома»си (XV–XVI аср), Турди Фароғий ва Фурқатларнинг асарлари бунга яққол мисол бўла олади. Буюк шоиримиз Алишер Навоий ҳазратларининг

Аёнки, Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор
каби ўлмас сатрлари-да миллат фарздаларига гўёки васиятдек жаранглайди. Бу ғоялар айниқса, Туркистон чоризм томонидан босиб олингандан сўнг адабиётимизда баралла изҳор қилина бошланди.

1905 ва 1917 йил рус февраль инқилобидан сўнг Туркистонда чоризм истибодидан қутилиш йўлида кучая бошланган озодлик ҳаракатлари даврида ҳарбий ватанпарварлик ғоялари миллий адабиёт ва матбуотда кенг ўрин ола бошлади. Ўлканинг Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат каби илғор маърифатпарвар зиёлилари энди ўлкани фақат иқтисодий, сиёсий жиҳатдангина эмас, ҳарбий мудофаа жиҳатидан ҳам мустақил бўлишнинг орзу қилиб ёздилар. Ўтмишда буюк ва қудратли марказлашган давлат қурган соҳибқирон Амир Темури каби баҳодир лашкарбошилар ва давлат арбоблари етиштирган Туркистоннинг кейинги асрларда инқирозга учраб, ҳарбий мудофаа жиҳатдан заифлашиб, чет эл асоратига тушиб қолганлигига ўлка хон ва бекаларининг ўзаро иттифоқсизлиги сабаб бўлганлигини кўрсата бошладилар.

Бундан қутилиш учун бутун халқ, миллат иттифоқ бўлиб, Ватан мудофаси йўлида бош қотиришни кераклигини таъкидладилар, бу борада ўтмиш ота-боболаримизнинг ҳарбий ватанпарварлик ва шонли қаҳрамонлик анъаналаридан руҳ ва мадад олишга чақирдилар. Янги миллий мудофаа тизими, қўшинлар (армия) ва уларнинг миллий либослари ҳамда қиёфаларини белгилашга, бу борадаги тўениқларга қарши курашга даъват эта бошладилар. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг «Баёни ҳақиқат» (1917) мақоласида бу ҳақда тўхтаб, Туркистонда мухторият ғоясини илгари сурди. Ўлкада мустақил миллий давлат пужуда келиши, унинг ўз парламенти ва армияси бўлишини, бу борада ёшлар ва

кексалар иттифоқ бўлиб иш олиб боришлари кераклигини таъкидлаб: «Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмоққа бизнинг ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқдир. Биз истаимизки, бутун Русия мусулмонлари Мухторият (Федерация) усули юзасидан тириклик қилсулар. Русия мусулмонларининг ҳар бир шўбаси муҳит жўғрофий ва мамлакатларини ҳудуди тарбияси бўйича айрим бўлакларга бўлиниб, ўз тарафларидан ўз мухторият ва одатларига мувофиқ идора қилинса... Биз истаимизки, Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизнинг Парламентимиз бўлса. Туркистон мусулмонлари ўз шариат ва одатларига, ўз закон ва динларига мувофиқ тириклик қилсулар... бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлсун... миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, бизнинг олдимишда энг катта ишлар турбурдур. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак. Вале, бизга на мухторият ва нада мухторият берилур...» деб ёзди («Улуғ Туркистон» газетаси, Тошкент, 1917 йил, 12 июнь). Абдурауф Фитрат эса «Юрт қайғуси» (Темур олдида) номли туркум мақолаларида ўтмишда Амир Темури Кўрагоний бошчилигидаги буюк давлатимизнинг сўнги асрларда инқирозга учраб, парчаланиб чет давлатлар асоратига тушиб қолганлиги, уларнинг оёқлари остида топталиб ётганлигидан фарёд чекади, бунинг айбдорларини лаънатлайди, куликда қолган элини қутқариш йўлидаги курашда ундан куч-қувват, мадад тилайди, бу йўлдаги курашда тўхтамасликка унинг руҳи олдида қасамёд қилиб дейди:

«Улуғ хоқоним! Турклик шарафини таланди.

Турк учун қўйдининг давлат битди, турк остига қурдининг хоқонлик ёғийгами кетди.

Туркининг номуси, эътибори, иймони, виждони зolimларнинг аёғлари остида қолди.

Туркининг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди...

Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди...

Хоқоним! Туркликка хиёнат қилганлар турк бўлсалар ҳам қонларини оқизмоқ, сенинг муқаддас одатингдир, ётма, тур!

Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдур!...

Эй, арслонлар арслони!...

Менинг қўлимни тут,
Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онг ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуглигини қайтармасдан бурун аёғларингга ўтирмасман»

(«Хуррият» газетаси, Самарқанд, 1917 йил, 31 октябрь).

Ниҳоят 1917 йил охирига келиб Қўқонда Туркистон мухторияти эълон қилинади. Унинг қўшинлари ташкил этила бошлади. Лекин афсуски, кўп ўтмай 1918 йил февраль охирида большевиклар ўзларининг ҳарбий кучлари билан мухториятни ағдариб, ўрнига ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Қўқон, Фарғона, Андижонда мухториятчиларга қарши кураш ниқоби остида тинч, беғуноҳ аҳолини ҳам қирғин-барот қилишди. Бунга қарши Туркистон ҳукуматининг айрим раҳбарлари мудофаа қисмлари ташкил қилиб, босқинчиларга қарши кураша бошлайдилар. Матбуот ва адабиётда миллий мудофаа қўшинларининг аҳамияти, давлатнинг дахлсизлиги ва мустақиллиги учун миллий аскарларга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлиги ва бу борада жиддий амалий чоралар кўриш кераклигини таъкидлаб ёза бошладилар. (Масалан, Жулқунбой «Бизда аскарлик масаласи» (1919), Ёкубов «Ўрта Осиё миллий ҳарбий мактаби», М. Явушев «Ёш миллий қўмондонларга йўл берилсин», А. Бобононов «Туркистон миллий қўмондонлар курсининг очилиш маросими» (1924), Файзулла Хўжаев «Қизил қўшиннинг миллий бўлимларига аҳамият», Абдулла Авлюний «Биринчи қизил қўмондонлар», «Туркистонлик ерли ёшларни аскарлик хизматга тайёрлаш» (1926) ва бошқалар). Бу жиҳатдан айниқса, Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг «Бизда аскарлик масаласи» (1919) мақоласи характерли бўлиб, ёзувчи мақолада бу масалалар хусусида шундай муҳим фикр ва мулоҳазаларни ёзди: «Бошқалар тарафидан ҳуқуқини топталмови, четларга маҳкум, мазлум бўлмаслиги, чет мамлакатларга ўз товушининг эшиттириб, эшитмоққа мажбур этилди шубҳа йўқим, қўлингдаги қуролнингга, аскар кучини қараб бўладир.

Кўраимизки, Оврўпа, Америка миллатлари бутчалик шон-шавкатини фақат ҳарбий куч ила қўлга олишлардирлар. Оврўпо, Америка империалистлари шарқни фақат қурол кучи ила ўзларига асир этмишлар ва ҳали ҳам ҳарбий куч ила шарқ мазлумларини мажбур тутадилар. Аммо биз шарқли мазлум мусулмонлар эса шу қуролсизлик,

аскари йўқлик ила шу зolimлар занжирига банд бўлмишимиз.

Дуруст... бундан эллик йиллар илгари ғайратли ва номусли Олимуқлиларимиз, Қаноатшоҳларимиз бўлган (Туркистонни чор истилосидан ҳимоя қилувчи қаҳрамонлар кўзда тутилмоқда. – Ш. Т.)

...Юқорида ҳам сўйиланиб ўтилди: мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас. Идора ўз қўлимизга ўтгач, табиий ватанимизнинг душмандан муҳофазатида ўз устимизга тушажак. Бунинг учун ўз аскаримиз бўлурга керак.

Табиийдирки, мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб, аскарликни бошқалар қилмаяжак. Бу мумкин ҳам эмас. Шунинг учун агарда биз куликдан қутилиб, мустақил яшарни хоҳларканмиз, яқин истиқболимиздаги яхши кушлар учун аскар бўлишимиз, Ватан мудофаасига ҳозирланишимиз лозимдур...

Шунинг учун мусулмон ишчиларидан аскар йиғувга зўр ташвиқот лозимдур...» (Жулқунбой. «Иштирокион» газетаси, 1919 йил, 4 ноябрь).

Бундан ташқари бу даврда ҳарбий ватанпарварлик мавзуси С. Айнийнинг «Биз ким?», «Куччиқарларга хитоб» (1919), Элбекининг «Қуролга» каби шеърлари ва бошқа асарларда (жумладан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» (1925) романининг хотима қисмида) ҳам акс эта бошлаганди. Жумладан, Элбекининг «Қуролга» (Ўзбек йилитига) шеърда инқилобий кураш ниқоби остида босқинчилик сиёсатини амалга ошираётган большевикча ёвузликларга қарши миллий мудофаачиларни қуролланишга ва мазлумларни мардонавор ҳимоя қилиб, зolimларни йўқотишга чақиради.

«Дунёда борлигини сақлар эсанг,
Хур бўлиб, тепки ичра қолмас эсанг.
Ол шуни қўлга, турма, тезда ол!
Чунки у кесузининг кўмакчисидир,
Кучсиз ўғлонларининг етакчисидир.
Сақлар ул кимсани разолатдан,
Сақлар ул кимсани ҳақоратдан.
Яшамоқ истасанг агар сенда,
Қўйма қўлдан уни туну кунда,
Сенда эр ўтил, қонли, жонли эр бўл!
Кучланиб тепкидан бугунда қутул!
Тушма ҳеч ҳийла ҳам тузоқларга,
Ол қурол, кет буқун узоқларга
Иштиқининг қўлда шонли тус олсин.
Қиличинг ёв қонига қонсин!»

(Элбек. «Мунгли қушим»,
Тошкент, 1999, 8-бет).

(Давоми бор).

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фаилари номзоди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ПОЙТАХТИМ РАМЗИ



Тошкент куранти кўп йиллик тарихларга гувоҳ бўлиб келаётган меъморий ёдгорликдир. Бу минора ортинча безак талаб этмайди, қиёфаси эса ҳеч бир замонда эскирмаган. Ҳар чорак, ярим ва бир соатда занг уриб турадиган маҳобатли ишшоотни пойтахтимизнинг рамзи, уриб турган юратига қиёслаш мумкин.

Курант меъморий ишшооти дунёнинг санокли давлатларидангина мавжуд. Хусусан, Буюк Британиядаги Биг-Бен ва бундан бир неча йил муқаддам Эронда барпо этилган курант соатлари мамлакатларнинг ўзига хос рамзи саналади. Улар орасида 1947 йил 30 апрелда қурилиб, фойдаланишга топширилган Тошкент куранти келиб чиқиш тарихи, мустаҳкамлиги ва миллий услуби билан алоҳида ажралиб туради.

Шаҳар меъморий ансамблининг Марказий хиёбонидаги таркибий қисми бўлган курантнинг тарихи жуда қизик. 1947 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба шарафига Тошкентнинг қоқ марказида монумент қурилиши режалаштирилади. Ёдгорлик икки ой ичида қурилиб, ҳозирги курант жойлашган минора

қад ростлайди. У ўша йили Тошкентда қурилган Алишер Навоий номидаги театр биносининг меъморчилик усули таъсирида ишланади. Аммо очилишига санокли кушлар қолганда, қурилиш мутлақо бошқача кўриниш касб этади. Қутилимаганда ёдгорлик ўрнига 1947 йилнинг апрелида курант қад ростлайди. Унинг меъмори А. Муҳамедовнинг, безагида Уста Ширин қатнашган.

Мазлум бўлишча, курант соати Германиядан олиб келинган экан. А. Айзенштейн, В. Солихон, Л. Маликов, А. Хинан, Г. Стрельцовдан иборат соатсозлар бригадаси 4 шиферблатли Тошкент курантининг ўрнатилган. Улар орасида, айниқса, А. Айзенштейннинг тайшаббусини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айнан у томонидан курант соати 1946 йилда совға қилинган. Айтишларича, А. Айзенштейн Тошкент шаҳрида туғилиб ўсганлиги учун бу ноёб туҳфани она шаҳрига тақдим этган.

Курант архитектура жиҳатидан жуда пишқ ва мустаҳкам қурилган. Уни қуришда миллий меъморчилик ва амалий безак санъати анъаналари қўлланилган.

Ҳозгон мрамори билан қопланган ва жездан ишланган металл қисмлари ўзаро уйғунлашган меъморий ишшоот 1948 ҳамда 1966 йилги ер силкинишларига бардош берди. Ҳар иккала зилзилада ҳам курант мустаҳкамлигини неботлаб, чиройини йўқотмади. Тўғри, 1966 йилги табиий офатдан минорадан соат бузилган, аммо зудлик билан таъмирланиб, ишга туширилган.

Курантнинг баландлиги 28,7 метр. Ўлчови 4,1 x 4,1 метр бўлган миноранинг ичида махсус хона мавжуд бўлиб, унда соатни юргитадиган механизм бор. Механизм хонасига минора ичида ўрнатилган зинапоя орқали чиқиб борилади.

... Ҳеч кузатганимиз, одамлар хоҳ транспортда ёки пиёда бўлсин, ушбу минора олдида келганда бошларини кўтариб, соатга қарашади, кейин эса кимнингдир ҳаракати тезлашса, биров хотиржам тин олади. Унинг ҳар бир занги кишини ҳамон сергаклик ва хушёрликка чақиради, ҳаёт давом этаётганлигини эслатиб туради.

Б. БОТИРОВ.

СПОРТ

Зимняя Олимпиада среди курсантов

СОСТЯЗАНИЕ МОЛОДОСТИ, СИЛЫ, СМЕКАЛКИ И ИНТЕЛЛЕКТА

Вчера на базе Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища начались состязания Зимней олимпиады среди курсантов высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны, которые станут состязанием молодости, силы, смекалки и интеллекта.

В Обращении Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященном 17-летию Вооруженных Сил Узбекистана, было указано: «коренного пересмотра требует деятельность высших военных образовательных учреждений по подготовке интеллектуально развитых, широко эрудированных и стратегически мыслящих офицерских кадров».

Одним из конкретных шагов в решении этой важной задачи, поставленной главой государства, станет проводимая на базе Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища (ЧВТКИУ) Зимняя олимпиада среди курсантов высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны.

В процессе участия в Зимней олимпиаде будущие офицеры пройдут серьезную проверку не только в силе и ловкости, навыках меткого ведения огня из стрелкового оружия, но и покажут смекалку, находчивость и остроумие, умение быстро находить выход в любой нестандартной ситуации.

Ярко, красочно и празднично на стадионе ЧВТКИУ состоялось торжественное открытие Зимней олимпиады. Под музыку военного оркестра вышли на газон стадиона команды — «Фазогир» ДВВАУ, «Омад» СВВАКИУ, «Сардор» ТВОКУ, «Лочин» СФ ТУИТ и «Танкчи» ЧВТКИУ. По беговой дорожке стадиона военнослужащие знаменной группы внесли Государственный флаг Республики Узбекистан и Флаг Зимней олимпиады среди курсантов. Под величественные звуки Государственного гимна нашей Родины оба флага подняты на флагштоках.

С приветствием к участникам обратился Министр обороны Республики Узбекистан генерал-майор К. Бердиев. Он пожелал курсантам успехов в предстоящих состязаниях, выразил уверенность в том, что эта Олимпиада станет мощным стимулом для будущих офицеров в дальнейшей работе над собой в плане роста уровня интеллекта, боевой и физической подготовки.

Программу торжества продолжили показательные выступления юных боксеров, каратистов, представителей других видов восточных единоборств, курсантов десантного факультета ЧВТКИУ. Молодцевато и с безупречным исполнением элементов показали строевые приемы с оружием курсанты взвода Почетного караула ТВОКУ под сопровождение песни «Истиклол машъали» в исполнении подполковника Марата Хакимова.

Особый праздничный настрой, своего рода заповедь началу Зимней олимпиады среди курсантов ВВООУ, задали выступления мастеров искусств из Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил.

— Отраднo, что эта Зимняя олимпиада дает шанс увеличить соревновательную практику курсантов. Ведь это будет способствовать моральной закалке будущих офицеров, воспитанию в них лидерских качеств, жажды победы, — говорит офицер Исроил Мирзаев, представитель СФ ТУИТ.

— Недаром говорится, что хозяевам даже родные стены помогают, — сказал офицер Хусан Кучкаров из ЧВТКИУ. — Верится,

что мощная поддержка болельщиков, которая нам обеспечена, станет не менее важным фактором для достижения победы. Ведь в условиях примерного равенства сил психологический эффект от поддержки зрителей приносит немалый успех.

Несомненно, и представители остальных училищ с таким же успехом могут рассчитывать на призовые места, ведь и они приехали в Чирчик вовсе не для исполнения роли статистов. Бесспорно, в рядах каждой из этих команд есть сильные игроки. Тем интереснее пройдут бескомпромиссные баталии.

В первый день Зимней олимпиады курсанты померились силами в комбинированной эстафете, умении искусно управлять автомобилем, играли в волейбол. В эстафете победила команда «Танкчи», на второе место вышла команда «Сардор» и замкнула первую тройку лидеров команда «Фазогир». Впрочем, уже на волейбольной площадке команда «Омад» преодолела стартовое волнение, в двух партиях взяв верх над «Танкчи». «Фазогир» также в двух партиях обыграл «Лочин». В вождении автомобиля первенство вернули себе самаркандцы.

По программе состязаний далее пройдут такие виды, как биатлон, испытание на выживание, конкурс знатоков, завершится волейбольная серия встреч. Затем курсанты поспорят в своем мастерстве владения стрелковым оружием, спортивным ориентировании. В испытаниях по тактико-специальной подготовке курсанты должны будут показать свои навыки и умения по выживанию, умению к действиям в экстремальных условиях, установке укрытия, оказанию первой медицинской помощи, выполнению упражнения на меткую стрельбу из автомата АК.

В спортивных дисциплинах, включающих в себя соревнования по биатлону, комбинированной эстафете, спортивному ориентированию от курсантов потребуются проявить свои личностные качества в стрельбе, беге, умении работать с картой и компасом, ориентировании на незнакомой местности.

В конкурсе «Балли, йиптилар!» участники кроме интеллектуальных знаний должны обладать музыкальными и танцевальными способностями. Конкурс знатоков похож на свой телевизионный аналог: участники тянут вопросы из «черного ящика», есть и поединок капитанов команд.

Помимо спортивного аспекта в проведении Зимней олимпиады, очень важен момент стимулирования повышения эрудиции, роста интеллекта в курсантской среде.

Зимняя олимпиада среди курсантов пройдет в духе настоящей бескомпромиссной борьбы, огромного стремления к победе, в духе взаимной доброжелательности и уважения к соперникам. Каждый участник проявит мужество и высокую силу духа, волю к победе и смелость, твердость и честность.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.



БЕЛЛАШМОҚДА ЮРТИМ ПАҲЛАВОНЛАРИ

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти базасида Мудофаа вазириликка қарашли олий ҳарбий билим юртлари курсантларининг Қишки олимпиада мусобақалари бошланди. Унда Тошкент олий умумқўшни кўмондонлик билим юрти («Сардор»), Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти («Фазогир»), Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти («Омад»), Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазириликнинг махсус факультети («Лочин») ва мезбонлар — Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти («Танкчи») жамоалари ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришарди. Мусобақалар илк босқичлариданоқ муросасиз беллашувларга, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди.

Мазкур олимпиададан курсантларнинг жанговар маҳоратини янада ошириш, улар ўртасида мусобақадонлик муҳитини қарор топтириш, бу орқали интеллектуал салоҳияти юксак офицер кадрларни тайёрлашдек эзгу мақсад кўзланган.

— Мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрдик. Бу борада бизга устоз офицерлар, айниқса, Хусан Қўчқоров ва Бобур Каримовларнинг ёрдами катта бўлди. Ўзаро ҳамжиҳатлигимиз, яқдил ва аҳиллигимиз сабаб комбинацияланган эстафета баҳсларида ғолибликни қўлга ки-

ритдик. Уйлайманки, жамоамиз фақатгина шу натижа билан чеklangиб қолмай, янги-янги марралар сари интилади, — дейди Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти 3-курс курсанти Феруз Саидов.

— Мазкур олимпиада ҳақида эшитганимиздаёқ хурсанд бўлгандик, — дейди Тошкент олий умумқўшни кўмондонлик билим юрти курсанти Азамат Бердиев. — Чунки бундайин мусобақалар орқали билим юртида олган билимларимиз, орттирган кўникмаларимизни синаб кўриш имкони туғилади. Иштирокчилардаги

ғалабага бўлган интилиш, жамоавий яқдиллик мени ҳаяжонлантирди. Эстафета баҳсларида жамоамиз иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса-да, ҳали имкониятларимиз юқори эканлигини кўпчилик таъкидлади. Умид қиламанки, кейинги босқичларда жамоамиз буни исботлайди.

— Қишки олимпиада мусобақалари юксак савияда ташкиллаштирилганига гувоҳ бўлдик, — дейди Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси вакили офицер Азиз Ҳайдаров. — Жамоамиз спорт мусобақаларида ҳаминша ғолибликка асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Қишки олимпиадада нималарга қодирлигимизни кўрсата оламиз. Энг муҳими, бу каби беллашувлар бўлажак офицерларнинг ҳар томонлама чинқиши, маънан, жисмонан тобланишида муҳим ўрин тутди.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.

Открытый чемпионат МХСК

ДОМИНИРОВАЛИ ХОЗЯЕВА

На днях в столичном колледже олимпийского резерва состоялся открытый чемпионат МХСК по легкой атлетике, на котором подавляющее большинство наград выиграли армейские атлеты.

Например, в беге на 60 метров вся тройка сильнейших была представлена спринтерами МХСК — победил Акбар Умаров, а компанию ему составили Игорь Гончаров и Алексей Севриков. Бег на 60 метров с барьерами выиграл Олег Норматов.

На дистанции 400 метров победу праздновал армеец Руслан Алимов, второе место у его одноклубника Ильёса Саматова.

Только на средних дистанциях представители других обществ составили конкуренцию хозяевам. Так, 800 метров выиграл Марат Низамов из ДФСО профсоюз (Наманган), а на 1500 метров сильнейшим стал Анвар Хайтов (ДФСОП, Ташкент). Кстати, на этой дистанции бронзовую награду завоевал рядовой срочной службы СВВАКИУ Ринат Ибрагимов.

На дистанции 3000 метров победил Андрей Петров («Ешлик»), а второе и третье места заняли рядовые по контракту ЧВТКИУ Рамазан Ортиков и Саид Юсупов.

В прыжковом секторе тоже доминировали хозяева соревнований. Выше всех прыгнул Марат Хайдаров, преодолев планку на 210 см, а в длину самый дальний прыжок совершил младший сержант Леонид Андреев, улетевший на 7 метров 70 сантиметров.

И только в толкании ядра безоговорочно победил Григорий Камуля из столичного «Ешлика».

В состязаниях среди женщин превосходство наших спортсменок было заметным. Так, в беге на 60 метров победила Оксана Кошелева, ее подруга по команде Се-

вара Кучмурадова финишировала третьей, пропустив вперед только Диану Аглилину (ДФСОП). В беге на эту же дистанцию с барьерами победила Зарина Кадырова из СВВАКИУ, обогнав свою подругу по команде МХСК Анастасию Прошкину.

В беге на 200 метров победу одержала Диана Аглилина, второе место у Севары Кучмурадовой, а третье у армейской бегуны Дианы Дмитрияди.

На дистанции длинного спринта 400 метров победила Наталья Асанова (ДФСОП), у Д. Дмитрияди бронзовая медаль. А на 800 метров самое быстрое время у рядового по контракту Анны Сидоровой.

В прыжковом секторе тоже лидировали хозяйки. Так, выше всех прыгнула младший сержант Надия Дусанова, а в прыжках в длину и тройном прыжке победила ее подруга по команде Александра Котлярова. Причем Саша показала хорошие результаты (в длину, она улетела на 624 сантиметра). Второе место здесь у Александры Быстрыговой из ЧВТКИУ.

В толкании ядра победила Софья Бурханова («Ешлик»), у нашей Анастасии Семибратовой серебряная награда.

— Результаты армейских атлетов и всех участников, произвели хорошее впечатление на представителей Федерации легкой атлетики Узбекистана, — рассказывает старший тренер МХСК по легкой атлетике сержант Анвар Кучмурадов. — Они убедились, что наши лидеры в отличной форме начинают спортивный год.

Ермурат АЙНАТДИНОВ.

Футбол

ЯНГИ МАВСУМ АРАФАСИДА

Баҳор яқинлашган сайин айниқса, футбол мухлисларининг кайфияти кўтарилиб бориши шубҳасиз. Чунки улар учун анча «серикарли» ҳисобланган мавсумлараро танаффус ҳам ўз ниҳоясига яқинлашиб, орзиқиб кутилган янги мавсум бошланади. Тўғри, сўнгги бир неча йил давомида февраль ойида, жорий йилда эса ҳатто, январь ойида дастлабки расмий учрашувлар (терма жамоалар миқёсида) ўтказилгани ҳам бор гап. Аммо юртимиз футбол мухлислари учун асосий футбол беллашувлари март ойидан бошланади.

Ҳозирда барча жамоалар янги мавсумга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Юртимизда ва хорижда ўқув-йиғин машғулотлари, турли назоратсинов учрашувлари ўтказилмоқда, жамоалар таркибини кучайтириш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон футбол федерациясида биринчи марта Ўзбекистон профессионал футбол лигаси томонидан ўтказиладиган олий лига жамоалари ўртасидаги жуфтликлар ўзаро баҳс олиб борадилар:

«Андижон» — «Локомотив»
«Пахтакор» — «Бухоро»
«Насаф» — «Шўртан»
«Навбахор» — «Олмалик»
«Металлург» — «Хоразм»
«Сўғдиёна» — «Машғал»
«Динамо» — «Бунёдкор»
«Қизилқум» — «Нефтчи».

Ўзбекистон кубоги учун ўтказиладиган ўйинлар тизими ҳам ўзгаришлар киритилган. Бу йилдан кубокнинг 1/32, 1/16, 1/8 ва 1/4 финал босқичларида голиблар бир ўйин натижасига кўра аниқланади. 1/2 финал босқичи эса уй-меҳмон тизимида ўтказилади. Утган йилги кубок баҳслари ярим финалчилари «Пахтакор», «Бунёдкор», «Нефтчи» ва «Олмалик» жамоалари бу йил 1/8 финалдан бошлаб баҳсларга қўшилидилар.

Ҳозирча 12-13 март кунлари ўтказилиши режалаштирилган 1/16 финалда қуйидаги жуфтликлар ўзаро беллашадилар:

«Дўстлик-2008» — «Металлург», «Оқтепа» — «Хоразм», «Бунёдкор — Қўқон — Навбахор», «О. Акбаров» — «Динамо», «ЎзДонгЖу» — «Андижон», «Шўрчи-Лочин» — «Насаф-2» жамоалари учрашуви голиби — «Қизилқум», «Фаллакор» — «Турон» учрашуви голиби — «Сўғдиёна», «Шайхонтоҳур» — «Жимғар» голиби — «Бухоро», «Спартак» — «НБУ — Осн» голиби — «Машғал», «Жайхун» — «Машғал-Академия» голиби — «Насаф», «Динамо-2» — «Зарафшон — НЦЗ» голиби — «Шўртан», «Нефтчи» (Жарқўрғон) — «Динамо-01» голиби — «Локомотив».

Юқоридики кўрсатилганидек, ўзаро учрашувлар голибларини аниқлаб берувчи дастлабки босқичдан ўрин олган 7 та учрашув 9 март кунини бўлиб ўтади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

Теннис

СПОРТЧИЛАРИМИЗ РЕЙТИНГИ ОШИМОҚДА

Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) дунёдаги энг кучли теннисчиларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унга кўра халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси Оқгул Омонмуродова яна ўн поғона юқорилаб, рўйхатнинг етмиш иккинчи поғонасидан жой олди.

Шунингдек, рейтинг жадвалига киритилган ҳамюртларимиз сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Халқаро ташкилот рўйхатидан Влада Екшибарова, Албина Хабибулина, Александра Колесниченко, Ирода Тўлаганова, Алиса Огородова ҳамда Нигина Раҳмонова каби истеъдодли ракетка усталари ҳам жой олган.

Умумий жадвалда эса америкалик Серена Уилямс етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўрин россиялик Динара Сафинага насиб қилган бўлса, сербиялик Елена Янкович учинчи ўриндан жой эгаллаган.

Атлетический клуб будущего война

АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА — ЭТО СИЛА


Развиваем мышцы рук, ног и туловища

Исходное положение: основная стойка, гантели в опущенных руках. Присесть на носках, поднимая руки вперед и делая поворот туловища и рук в сторону, — вдох, в исходное положение — выдох (1).

Исходное положение: основная стойка, стоя пятками или носками на бруске, гантели в опущенных руках. Присесть, поднимая прямые руки за спину (2, 3), — выдох, в исходное положение — вдох.

Исходное положение: основная стойка, гантели в опущенных руках. Присесть на всей стопе с подниманием рук вперед или разведением в стороны — выдох, в исходное положение — вдох (4).

Исходное положение: присед на всей стопе, гантели в опущенных вниз руках (5). Выпрямить туловище, встать на носки, поднимая высоко плечи, не сгибая руки (6), — вдох, в исходное положение — выдох.



МАДАНИЯТ

БУЮК САРКАРДАГА ЭҲТИРОМ

Борму экан ҳеч нима оламда ҳижрондин ёмон,
Хар неким андин ёмонроқдур будур андин ёмон.
Улуғ шоир, беназир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари ушбу мисраларни кўзларида ёш ила битган бўлса ажабмас. Чунки инсон учун юрт ҳажридан аччиқроғу буюкроқ дарднинг ўзи йўқ. Иродаси жангларида тобланган, фикрлари олмосдек кескир шоҳни шоиру фузало қилган ҳам аслида мана шу ўзбек тупроғи – Ватан соғинчи бўлгани аниқ. Мана, беш асрдан зиёдки, саркарда бобомизнинг табаррук номи буюк давлат арбоби, тарихчи, аллома ва шоир сифатида эътироф этиб келинади. 14 февраль куни улуғ алломанинг таваллуд кунига 526 йил тўлди. Шу муносабат билан мамлакатимиз бўйлаб шоир ижоди ва ҳаёти, саркардалиқ фаолиятига бағишланган маданий-матрифей тадбирлар ва учрашувлар бўлиб ўтди. Жумладан, Марказий офицерлар саройида ўтказилган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди.

Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқаро Амир Темуражамғармаси, Тошкент давлат юридик институти ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда юртимизнинг таниқли инсонлари иштирок этиб, йиғилганларга Бобур Мирзо ҳазратларининг ижоди ва фаолияти ҳақида қизиқарли ва ранг-баранг фикрлар баён этишди.

Йиғинда сўз олган Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг саркардалиқ фаолиятига, унинг ҳарбий салоҳияти, жангу жадалларда эришган муваффақиятларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзонинг улуғ бобомизнинг ижодий фаолияти хусусидаги фикрлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдиргани аниқ. У улуғ саркарданинг шеърини борасида алоҳида тўхталиб, ижод аҳли ичида Алишер Навоидан кейинги мақомни эгаллаган шоирдир, дея Бобуршоҳга таъриф берди.



Таъкидланганидек, Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жавахарлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида «Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди», деб ёзган эди.

Ҳа, Бобур Мирзо кўп қиррали, юксак маънавиятли инсон эди. Улуғ бобомиз олға сурган инсонпарварлик ғоялари бугун ҳам долзарбдир. Давлатимиз раҳбари «Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка ишонч билан қарашга ўргатади», дея бежиз таъриф этмаган.

Тадбирда сўз олган Халқаро Амир Темуражамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али «Миллатимиз ва юртимизни дунёга танитган, танитиб бораётган буюк сиймолардан бири» деб, тарихга битилган улуғ шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни гапириб берди.

Юридик фанлар номзоди Феруза Муҳиддинова эса Бобур Мирзонинг адолат ва қонунга муносабати ҳақида гапириб, «Бобурнома»да кўпгина масалалар қатори давлатчилик тамойиллари, ўша давр ҳукмрон доирасининг адолатга бўлган талаблари акс эттирилгани ҳақида сўз юритди.

Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Эркин Комилов, Саидкомил Умаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пўлат Носировларни томошабинлар мамнуният билан қарши олдилар. Уларнинг улуғ аждодимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар катта қизиқиш билан тинглади. Тошкент давлат юридик институти талабалари Бобур Мирзо ғазаларидан намуналар ўқиб, тadbирга ўзгача файз киритишган бўлса, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг чиқишлари кўнгилларга хушнудлик ва қувонч улашди.

Зулфия НОСИРОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ҲАРБИЙЛАР ШИЖОАТ-ЛА КУЙЛАГАНДА...



Кўшиқ – руҳ озини. Файласуф Сукротнинг таъбирича, руҳни соғломлаштирмай туриб, танани даволаб бўлмайди. Инсоннинг руҳий-маънавий камолотини мусиқа санъатисиз тасаввур қилиш мушкул. Янграётган кўшиқнинг созида сехр, хонанда ноласида қалб тубидан чиқаётган меҳр бўлса – беҳтиёр кўнгил ором олади, кайфият кўтарилади.

Ватан ҳимоячилари кунги муносабати билан мухташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тadbир ва катта концертга ташир буюрғон ҳамюртларимизга яхши кайфият ва кўтаринки руҳда залдан чиқдилар. Демак, тантанали маросим учун танланган кўшиқлар, хонандаларнинг ижро маҳорати кўпчиликка мангир бўлган. Ҳарбий билим юртларининг бежирим кийинган курсантлари ўзларига ёққан ашуланинг нақоратини хиргойи қилиб кетаётгани янада ёқимли: «Она замин ва инсон, жону тандир жону тап! Беминнат ота макон, шу Ватандир шу Ватан!».

Очиги, концерт якунида, ташиқлотчилар ибораси билан

айтганда, «финал»да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли бадвий раҳбари офицер Шухрат Дадажонов ижро этган «Шу Ватан» кўшиғи ушбу санага ҳар томонлама мослиги, соз ва сўз уйғулиги, гурур-ифтихор туйғуларини жунбушга келтирганлиги, ҳарбийларга хос жарангдорлиги билан барчанинг эътиборини тортди.

Аслида яхши кўшиқ ўз-ўзидан ёхуд ҳар кунги яралавермаслиги санъат соҳасидан узоқ кишилар учун ҳам янгилик эмас. Бунинг учун аввало худо берган иқтидор, ана шу истеъдодга яратилган шарт-шароит ва берилётган эътибор, илҳом келтирадиган байрам тadbирлари муҳим роль ўйнайди.

Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар илҳом амалга оширилимоқда, мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусиқа айжуманилари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Иқтидорли ёшлар доимо кўлаб-қувватланиб, рағбатлантирилиб борилоқда. Янги ва яхши кўшиқларнинг пайдо бўлаётгани ҳамда улар азиз байрам-тўйларимизда ижро этилаётгани ҳам ана шу эътиборнинг амалдаги самарасидир.

«Асрагайдир мардлари, дилдан артиб гардларини, бахтдир менга дардлари, шу Ватандир шу Ватан!». Айни сўзлар билан бошланган мазкур кўшиқ ҳам ёш ижодкорлар томонидан яратилган диққатини тортди. Шеър муаллифи – Аҳаджон Қаюмов ҳали талаба, сўз санъати оламининг илҳом кўчаларида энди-энди тетапоқ қадам ташлаётган навқирон авлод вакилларида бири. Унинг илҳомига илҳом кўшиб, юрак ҳароратини бағишлаб мусиқа ёзган Шухрат Дадажонов эса Ватан ҳимоячилари қалбидagi азму шижоатини, шерорак ўзлон индосини юксак маҳорат билан нотага кўчирган.

Бу албатта ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксактириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг ноёб асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун яна бир имконият бўлди.

Шу фикрга алоҳида урғу бераётганимиз, она Ватанимиз, тинч-осойишта ҳаётимиз ва бугунги ютуқларимиз кўнгил мулки янглиғ тарангум этилган кўшиқни ўзинга хос «реклама» қилаётганимизнинг боиси бор. Ҳозирда эстрада йўналишида жуда кўплаб кўшиқлар ёзилиб, катта маблағ эвазига клиплар олиниб, телерадиоканалларда ёмғирдан кейинги кўзиқориндек чиқиб турибди.

Афсуски, уларнинг аксарияти миллий эстрадамиз анъаналаридан кўра, «оммавий маданият» таъсирида яратилгани соғлом фикрли кишини ўйга толдириши табиий. Ниятимиз – бировларнинг ноғорасига «қуйлаётган» ёшларимиз ҳам атрофга тегар назар билан қараб, бизга қандай кўшиқлар кераклигини, давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият – сиғилмас куч» китобидagi турфа синовлардан ўтиб қуйма фикрга айланган ҳаётини хулосаси билан кўйса, кони фойда буларди: «Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очикдан-очик ажонабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «олдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чиннакам санъат мухлисларини раивжитмасдан қолмайди, албатта.

Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қондаларига муғлақ тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қоринштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунасликдан бошқа нарса эмас».

Юртбошимиз кўйиниб таъкидлаган ҳолатлар юқумли касалликка айланиб кетмаслигининг олдини олиш учун дилга пайванд кўшиқларимизни қайта-қайта «реклама» қилиш, сал ошириб мақташ ҳам зиён қилмайди, деб ўйлайман. Зеро, камтарлик ила бирор жабҳа ёхуд йўналишни очик қолдирсак, бўш қўйсақ – уни кимдир келиб тўлдиради, ўзининг «қўшиғини» тикшитиради...

Озод РАЖАБОВ.

ВАТАНПАРВАР		Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ. Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМАЛОВ.	Тадбирнинг манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.	
Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги	Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан	Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.	«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уюмда chop этилади. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.	
МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚУЧҚОРОВ, Алишер МУНИНОВ, Нурулмуҳаммад МУЛЛАБОВЕВ, Шухрат ТУХТАЕВ, Абдусаттор ЭРТАШЕВ, Курбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАЊИЖИРОВ, Ҳикмат НАСРИДДИНОВ.		Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.	«Ватанпарвар» газетаси тадбирнинг компьютер марказида Р. Исмаилов ва Ҳ. Хошимов томонидан саҳифаланди.	
		Тадбирнинг фикри муаллифлар шухтан назардан фарқлашини муъмин. Тадбирнинг келган кўшиқлар, катталар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.	Газета жума кунини чиқади.	Аади 27000.
			Нашр кўрсаткичи 114.	Буюртма № J-6945.